ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 14 АВГУСТ, № 33 (3189) ЖУМА

Истиқлол назми

Тўра СУЛАЙМОН

ЖОНАЖОН ЖУМҲУРИЯТ

Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси,
Таъриф-тавсифингизни йўқ ниҳояси.
Сенга бағишланур муқаддас қўшиқ
Бу — ўзбек элининг ўз мадҳияси.

Қўҳна она юртим, қадим Туроним,
Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шаъним.
Етти иқлим ичра тенги топилмас —
Тупроқ, тоши олтин Ўзбекистоним.

То башар бор экан, бор экан қуёш
Бирлашган элга ёв отолмагай тош.
Евқур йигитларнг, лочин қизларнинг
Ғанимлар олдида эгмаганлар бош.

Дастурхони очиқ, хирмони баланд,
Самовнй тоғлари номига монанд.
Оламга машҳур не зотлар ватани
Меҳринг қон-қардошлар меҳрига пайванд.

Сен тошқин Жайхуним, теран Сайхуним,
Сен — менинг ўтмишим, сен ёруғ куним.
Елкадош ўлкалар билан ҳамнафас.
Шонли Туркистоним — Ўзбекистоним.

Гулинг гулзор бўлсин, қирларинг ўрмон,
Дарёларинг денгиз, қўлларинг уммон.
Ҳудудинг дахлсиз, яловинг юксак,
Сен — Шарқнинг машъали, сен — доруломон.

БИЗЛАР ТОМОНДА

Раъно Абдураҳмонова исмли ҳамшира қизга

«Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал»
Зуҳро деса Зуҳро — ундан-да гўзал[1].

Сендай гул кўрмадим ҳеч бир чаманда,
Бир чаманмас, на Чин, на Хуросонда,
Андоза оладир не сарвинозлар
Сенга ишқи тушган қолмас омонда!

Кўринмасмиш кундуз кўзга сени деб,
Пайдо бўлди экан қай бир куни, деб,
Қандай бахтли экан Қайс-Мажнуни деб
Юлдузлар оҳ урар эрмиш осмонда.

Сени деб қанчалар ситам тортадир,
Шоирлар мадҳ этиб қалам тортадир.

Тун пардасин бирда Ой ҳам тортадир,
Бирда Шамс қолармиш лолу ҳайронда.

Не дилларга ғулу сола келдилар,
Не санамлар ортда қола келдилар,
Аямасдан ўчни ола келдилар
Қасосим бор, деб бир Т. Сулаймонда.

Сен ўсган бу бўстон, бу ошиённи,
Жаҳон кўчиб келган кавкабистонни,
Инс-жинс дорий билмас қутлуғ қўрғонни
Забт этолмас ҳатто соҳибқирон-да.

Шартларинг овоза бўлса Туронда,
Мағрибда, машриқда: Мочин, Эронда.
Жарчилар десалар: «Майдон мардники
Малика ҳамон ўз ахд-қароринда!»

Майдонда шоҳлар ҳам бўлса шармисор,
Ғолиб бўлмоқ бўлса душвордин-душвор.
Елвордим! ёлғизим, эй, парвардигор
Қолган умрим кечсин доруломонда...

Алплар ҳам ноумид бўлсалар магар,
Устиворлик қилиб бирон-бир дигар,
Поёндоз тўшалса Ўш, Урганч қадар
Ғуломи бўлгаймиз биз ўша онда...

1. Чўлпондан.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ:

ЮКСАЛАДИГАН ВАҚТ

— Зикир ака, жумҳуриятимиз истиқлоли бир йиллиги арафасида кўнглингиздан нималар кечиб турибди?

— Кўп нарсалар... 1917 йил қомусларда қолиб кетганлиги... ҳақиқий истиқлол орзусидаги сара миллатдошларимизнинг қирғинларга дучор қилинганлари... Маънавият дунёсида маҳкуртлик ҳодисаси... Назаримда, буларнинг бари биз кутган ҳақиқий истиқлолимизгача босиб ўтилган фожиавий йўлнинг азобли манзаралари...

Баъзилар тасаввурида истиқлолимиз жуда осонликча қўлга киритилгандай. Аслида бундай эмас. Миллий мустақиликкача бутун бошли бир давр миллат шууридан, қонидан, руҳидан кечди. Бу давр зўрликка, зулмга асосланган эди. «Бўлиб ташла-ю, ҳукмронлик қил» деган сиёсий зулмнинг азобини ўз елкасида синаган халқимиз минг шукурки, истиқлол кунларига етиб келди...

— Сиздек ажойиб санъаткорларимизга у нима берди?

— Биласизми, биз учун не-не юракларда армон бўлган нарсани: буюкларимиз сиймосини саҳнага олиб чиқиш имконини берди. Ўн йил муқаддам Самарқанд опера театрида рўй берган воқеани эслайман. Хорижлик муаллиф қаламига мансуб асар асосида. опералаштирилган «Амир Темур» намойишига рухсат берилмади.

Раҳматли санъаткоримиз, бетакрор иқтидор соҳиби Олим Хўжаевнинг (у киши режиссёр ҳам эдилар) дадил асарлар тўғрисида кўпинча ишлатадиган «шу асар раҳбариятдан ўтармикан?» деган маҳзун сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб тургандай.

Мана энди истиқлолимизга бир йил тўлмасданоқ, ўзбек саҳнасига буюк фотиҳ Амир Темур, Тўмарис момо, оқила Нодирабегим сиймолари чиқди. Энг қувонарлиси, улар ҳақида ёзилган асарларнинг тўла нусхалари ўз томошабини билан юз кўришмоқда.

Дунёни ҳамиша ҳайратга солиб келган Шарқ донишмандлигидан қалблар, миллат илдизлари қайтадан озиқлана бошлади.

— Сизни истиқлол байрами арафасида нима қувонтиради-ю, нима... чўчитади?

— Президентимиз чиқараётган яхши-яхши қарорлардан дилим равшан тортади. Ҳаммасини санаб улгуриб бўлмайдиган янгилик ва яхшиликлардан ҳам қувониб юрибман. Аммо истиқлол ривожи учун томошабин бўлиб турганлар мени чўчитади. Ҳамма нарсани пул билан ўлчаш қийнайди. Чунки биз не-не қийинчиликларни бошидан кечирган халқмизку. Биз ўша оғир уруш кунларида ўзаро одамийлигимизни, гўзал муносабатларимизни йўқотмаган эдик-ку. Аммо бугунга келиб маънавиятнинг ғариб боладай чеккага сурилиб қолаётганидан изтиробдаман. Назаримда, маънавият аросатда қолаётгандай. Биз шодликка ҳам, фожиага ҳам томошабинликдан воз кечмас эканмиз, гўдак истиқлолимиз қадамлари биз кутгандек шаҳдам бўлмайди. Биз бир-биримизга суянишимиз, миллий дунёмиз кемтикларини бирга-бирга тўлдиришимиз керак. Бир пайтлар севимли шоиримиз Абдулла Орипов: «Қачон халқ бўласан, эй, сен ломон?» — деб изтироб билан ёзган эди. Халқ сифатида, бир бутун миллат сифатида энди юксаладиган вақтимиз келди. Халқ орасида «туркман хотинининг, ўрус отасининг, ўзбек бир-бирининг сўзига кирмайди» деган ҳазиломуз сўзлар юради. Бу албатта, ҳазил. Лекин боринги, аввал бир-биримизнинг сўзимизга кирмаган бўлсак ҳам энди бир ёқадан бош чиқармасак, тарих бизни кечирмайди. Тилимиз ҳам тез орада гуркираб кетмайди. Биз барча йўқотган нарсаларимизни бирдамлик билан қайтадан қўлга киритишимиз керак. Шунда истиқлолимизнинг умри абадий бўлади.

— Зикир ака, режаларингиз ҳақида ҳам сўрамоқчи эдим.

— Тўғриси, шу пайтгача саҳнада яратган сиймоларимдан нолимайман. Аммо юрагимнинг бир чеккасида армонга ўхшаган бир ҳис бор. У ҳам бўлса ўзим яратган буюклар сиймосини қайтадан саҳнага олиб чиқиш. Масалан, биргина шоҳ Ҳусайн Бойқарони олиб кўрайлик. У айни бир пайтда — гўзал шоир бўлган. Фикримни тушунгандирсиз. Шоҳ Ҳусайн Бойқарони аслича, тарихда қандай бўлса шундайлигича... буюклигича қайта талқин қилсам...

— Раҳмат, саломат бўлинг.

Шарифа САЛИМОВА суҳбатлашди

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон—Ватаним маним

ОЛИМ БИЛАН ОЛАМ ЧАРОҒОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МАҲМУД САЛОҲИДДИНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Маҳмуд Салоҳиддинович, истиқлол нуридан кўнглимиз нурафшон бўлди. Шу хушбахт кунларда Ўзбекистон Фанлар академияси, умуман, илм дунёсида қандай ўзгаришлар бор?

— Биз фаолиятимизнинг барча жабҳаларида мустақил иш юритиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Илгари марказ билан, Собиқ СССР Фанлар академияси ва у орқали фан ва техника давлат комитети билан келишмай туриб бирор иш қилолмасдик. Ҳатто ўзимизга, Республикамизга тааллуқли масалаларни ечиш учун ҳам Москванинг рухсатини олишимиз зарур эди. Бизда ажойиб мактаб яратган, номи оламга машҳур олимлар кўп. Уларнинг шогирдлари ҳам талайгина. Мустақилликка қадар институтларимизда докторантуралар очиш учун албатта Иттифоқ Фанлар академиясининг рухсатини олиш шарт эди. Академиямиз раҳбарияти шу масалада Москвага бир неча марта мурожаат қилди, аниқ таклифлар ҳам тақдим этилди. 25 йўналиш бўйича докторантура очилса, мақбул бўлиши далиллар билан исботлаб берилди. Лекин 6-7 докторантура очишга рухсат берилди, холос. Бугун, истиқлол шарофати билан институтлар, докторантуралар очиш, илмий кадрлар тайёрлаш ўз қўлимизга ўтди.

Яна бир мисол: илмий ходимлар ўзлари ишлаётган институтларнинг табақаси — категориясига қараб маош олишлари маълум. Бизда иккинчи табақали 17 та, учинчи табақали 2-3 та институт бор эди. Табиийки, вақт ўтиши билан уларнинг иш сифати ҳам, савияси ҳам кўтарилади. Натижада даражаларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Ана шу масалани ҳал қилиб беришларини сўраб марказга неча марталаб мурожаат этдик, лекин ижобий жавоб ололмадик. Энди эса мазкур муаммони ўзимиз бартараф қиляпмиз.

— СССР парчаланиб кетди, айни вақтда ундаги тузилмалар, жумладан, фандаги интеграция бузилди. Бу академия фаолиятига таъсир этгандир?

Давоми иккинчи бетда

ЎзАС ХАБАРОТИ

МАСЛАҲАТЛИ ТУЙ ТАРҚАМАС

Илгари мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати мудофааси каби муҳим ишлар билан Москвадаги раҳбарлар шуғулланишар эди. Жумҳуриятимиз ўзининг мустақиллигини эълон қилгандан сўнг бу ташвишларнинг ҳаммаси республика раҳбарияти зиммасига тушди. Бозор иқтисодига ўтишнинг иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларини енгиш учун яқинда Республика Президенти ҳузурида маслаҳат кенгаши тузилди. Бу кенгашга Республика Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари, давлат котиби, Қорақалпоғистон Вазирлар кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қуролли кучлар идоралари раҳбарлари, давлат назорат комитети раиси аъзо бўлдилар.

Маслаҳат кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни Республика Президенти Ислом Каримов бошқариб борди. Кенгаш мажлисида республикамиз делегациясининг Покистон жумҳуриятига қилажак расмий ташрифи, пахта-йиғим теримига тайёргарлик ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ТОМОШАЛАР БЕПУЛ КЎРСАТИЛАДИ

Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги ҳамма жойда катта шодиёналар билан ўтади. Айниқса, пойтахтимизда бу байрам кенг нишонланади.

31 август ва 1 сентябр кунлари намойиш этиладиган барча спектакллар, бадиий фильмлар меҳмонларга бепул кўрсатилади.

31 август куни озиқ-овқат дўконлари соат 22 гача, саноат моллари дўконлари эса одатдагидан бир соат кўп ишлайди.

10 август куни Республика Бош вазири А. Муталов раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг йиғилишида шулар таъкидланди.

ЭНДИ УРУМЧИ БИР ҚАДАМ

Тошкент ва Урумчи ўртасида ҳаво йўли очилди. Бу икки шаҳар ўртасидаги масофани самолётлар уч соатда босиб ўтади.

ҚАТОРДА ПОКИСТОН БОР

ПОКИСТОН ВАЗИРИ МУҲАММАД НАВОЗ Шариф жаноблари Ўзбекистон жумҳуриятига келганларида Президент Ислом Карим билан биргаликда матбуот мажлиси ўтказдилар. Шарқнинг икки мустақил мамлакатининг икки ҳур фикрли давлат арбоби бутун жаҳон журналистлари кўз ўнгида ана шундай муносиб мулоқот қилишининг ўзи ҳам жаҳонда эндиликда қандайдир буюк бир янгиланиш жараёни бошланганлигини кўрсатиб турарди.

Ҳар иккала мамлакатнинг раҳбари ўз халқларига туб дахлдор муаммоларга жавоб излашар, энг мураккаб халқаро масалалар қўйилганда, илмоқли, сержумбоқ саволлар ўртага ташланганда, уларга ҳам сиёсатчи, ҳам давлат арбоби, ҳам ўз халқининг оддий фарзанди сифатида жавоб топишга, оғриқ, чигал ишларнинг энг тўғри ечимини қидиришга уринар эдилар. Уларнинг жавобларидан — энг зарур фикр, энг зарур сўзни шу ердаёқ, шу оннинг ўзидаёқ топишга зўр бериб уринишларидан (саволларга жавоб бермай ўтишнинг сира иложи йўқ эди!) ўз елкаларида икки халқ, икки мамлакатнинггина эмас, балки бутун Шарқ дунёси, ҳатто ундан ортиқ, бутун Ғарб дунёсининг бугуни ва келажаги масъулиятини ҳам том тарзда ҳис қилаётганликлари сезилиб турарди.

Бу ҳаяжонли учрашувни томоша қилиб ўтириб, ўзўзимча айтаман: Навоз Шароф жаноблари-ку дунё кўрган, неча замонлардан бери ўз эрки ва мустақиллигининг шарофати ва самараларидан баҳраманд бўлган, турли халқаро учрашувларда қатнашиб, жаҳон сиёсатининг ҳадисини олган зот: ҳозиржавоб, сергак, толиқиш, бўшашиш нималигини билмайди. Ҳар бир жавобида катта дипломатия тажрибаси ва савияси порлоқ кўзга ташланиб туради. Мен бизнинг биринчи мустақил Президентимиздан кўз узмайман. Нима қилса ҳам, қарамликдан чиқиб келаётган одамларимиз. Лабларидан чиқаётган гоҳ вазмин, гоҳ ҳаяжонли, титроқ, гоҳ андак асабий оҳанг касб этувчи сўзларни битта қўймай илғайман. Ишқилиб, Бош вазир сўзлари, жавобларидан сира кам бўлмасин-да, оҳанг, фикр босими жиндак бўлса-да тушиб кетмасин-да, жўнлашмасин-да бу зуд, зиқ, кож издиҳомда, дейман... жавобларни охиригача тинглаб енгил тортаман... шу қадар мушкул, жанжалли, мамлакатлараро неча пайтлардан бери ечилмаётган муаммоларга шу қадар осон, тўғри, оддий жавоб топилганидан қаноат ҳосил қиламан. Ахир нима деманг, қандай айлантириб қараманг, биз ҳали ёш давлатмиз. Мен бунн ўзимизни камситиб айтаётганим йўқ. Бор гап ўзи шу: тарихимиз жуда қари, биз эса миллат каби жуда ёшмиз! Қарийб беш юз йиллик танаффусдан сўнг умумжаҳоний мулоқотлар ва кўптомонлама тенг муносабатларга энди-энди чиқиб боряпмиз. Тилимиз ҳам, фикримиз ҳам, ҳатто кенгашлар чоғида юзимиздаги ифода ҳам бу халқаро ишлар синоати ва санъатига аста-аста мослашяпти. Энди ўзимиз ва тақдиримизни ўйлаб, уларни халқаро миқёсларга олиб чиқяпмиз. Албатта, ҳали кўп ўрганамиз. Ўрганишдан эринмаймиз ва чарчамаймиз.

Ҳозир биринчи мустақил президентдан тортиб, биринчи мустақил ишбилармонгача, биринчи мустақил олимдан биринчи мустақил ишчигача — ҳамма ўрганиш йўлига чиқди. Бу жуда жиддий йўл, машаққатли йўл. Ўрганиб-ўрганиб Рейган бўлган, Буш бўлган. Ўрганиб-ўрганиб Ислом Карим бўлади. Бу — шубҳасиз, тараққиётнинг ҳақиқати, тарих ҳақиқати. Зотан, бошқа ҳақиқат ҳам бор: ўрганишдан эринганлар, ўрганишни эп билмаганлар ва менсимаганлар ҳеч қачон жаҳондорлик савиясига муяссар бўлолмайдилар, ўз ихтиёрларига эга бўла яшолмайдилар.

Ҳаммамиз шу маънода жаҳонга иқтидорли шогирд бўлишимизни истардим. Беруний, Сино, Фарғоний, Хоразмий жаҳонга устод бўлган эса, биз уларнинг насллари энди муносиб шогирдликдан бошлайлик. Мустақиллик фанини тўла-тўкис эгаллайлик.

Рост-да. Покистонга бир неча адиблар қисқа бир муддатга борганимизда шиддатли Карочи кўчаларини кезганда, камгап, хаёлчан биродарим Ўткир Ҳошим менга эмас, худди ўз-ўзига уқтиргандай:

— Ҳа-а, булар ҳаммаси ўз ақли билан яшашади. Қандай яшамасин, фақат ўз ақли билан яшайди, — деди. Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим. Биз ҳозиргина у Тошкентда Қозиработда столда чала ташлаб келган янги асарининг воқеалари хусусида бафуржа сўйлашиб кета турган эдик. Ўткирнинг бутун фикри-зикри ўша чала қолган асарда, ҳатто Покистонга келгани ҳам татимас, иложи бўлса шу тобдаёқ учиб борса, иш столига ўтирса, яна ўзига таниш азоби — роҳат бўлган ўша кўҳна ишни келган жойидан давом эттирса...

Ҳатто Карочининг илмлиқ тунларида уйғониб кетиб, мени ҳам уйғотади ва қаҳрамони дардларининг ўзига шу онда туш ичра аён бўлган қирраларини ҳикоя қилишга тушади. Мана шундай «дард тутиб турган» паллада нега ҳам Покистонга келиб қолдим, бу ерда чибин кўп экан, деб нолийди. Шундай аснода бирдан бояги гапни айтиб юбордию мени ҳайрон қилиб қўйди. Демак, хаёли романда бўлса ҳам, бир чеккасида Покистонни ҳам фикрлаётган экан-да...

Ҳақиқатан, Покистонда ҳамма ўз ақлини ишлатади. Ақлини ишлатмаган, табиийки, оч қолади, юпун қолади. Бу ерда эса ҳеч ким оч, юпун қолишни истамайди. Тўғри, Карочида тиланчи ҳам кўп. Лекин тиланчиларга қараб туриб бу ажойиб мамлакат ва унинг халқи ҳақида баҳо бериб бўлмайди.

Ўткир тўғри топди: Покистон ақлини ишлатаётган мамлакат. Унинг ёшлари дунёнинг барча шаҳарларида таҳсил кўришмоқда. Мамлакат улар қўлига ўтганда, Покистон ориф мамлакатга айланади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТЕРМИЗДАН КАРОЧИГА йўл солмоқчи. Шу йўл битса, у ориф мамлакатга йўл бўлади. Осиё қитъасининг ўртасида қолиб кетганмиз, Ниҳоят биз ҳам океанга чиқамиз. Ўзбекистон ҳам ақл мамлакатига айланиши узоқ эмас. Фақат ақл орқали жаҳон билан чамбарчас бўлиб кетамиз.

Иброҳим ГАФУР

2-БЕТ

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ОЛТИН ЗАҲИРАСИ ҚАНЧА ЭДИ?

САИД ОЛИМХОННИНГ ВАСИЯТИ...

8-БЕТ

ОЛИМ БИЛАН ОЛАМ ЧАРОҒОН

Бошы биринчи бетда

— Фан чегара билмайди. Бу Ўзбекистон фани, бу Россия ёки Туркия фани деб бўлмайди. Айниқса фундаментал соҳа муаммолари жаҳон миқёсида аҳамиятга моликдир. Ҳар бир мамлакатнинг илмий салоҳиятига қараб, уларни ҳал қилиш йўлларини излаш лозим. Биз хорижий мамлакатлар ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги олимлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлаяпмиз, долзарб муаммоларни ҳамкорликда ечиш йўлларини излаяпмиз. Мустақил Республикамиз фани улардан айри тарзда жаҳон даражасида ривожланиши мумкин эмас. Фанни ўзаро алоқасиз, ҳамкорликсиз, интеграциясиз равнақ топтириб бўлмайди.

Ўрни келганда, Ўзбекистон Президентининг фан муаммоларини пухта ва теран билишини таъкидламоқчи эдим. Давлат Режа қўмитасида ишлаган вақтида у киши Академиямиз билан мустаҳкам алоқа боғлаб турарди. Шу боис фаннинг кўпгина йўналишларидан воқиф, олимларимизнинг илмий изланишларидан хабардор. Бинобарин, Президентимиз фан муаммоларини ҳал қилиш, олимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча фармонлар қабул қилди. Натижада мавжуд илмий салоҳиятни сақлаб қолиш учун шарт-шароит яратилди. 1992 йилнинг январидан бери илмий ходимлар, олимларимизнинг маоши уч марта оширилди. Айниқса, ёш мутахассисларга катта эътибор берилмоқда. Уларнинг турмуш шароитини, иқтисодий аҳволини яхшилаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилмоқдамиз. Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида яқинда чиқарилган фармон айни муддао бўлди. Биз 30 фоизли қўшимча қиймат солиғи тўламайдиган бўлдик. Бу эса истиқболга мўлжалланган режаларимиз муваффақиятли амалга оширилиши, илмий ходимларимизни ижтимоий ҳимоялаш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Шу вақтга қадар мен Академиямизга, илмий-тадқиқот институтларимизга валюта ажратилганини эслай олмайман. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, учта илмий-тадқиқот институтидаги муаммоларни бартараф этишга 1 миллион 700 минг доллар ажратилди. Шундан 300 минг доллари хорижда чиқарилган илмий адабиётларни сотиб олишга сарфланади. Чунки кейинги вақтларда маблағ йўқлиги сабабли бундай китоблар қўлимизга тегмаётган эди.

Хорижий олимлар билан алоқа ўрнатиш муаммоси ҳам ҳал этилди. Турғунлик даври деб аталган йилларда марказнинг «марҳамати» билан хорижга юборилаётган делегацияга биздан ҳам бирон киши номигагина киритиб қўйиларди. Энди эса мустақил делегацияларимизни хорижий мамлакатларга юборяпмиз. Мен Президентимиз бошчилик қилган делегациялар таркибида талай мамлакатларда бўлдим, Ўзбекистонимизга, унинг халқига, зўр эътибор ва ҳурмат билан қаралаётганини кўрдим. Республикамиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг кўп соҳаларига Академиямиз, олимларимиз фаолиятига қизиқиш катта. Натижада хорижлик ҳамкасблар билан илмий ва амалий алоқаларимиз кун сайин кучаймоқда.

1991 йилда 63 нафар олим 24 хорижий мамлакатга 7 кундан 8 ойгача илмий ишларни бажариш учун хизмат сафарига юборилган эди. Ўша йили жами 152 киши хорижий мамлакатларда бўлди. 1991—1992 йилларда ҳам кўплаб ёш олимларимиз Америка, Канада, Германия, Бельгия каби мамлакатларнинг илмий мактабларига, докторантураларига юборилди. Уларнинг баъзиларини ана шу илмий даргоҳлар ўз ҳисобларидан яна икки-уч йил муддатга олиб қолиб, иш ўргатадиган бўлишди. Олимларимиз АҚШ, Франция, Германия, Италия, ХХР ва Ҳиндистоннинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишларни энг самарали тадқиқотлар деб айтиш мумкин. Вашингтон университети билан кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳақида шартнома тузилган. Ўзбекистон физикларининг Германия ва Канадададаги ҳамкасблари билан, Франция археологларининг ўзбек ҳамкасблари билан олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Академиянинг материалшунослик ва радиоактив изотоплар ҳамда радиоиммун наборларининг янги турларини яратиш, юқори энергияли физика ва математиканинг бир қанча йўналишлари, ўсимлик моддалари кимёси, шарқшунослик ва маданий мерос, қадимшунослик каби соҳалардаги тадқиқотлари МДҲда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам эътироф қилинди.

— Бюжет ҳисобидан фанга сарфланаётган ҳар бир сўм ҳозирги шароитда қандай самара бераяпти?

— Республика халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган фундаментал илмий изланишлар ҳамда амалий тадқиқотларгина давлат бюжети ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Айни вақтда Республика Президенти ва ҳукумати бюжет камомадига қарамай, олдимизда турган катта муаммоларни маблағ билан таъминлаш мақсадида имкон етган барча ишни қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, фанга сарфланган бир сўмнинг самараси ҳозирги пайтда икки сўмдан кам бўлмаяпти. Эртаиндин буни бир неча баробар ошириш мумкин. Чунки биз истиқболни ўйлаб фундаментал фанларни ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз. Тадқиқотларимиз натижаларидан халқ хўжалигида унумли фойдаланиляпти. Паркентда йиллар давомида бунёд этилган «Қуёш» иншоотини олиб кўрайлик. Бу иншоот марҳум олимимиз С. Азимов жонбозлигида қурила бошлаган ва унинг вафотидан бир йил кейин ишга туширилган эди. Ҳозир у ерда таркибида металл бўлмаган тоза керамик материаллар олиняпти. Ундан халқ хўжалигида, биринчи галда тиббиёт соҳасида, айниқса, стерилизаторлар ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Айни вақтда мева-сабзавотни қуритиш технологияси яратилди.

Академик Собир Юнусов ташкил этган ўсимлик моддалари кимёси институтида стевия ўсимлигидан шакар олиш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу ўсимликнинг ширасси лавлагидан олинган шакарга нисбатан 200 баробар кўп. Уни экиш ва етиштириш учун Қибрайда икки гектар ер ажратилади. Чинозда шундай экин майдони бор.

Хуллас, олиб борилаётган тадқиқотлар келажакда самара бериши шубҳасиз.

— Миллий байрам арафасида знёлиларимизга айтадиган тилакларингиз бордир?

— Халқимиз асрлар бўйи интиқ кутган кунлар насиб этганига шукроналар бўлсин. Миллий қадриятларимиз тикланмоқда, фанимиз обрўсини жаҳон даражасига кўтарган алломаларимиз ҳурматини жойига қўйяпмиз. Мустақиллик байрами фанимизда, олимларимиз, знёлиларимиз, бутун халқимиз орасида нишонланажак яна бир тантанага уланиб кетади. Биз давримизнинг буюк алломаси Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигини астойдил нишонлаймиз. 1993 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ярим асрлик тўйи ўтказилади. Биз ана шу саналарни муносиб кутиб олиш учун катта тараддуд кўряпмиз. Машақатли кунларда ҳам ўзлигимизни унутмаслик, халқимизнинг доврўгини достон қилган сиймоларни эслаш бурчимиздир. Аждодларимизга яраша ишлар қилсак, дейман.

Суҳбатдош: Баҳодир АБДУЛЛАЕВ

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ОЛТИНЛАРИ

● ТАЛАНГАН ХАЗИНА ● У ҚИМЛАР ТОМОНИДАН, НИМАЛАРНИНГ ЭВАЗИГА ЖАМҒАРИЛГАН ЭДИ? ● ХАЗИНА ҚИММАТИ ВА ҲУЖЖАТЛАР ГУВОҲЛИГИ ● АМИР САИД ОЛИМХОН БУХОРОНИ НЕГА ТАРК ЭТДИ? ● ҚИЗИЛЛАР БОСҚИНИ ВА ОЛТИНЛАР ТАҚДИРИ

Ҳафталигимиз саҳифаларида «Тарих ва тақдир» рукни очилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо ўтган қисқа вақт ичида бу рукн остида ўнлаб мақолалар ёритилди. Уларда халқимизнинг унутилган ёки унутилаётган ўтмишига, маданий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий қадриятларига оид долзарб муаммолар кўтарилди, юртимизнинг истиқлоли учун курашган, аммо зулм ва истибдод қурбони бўлган асл фарзандлари ҳақида ҳикоя қилинди. Тарихимизнинг ўқилмаган, йиллар, асрлар ўтиши билан турли зуғум ва қатағонлар қаърида ҳира тортган саҳифаларига назар ташланди.

Табиийки, мозийга қайтиб иш кўришдан мақсад фақат топталган ҳақиқатларни қарор топтиришдангина иборат эмас. Бу ишлар ўз навбатида халқимизнинг бугуни ва келажаги учун ҳам хизмат қилади.

Қуйида эълон қилинаётган мақола яна бир муҳим муаммога, аниқроғи, ҳозиргача дунё аҳлини қизиқтириб келаётган, лекин қисмати кўпчиликка номаълум бўлган Бухоро амирлигининг олтин заҳирасига бағишланган. Унда тилга олинган кўплаб ҳужжат ва маълумотлар 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида илк бор элга рўйрост ошкор этиляпти. Биз Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг раиси, генерал-лейтенант Ғуломжон Алиевга ушбу мақолани тайёрлашда муаллифларга ва муҳарририятимизга яқиндан ёрдам кўрсатгани учун самимий миннатдорчилик билдирамиз.

«7-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади».

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонундан.

ДУНЁ ТАРИХИДА БАЪЗИ БУЮК саркарда ва ҳукмдорларга тегишли олтин ва жавоҳирлар хазинаси тўғрисидаги воқеалар, афсонавий саргузаштлар кўп учрайди. Шулардан бири қадимдан довруғи оламга таралган Бухоро амирлигининг олтин заҳирасидир. Бу тенги йўқ, беҳисоб бойликнинг тақдири Саид Олимхон салтанати ағдарилиши билан сирли жумбоққа айланди. У қизил босқинчилар қўмондони Фрунзе, «Ёш бухороликлар» гуруҳи ва Шўро ҳукумати билан боғлиқлиги тўғрисидаги турли-туман мишмишлар, тахмин ва ҳақиқатлар чоракам бир асрдан буён халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Бу ҳақда «Фан ва турмуш» журналининг ўтган йилги ўнинчи сонида «Амир Олимхон хазинаси қаерда?» деган мақола ҳам босилди.

Зеро, Бухоро амирлигининг бутун бир сулоласига тегишли катта олтин хазинасининг миқдори, қиммати ва у қаердалиги ҳамон сирлигича қолмоқда. Бу масала ҳозирги авлод олдида XX асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда «Инқилоб ва унинг ғалабасини мустаҳкамлаш учун кураш» шиори остида амалга оширилган тарихий ноҳақликлар силсиласида ўз ечимини кутиб ётган энг мураккаб ва долзарб муаммолардан биридир. Шу боис биз масалага баҳоли қудрат аниқлик киритиш, бор ҳақиқатни муштарийларга етказиш ниятида ушбу мақолани ёзишга қарор қилдик. Муаммонинг моҳияти ва масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда бевосита амирлик хазинасига бағишланган ва ўз вақтида чоп этилган мақолаларни, жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати) ҳужжатасровхоналарида узоқ муддатдан бери «ўта махфий» деган белги остида сақланиб келган махсус ҳужжат ва маълумотномаларни ўрганиб, умумлаштирдик.

Катта шов-шувларга сабабчи бўлган бу олтин хазинаси ёзма манбаларда, халқ орасида юрган гапларда Амир Саид Олимхон номи билан боғланса-да, аслида бутун бир Бухоро амирлиги, яъни ўзбек элининг манғит уруғидан чиққан хонлар сулоласи (1746—1920-йиллар)га тегишлидир. Унинг тарихи манғитлар сулоласи ҳукмронлиги тарихига ҳам тенгдош, ҳам тақдирдош. Манғитлар ҳукмронлиги қанча гуркираб ўсган, тарихда ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлган бўлса, олтин заҳираси ҳам шунча кўпайиб, беҳисоб бўлиб бораверган. Бухоро амирлиги ва унинг ҳукмдори тарих саҳнасидан йўқолиши билан олтин заҳираси ҳам талофатга учраб, қизил босқинчилар ва келгиндилар томонидан таланган.

Бухорода манғитлар ҳукмронлиги шоҳ Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн Ҳудоёрхон давридан бошланади. У 1746 йили аштархонийларнинг сўнгги вакили Абулфайзхонни, кейинчалик унинг икки ўғли — Абдулмўмин ва Абдуллони ўлдириб Бухорода тўла ҳукмронликни қўлга киритади.

Маълумки, бундан анча олдин — буюк Амир Темур салтанати парчаланиши даврида-ёқ Бухоро Моваройнаҳрда марказий шаҳарга айланган эди. XVI аср охирларига келиб, у марказлашган йирик феодал давлатга айланди. Бу давлат Шарқдан Қашқар, Ғарбдан Орол ва Каспий денгизлари соҳиллари, Шимолдан Туркистон ва Сайрам, Жанубдан Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган эди. Биз фикр юритаётган Бухоро хазинасининг тарихи, олдинги давр ҳисобга олинмаганда ҳам, шоҳ Раҳимхон ҳукмронлиги давридан бошлангани бор ҳақиқатдир. Ана шу вақтдан эътиборан Бухоро давлати хазинаси узлуксиз тўлдириб келинади ва дахлсиз бўлиб қолади. Амир Саид Олимхоннинг хотираларидаги маълумотлар ҳам бундан далолат беради.

Амирнинг замондоши Абдурауф Фитратнинг ёзишича, «Расман хазинага мамлакатнинг мулкий, ҳарбий ва сиёсий ишларининг дахли йўқ эди» («Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври», Тошкент, 1992 йил, 30-бет).

Амир Олимхон манғитлар сулоласининг охирги ўнинчи ҳукмдори бўлгани тарихдан маълум. Демак, Бухоро амирлигининг сарой хазинаси чоракам икки асрлик тарихга эга. Урушлар, халқдан олинадиган турли солиқлар, ўзга юрт ва давлатларнинг инъом-эҳсонлари, савдо-сотиқ эвазига тўпланган ушбу хазина ва унинг миқдори сарой амалдорлари, ҳатто қозикалону хонларнинг, амирнинг оила аъзоларидан ҳам мутлақо махфий сақланган. Ундан воқиф бўлганларнинг ҳаммаси хонлик сирларини ошкор этувчи, хазинага хавф солувчи киши сифатида турли йўллар билан қатл этилиб келинган.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

МАВЖУД МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, хазина миқдори ҳеч қачон аниқ бўлмаган. У ўта махфий жойларда сақланган. Негаки, Бухоро хонлари, шу жумладан, Амир Саид Олимхон ҳам анъана ва виждон амри ҳукмига кўра, олтин ва жавоҳирлар хазинасининг аниқ миқдори ошкора бўлиб қолишидан қўрқанлар. Хазина фақат хонликдагиларнингина эмас, балки чет эл мамлакатлари ва уларнинг жосуслари иштаҳасини ҳам очиб юбориши эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Н. Йўлдошев ва И. Ҳайдаровнинг «Фан ва турмуш» журналининг ўтган йилги ўнинчи сонида босилган «Амир Олимхон хазинаси қаерда?» мақоласида қизиқарли ва ҳақиқатга яқинроқ маълумотлар учрайди. Унда таъкидланишича, 1914 йилдан олдин Амир хонадонига тегишли олтин, кумуш пуллар ва бошқа қимматбаҳо зеб-зийнатларни акс эттирувчи дафтарлар тахламининг ўзи бир ярим олчин (1 метр) қалинликда бўлган. Мақоладаги «Ойна» журналининг 1914 йилги 25-сонидан келтирилган кўчирмада ёзилишича, «...Ҳозир Бухоро амирининг тасарруфи остида бўлган хазинанинг ақчаси (олтин ва кумуш) шу даражада мўлки, ҳеч бир давлат хазинасида бул даражада эҳтиёт сақланган олтин ва кумуш пул ва ёмбилар бўлмаса керак. Бухоро Амирининг саночларида сақланаётган олтин ва кумуш пуллар бўйи 50 олчин, эни 20 олчин ва баландлиги 8 олчин бўлган бир тоғдан иборатдир. Бу хазинадан ташқари уч олчин (1 олчин 70 сантиметрга тенг) катталикда яна бир ертўла хазинаси бўлиб, у рус, Бухоро ва бошқа бир қанча давлатларнинг олтин пуллари билан тўлдирилган.

Бухоро амирининг олтин-кумуш хазиналари унга қарашли бекликларда ҳам сақланган. Масалан, Чоржўй беклигида Амирнинг ўн пуд (160 кг) олтин ва минг пуд (16 тонна) дан ортиқроқ кумуш тангалари бўлган. Шу билан бирга, Бухоро амирлигида олтин конлари бўлиб, хазина улардан аср бошида қазиб олинган олий сифатли олтин эвазига тўлдирилган.

Хуллас, Бухоро амирининг олтин заҳираси беқиёс бўлган. Бироқ ундан ҳеч вақт фойдаланилмаган. Бунга у билан аъёнлари ўртасида ўтган асрнинг 70-йилларида — Ўрусия босқинчилиги авж олган, мамлакат, халқ, дин ва имон оёқости бўлаётган жуда оғир бир пайтда бўлиб ўтган тарихий мулоқот мисол бўла олади. Ўшанда сарой амалдорлари Саид Олимхонга хазина олтинлари ҳисобидан катта миқдорда пул чиқаришни таклиф этганлар. Бунга жавобан у авлодларидан мерос бўлиб келаётган сарой сири ва анъаналарини, гарчи бундан салтанат зарар кўрса-да, бузишга ҳақи йўқлигини, падари бузрукворининг хазинаси ҳеч қачон очилмаганлигини айтган. (Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳужжатасровхонаси, ОФ 243-иш, 309-бет). Амир ўз авлодининг ҳеч ерга ёзилмаган қонуни ва анъаналарига то Фрунзе бошчилигидаги коммунистларнинг иккинчи ҳужумига қадар содиқ қолган.

Албатта, бу маълумотлар таъсирчан, қизиқарли ва ҳақиқатга яқинроқ. Аммо, барибир, улар амирлик хазинасида тўпланган олтинларнинг миқдори ва қиммати ҳақида аниқ маълумот бермайди. Бу саволга жавоб топиш, хазинага тўла эгалик қилиш мақсадида Ўрусия ҳукуматининг махсус Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) ва унинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги 1922—1928 йиллар давомида муттасил текширув ва агентура ишларини олиб борган. Биз ана шу, аниқроғи, махсус органнинг қилни қирқ ёришга қодир ходимлари ҳам охиригача етказа олмаган иш юзасидан тўпланган жуда муҳим ҳужжат ва ахборотлар билан танишишга муваффақ бўлдик.

Миллий хавфсизлик хизмати ҳужжатасровхонасида икки — «Товар» ва «Правители» деган қисмлардан иборат «ОФ 243-иш» сақланмоқда. Унинг «Товар» қисми Амир Олимхоннинг олтин хазинасига, «Правители» қисми эса хазинанинг катта қисми марказга олиб кетилганлиги ҳамда Бухоро Халқ Шўро Республикаси ҳукумати раҳбарлари томонидан ўзлаштирилгани фактларига бағишланган. Келтирилган маълумотларга кўра, Амирнинг кўрсатмаси ва фармони билан Бош вазир Мирзо Насрулло Бий Қушбеги 1917 йили жуда махфий ҳолда хазинада сақланаётган бойликларни тўла бўлмаса-да, рўйхатга олишга муваффақ бўлган. У, Абдурауф Фитратнинг кўрсатишича, 1918 йил мартида ҳибсга олинади, кейинчалик амир ҳукмига кўра, бутун авлоди ва яқинлари билан қатл қилинади. Биз шу йил 6 июл куни амир Саид Олимхоннинг куёви, ҳозир Туркияда яшовчи темир йўл муҳандиси Асатулло Гуванар Урганжининг амакиваччаси Сафарбек Урганжи билан учрашиш шарафига муваффақ бўлдик. Унинг айтишича, Насрулло Қушбегининг ўлими хазина рўйхати ва сири билан боғлиқ эмас. Амир Бухорони 1920 йил охирларида ташлаб кетади, Қушбеги эса кейинроқ Шўролар томонидан ўлдирилади.

Қушбеги томонидан рўйхатга олинган бойликлар қуйидагилардан иборат эди:

Бухоро тилласи — 1.148.380 дона, рус тилласи — 4.365.100 сўм, ёмби ҳолидаги Гамбург тилласи — 1.108 пуд (17 тонна 728 кг), ёмби ҳолидаги Гамбург кумуши — 2.844 пуд (45 тонна 404 кг), рус кумуш тангачалари — 1.385 пуд (22 тонна 160 кг), Бухоро тангаси — 62.834.780 дона, Бухоро мис тангаси — 731 пуд (5 тонна 696 кг), тилла кукуни — 16 пуд (1 тонна 56 кг), рус банки кумуши — 864 пуд (13 тонна 724 кг) ва ҳоказо. Жами 34 номдаги қимматбаҳо нарсалар рўйхат қилинган.

Шаҳсан Амир ва унинг оиласига тегишли бойликлар — йирик бриллиантлар — 3.482 карат, шунингдек, буюмларга тикилган бриллиантлар — 968 карат, буюмларга тикилган қимматбаҳо тошлар — 8.617 карат ва ҳоказолар ҳам мулк сифатида қайд этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу рўйхатга Амирнинг Эски Бухоро ва Регистондаги бойликларининг энг асосийларигина кирган, холос.

Мирзо Насрулло Бий Қушбегининг рўйхатига музейбоп ва бадиий қимматга эга бўлган нодир буюмлар, айниқса, Лион ипаклари бўлими, шунингдек, Амир оиласига совға қилинган ва Карманада сақланадиган кумуш зеб-зийнатлар ҳамда тиллаларнинг аксарият қисми ва бошқалар ҳам кирмаган.

Рўйхатга олинган бойликларнинг асл баҳолари ва қиммати тахминан қуйидагича белгиланган:

Бухоро тилласи — 5 миллион 741900 сўм, рус тилласи — 4 миллион 376100 сўм, Гамбург кумуш ёмбилари — 1 миллион 706400 сўм, майда рус кумуш тангалари — 346200 сўм, Бухоро тангаси (15 тийинлик) — 9 миллион 425217 сўм, Бухоро мис тангаси — 4386 сўм, тилла кукуни — 266592 сўм, тилла буюмлар (20458 дона) — 9 миллион 883214 сўм, турк тилла лираси — 90420 сўм, чет эл тилла тангалари — 18254 сўм, 150 карат — бриллиантлар — 1 миллион 730600, қизил ёқутлар — 209176 сўм, марваридлар — 9 миллион 500 минг сўм, бриллиант узуклар ва бошқалар — 230400 сўм, Гамбург кумуш ёмбилари — 746490 сўм, тилла парчалари — 150 минг сўм, кумуш парчалари — 50 минг сўм. Жами — 73 миллион 252 минг 380 сўмни ташкил этган.

Амир ва унинг оилаларига тегишли шахсий бойликлар қиммати қуйидагича белгиланган: бриллиантлар — 522 минг сўм, буюмларга қадалган бриллиантлар — 1 миллион 730950 сўм, қимматбаҳо тошлар — 1 миллион 34140 сўмлик.

ШУ ЎРИНДА БУНДАЙ МИСЛСИЗ БОЙЛИКНИ кўз қорачўғидек асраб, хазинани дахлсиз бойитиб келган Амир ҳақида бир оз маълумот бериб ўтишни истардик.

Амир Саид Олимхон 13 ёшидан бошлаб падари бузруквори Амир Абдулаҳадхон ниятаги билан Санкт-Петербургда билим олади. Етти йиллик ўрта ўқув юртининг махсус қисқартирилган уч йиллик дастури бўйича давлатни бошқаришни ва ҳарбий билимларни пухта ўрганади. 1896 йилдан бошлаб тахт вориси деб эълон қилинади. Шу вақтдан бошлаб Ўрусия билан яқиндан алоқада бўлади, давлат арбоблари, генераллари, вазирлари орасида катта обрў орттиради. Тахтга ўтирганидан кейин (1911 йил) эса, Ўрусия саноат корхоналари билан иқтисодий тижорат бобида яқиндан муносабатда бўлади, рус акцияларини сотиб олиш йўли билан ҳам хазинани тўлдира бошлайди. Масалан, 1917 йил сентябригача Ўрусия манифактураси ва катта қоғоз ишлаб чиқариш корхонасидан сотиб олган акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларининг умумий нархи 33 миллион сўмни ташкил этган. Бу қоғозлар Бухоро банкининг Давлат бўлимида сақланган. Амир Рус — Бухоро банки ва Рус — Бухоро акционерлик жамиятига 2,5 миллион, Бухоро темир йўли жамиятига 3,5 миллион сўм пул қўйган. Булардан ташқари, хазинада ўрис подшоси Николай пули ва Керенскийнинг турли хил қоғоз валюталари ҳам кўп миқдорда сақланган. Жумладан, 1917 йили хазина заҳирасидаги Ўрусия пули юз миллион сўмга етган. Бу пуллар ҳам «буюк инқилобнинг оламшумул ғалабаси», қолаверса, Николайнинг мағлубияти билан сурбетларча йўққа чиқарилган.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, одатда Амирга яқин кишиларнинг бойликлари ҳам хазинага дахлдор деб ҳисобланган. Бинобарин, амирликка қарашли Қозикалоннинг беҳисоб бойлиги ҳам умумий хазинага тегишли бўлган. «Товар» ишида тўпланган ҳужжатларда кўрсатилишича, Қозикалоннинг бойлиги, пул билан ҳисобланганда, қуйидагича миқдор ва сўмни ташкил этган:

Гамбург тилласи ёмбилари — 38 пуд (608 кг), тилла буюмлар — 85 пуд (1 тонна 360 кг), кумуш буюмлар — 90 пуд (1 тонна 440 кг), кумуш ёмбилар — 14 пуд (224 кг), бриллиантлар — 920 карат, қимматли тошлар — 14 пуду 8 фунт (бир фунт — 400 грамм), ўрис тилла тангалари — 865000 сўм, чет эл тилла тангалари — 4468 тўплам) бир тўпламда бир неча — 10, 20, 50, 100, ҳатто 1000 танга ҳам бўлиши мумкин), Бухоро тиллалари 289014 тўплам, Бухоро тангалари — 7 миллион 14915 тўплам, ўрис банки кумушлари — 128987 сўм (ЎзРМХХ ҳужжатасровхонаси, ОФ 243-иш, 2-бет).

Бу ўринда гап Бурҳониддин Қозикалоннинг бойлиги ҳақида бораяпти. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, Амир Абдулаҳад Қози Бадиуддин вафотидан кейин Бақохонни биринчи қозикалон қилиб тайинлайди. Кейинроқ Амир Олимхон Қозикалон лавозими учун ўзига хос мусобақа уюштиради. У Қозикалон

Давоми саккизинчи бетда

Маълум бўлишича, бу адиб ҳақида биринчи хабар бундан ўн йилларча муқаддам эълон қилинган: унда машҳур алломе шоир Файз Аҳмад Тошкентга келиб, ўзбек ёзувчиси урдузабон Дадахон Нурийнинг меҳмони бўлиб тургани, хонадон соҳибларига шоир ўзининг етмиш ёши муносабати билан Бомбайда чоп этилган саямоқли тўёна нодир куллиётини эсдалик дастхати билан топширганлиги ёзилган... Сўнгра, Ўзбекистон пойтахтининг «ўпкаси» бўлмиш Бўстонлиқ учун ҳар доим ҳам айтганийтган, Москвадан туриб бошқариладиган қудратли саноат комплекси корчалонлари билан «Дадахон Нурий бошлиқ бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари ҳаёт-мамот жангига киришганликлари» хабар қилинган. ...Кейинроқ ҳам унинг ижоди, ўзбек—пок халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи қадриятларни тиклаш ҳақида қилаётган ишлари — Тошкентдаги катта маҳаллалардан бирига, асли ўзбек фарзанди — самарқандлик Қўқонбекхоннинг ўғли бўлмиш, Ҳиндистон — Покистон адабиётининг классик шоири даражасига кўтарилган Мирзо Ғолиб номи берилиши, Ғолиб масжид-мадраса қурилиши ҳақида ҳам қатор хабарлар босилди.

ПОКИСТОН МАТБУОТИ ВА ЎЗБЕК АДИБИ

Айниқса, шу йилнинг бошида икки халқ ўртасидаги дўстлик ипларининг қайта боғланишида катта воқеа бўлган Тошкент — Карачи — Исломобод — Тошкент ҳаво йўли очилиши муносабати билан Карачида ўтказилган матбуот конференциясидан кейин Покистон матбуотининг адибимизга бўлган «қизиқиши» яна-да ошди.

Ўшанда ниҳоят сўз навбати Дадахон Нурийга берилди. У матбуот конференциясида ҳозир бўлган мартабали жаноблларга, нотиқларга Ўзбекистоннинг мустақиллигини муборакбод этиб айтилган илиқ сўзлари учун миннатдорчилик изҳор этди:

— Айрим биродарларимиз томонидан айтилган, мустақилликни қўлга киритганига қариб ярим аср бўлаётган Покистон тажрибалари бизга сабоқ бўла олиши ҳақидаги гаплар ғоят ўринлидир. Буни инобатга олиш мумкин. Лекин инглиз тилининг жаҳоншумул жиҳатларини камситмаган ҳолда мен шуни айтмоқчиманки, бизлар ҳам эътиборга лойиқ маълум тажрибаларга эгамиз. Бу қадрият масаласи — мустақил мамлакатнинг мустақил тили масаласидир. Бизлар бунга катта эътибор бермоқдамиз. Қолаверса, Заҳириддин Бобур асос солган урду-ҳиндистони тили билан ўзбек тилининг муштараклиги беиҳоядир. Шунинг учун сизларнинг давлат тилингизга Ўзбекистонда қизиқиш катта... Биз ҳозир ўзгалар тили билан иш юритишдан кўра, ўз тилимизда муомала қилишни афзал кўрмоқдамиз! Бунга яқинда мамлакатингизга ташриф буюриши кутилаётган президентимиз Ислом Каримов ҳам катта эътибор бермоқда! Шу боисдан «анъана»ни бузганлигим учун узр!» — деди.

Аввал ўзбекча, сўнг урду-ҳиндистонида айтилган бу сўзларни бутун зал сув қуйгандай жимиб тинглади, сўнг бирдан «вах-вах!» деган (қарсак эмас!) олқишлар ҳаммаёқни тутиб кетди.

Покистонлиларнинг ўз она тилига бўлган меҳр-муҳаббати бизлардан кам эмас экан. Йиғилиш мамнуният билан давлат тилида олиб борилди... Шундан кейин мамлакат вазиридан тортиб, йирик жамоат арбобию уламогача, савлатдор корчалону пўрим кийинган авиация маршалигача урдузабон меҳмон нотиқни ўраб олиб ташаккур изҳор қилишди. Айниқса, бир неча кун унинг атрофида журналистлар ёримай қолишди. Саволлари ҳар хил: «Наҳот, Ўзбекистонда урду тилини биладиганлар бор?» «Мактабларда ўқитиладими дейсизми? Йўғе?». Ҳатто... «Мабодо, ўзимиздан у томонларга бориб қолган эмасмисиз?»... ва ҳоказолар...

Мана бир неча ойдирки, Покистон вақтли матбуоти, ахборот воситалари тез-тез «Дада Нурий» (кўпроқ шундай деб ёзишади) номини тилга олиб турибди. Хусусан, нуфузли «Жанг», «Қавми ахбар», «Жасарат», «Миллият», «Репортёр», «Ньюз», «Ахбаре жаҳан», «Саёҳатнома» каби рўзнома ва рисола саҳифаларида адиб ҳақида мақолалар, суҳбат-интервьюлари бериб борилмоқда. Бунга мисол тариқасида маркази Карачида жойлашган Умумпокистон ижодкорлар уюшмасининг раиси Муҳаммад Асрор Хоннинг «Ўзбек адибига урду тилида йигирма икки савол»ига қайтарилган жавоб-суҳбатни эслатиб ўтиш кифоя. (Бу суҳбат ўзимизнинг «Туркистон» газети саҳифаларида ҳам эълон қилинган).

Йирик Покистон журналисти Асиф Жилоний Ўзбекистондан олган таассуроти ҳақида ҳикоя қиларкан, қуйидаги жумлаларни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Тошкентга бориб Дадахон Нурийни топиб олган журналистнинг ошиғи олчи бўлади. Уни Ўзбекистоннинг ҳамма ерида танишади, ҳурмат қилишади. Шу туфайли мен Намангандаги Мингбулоқ нефт фавворасининг катта шиддат билан отилиб турган «кўзи»гача яқин бордим. Айтишларича, шу пайтгача ўта эҳтиёткорлик билан қўриқланаётган жойга яқин келишга рухсат этилган кишиларнинг ўн биринчиси, чет эл журналистларининг эса ягона вакили эканман. Бундан ғурурланаман».

Ҳозир ҳар ҳафтада икки маротаба парвоз этаётган Покистон, Ўзбекистон ҳаво йўлларига қарашли тайёралар Исломобод, Карачи билан Тошкентни бир-бирига мунтазам боғлаб турибди. Деярли ҳар куни адибнинг уйида телефон жиринглайди:

— Мен Лоҳурдан келдим. Сиз ҳақингизда босилган мақолани ўқиб телефон қиляпман. Бир кўришиш ниятида эдим.

— Карачидан, Изҳарул Ҳақман. Йирик бир матбуот жамоаси сиздан интервью олиб қайтишимни айтишган...

Куни кеча Масковдан Покистон элчихонасининг масъул ходими Муҳаммад Ахтар телефон қилди:

— «Жанг» газетаси ўзининг бутун бир саҳифасини сиз ва оила аъзоларингизга бағишлабди. Табриклайман... Яна шуни маълум қилиб қўяйки, бизда ҳеч бир матбуот ҳар қандай йирик арбобга ҳам бунчалик ҳиммат кўрсатавермайди. Бу Ўзбекистон ва унинг қардош халқига, ўзаро дўстлик алоқаларини ривожлантириш ишларига ўз ҳиссасини қўшаётган сиздай жонкуяр кишиларга ҳурмат аломати бўлса керак!

Ҳа, бу гапларда жон бор: риштадорлигимиз Бобурга бориб тақалувчи ўзбек-пок халқлари орасидаги дўстлик алоқалари кундан кун ривожланиб бормоқда. Бунда Дадахон Нурий сингари жонкуяр адибларимизнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

Дарвоқе, ўзига яраша баҳони бундан тўрт йил аввал Покистон дипломатлари орасида энг нуфузли шахс ҳисобланувчи Абдул Саттор жаноблари Масковда элчи бўлиб турган пайтда йўллаган қуйид

Фарёд

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ «ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР» РОМАНИНИ ЎҚИБ

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ янги асари — «Тушда кечган умрлар» романини ўқиётганда бамисоли чексиз мунг, оҳу фарёд, фиғону ноналарга тўла беҳад оғир куй, гиря-қўшиқ тинглаётгандай бўласиз. Асар дилга маъюс кайфият бахш этувчи кузнинг шундай дилгир манзараси тасвиридан бошланади:

«Куз — ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди... Эрта баҳордан бўтана бўлиб, шоша-пиша қирғоғига сиғмай оққан ариқлар тиниқлашади. Шунча уринишлари зое кетганини тушуниб, оламга маъюс боқади... Энди сув тубида шодон чайқалган майсалар эмас, хазон кўмилиб ётади... Еру кўкни кафандек оппоқ туман чулғайди. Оқ зулмат орасидан қарғаларнинг хосиятсиз фиғони эшитилади.

...Эрта-индин осмонга мотам либосини кийган булутлар чиқади. Ер устида узоқ чарх ураги-да, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкади. Сим-сим ёмғир ёғади: тўрт кунлик умрида дунёга сиғмаган, охир-оқибат жон таслим этган табиатга аза очиб, унсиз йиғлайди...».

Шу ҳазин сатрлар асар охирида бир оз ўзгартишлар билан яна такрорланади. Мана шу ингроқ куй-оҳанг асар давомида қаламга олинган драматик воқеалар, персонажларнинг фожеий қисмати ифодасига жўр бўлиб, хилма-хил товланиб, гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тус олиб вужудвужудингизни қамраб олади, роман мутолаасидан кейин ҳам бу маҳзун кайфият анча вақт сизни тарк этмайди.

Баъзи бировларга романда дардли муаммолар, драматик воқеалар, фожиалар кўпайиб кетгандай, асар таъсирчан чиқсин учун ҳодисалар атайи кескинлаштирилган, кучайтирилгандай, уларга мунгли руҳ бахш этилгандай бўлиб туюлиши мумкин. Аммо асарни ўқиётганда унда «атайи» қўлланган адабий приёмлар хаёлингизга ҳам келмайди. Аксинча куни кеча ўзингиз кўрган, бошдан кечирган ёхуд шоҳид бўлган воқеа-ҳодисалар, таниш одамлар тақдири кўз олдингиздан ўтади, романда «эффект» учун тўқиб чиқарилган бирорта ҳам можаро йўқ. Гарчи роман рамзий-мажозий, бир оз киноявий маънода «Тушда кечган умрлар» деб аталса-да, жамики, оғриқли муаммолар, фожиалар ўнгда юз берган, қайноқ ҳаётнинг ўзидан, гирдобидан олинган, асардаги чексиз мунг, фиғон кечагина биз кўрган кунлар дарду фожиаларининг акс-садоси! Беихтиёр шоирнинг, «Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига Қандай чидай олган экан одамзод!», деган сатрлари ёдга тушади. Хаёлга толасан киши: одам боласининг боши тошдан ҳам қаттиқ — яқингинада шунча хўрлик, ҳақсизлик, кулфату мусибатларни кўриб бугун гўё ҳеч нарса бўлмагандай юрибмиз... Яхшиямки, дунёда санъат, адабиёт отлиқ сеҳрли мўъжиза бор, у бошдан ўтган кунларимизни эслатиб, виждонимизни уйғотиб, қўзғатиб туради!

«Икки эшик ораси» романи эълон этилгандан буён ўтган 5-6 йил давомида Ўткир Ҳошимов ижодда асосан публицистика билан шуғулланди, шу жанр орқали жамоатчилик эътиборини кескин ижтимоий-маънавий муаммоларга жалб этди. «Тушда кечган умрлар» романи, бир чеккаси, ўша публицистик чиқишларнинг давомидай туюлади. Романда ҳам публицистик мақолаларида кўтарилган бир қатор муаммоларга қайта мурожаат этилади. Бироқ бу ерда масалалар энди ўзгача тарзда, персонажлар қисматига йўғрилган ҳолда ёритилади. Бу роман публицистика билан санъат асарининг чеки-чегараси, фарқи хусусидаги баҳсларга ойдинлик киритиш учун яхши далил-асос бўла олади, ҳар қандай яхши публицистик мақола ҳам ҳеч қачон чинакам санъат асари ўрнини боса олмаслигини яна бир карра исбот этади.

Муаллиф бу асарини дастлаб «Қотиллар» деб номлаган эди. Детектив асарга хос бу ном бежиз қўйилмаган. Дарҳақиқат, роман сюжети детектив тусда. Асар воқеаларнинг охирги нуқтасидан бошланади, сирли ўлим — фожиа юз беради, сўнг жиноят —, фожианинг тафсилотларини, сабабларини тафтиш этиш бошланади: ҳар хил тахминлар, гумонлар, гувоҳлар, одатдаги тергов-сўроқлар... Бироқ воқеа-ҳодисалар қаърига кириб борилган сари детектив ифода сусайиб ҳодисаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили олдинги ўринга ўтади. Эндигина йигирма иккига ёшга қадам қўйган лочиндек йигит Рустамкинг — роман бош қаҳрамонининг қотили ким, деган сўроққа сиз асосли жавоб топасиз, бу жавоб сизни ларзага солади, чуқур ўйга толдиради. Рустамнинг қотили, деб тахмин қилинганларнинг бирортаси ҳам ҳақиқий жиноятчи эмас, Рустам ўз жонига ўзи қасд қилган. Тўғри, унинг ҳалокатида айрим гумондор кимсаларнинг ҳам муайян ҳиссаси бор. Бироқ бош жиноятчи-қотил бу — мустабид тузум, қалтабин сиёсат, ғайриинсоний мафкура экани аён бўла боради. Ёш йигитни ўз жонига қасд қилишга мажбур этган ижтимоий-маънавий, шахсий-интим омилларни ёзувчи санъаткорона таҳлил этади.

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ ДЕЯРЛИ барча асарларида ҳаёт нафосати билан шафқатсизлиги, нур билан соя, майинлик билан даҳшатли орасидаги ўзаро зиддият барқ уриб туради. Бу ерда ҳам шундай — ёзувчи Рустамнинг талабалик, Шаҳноза билан танишув, анҳор бўйидаги, наъматак остидаги учрашувлар, армияга чақирув, ҳатто Афғонистондаги хизмат, сафдошлари, яқин дўстлари — Темур ака, Хайриддин, Саша билан мулоқот, Афғонистондан қайтгач она юрти Пискентда жигарбандлари — онаси, акаси, келин ойси, жиянлари билан дийдорлашув онлари, шаҳардаги тўй лавҳалари — гарчи булар хазин руҳ билан йўғрилган бўлса-да, улар ҳаёт суруридан, нафосат туйғусидан холи эмас. Бироқ, аввалги, асарларидан фарқли ўлароқ бу романда шафқатсиз оҳанг, фиғон, қалб фарёди садоси устун. Айниқса, қаҳрамоннинг Афғон саргузаштлари ўзига хос шафқатсиз бир услубда битилган. Ўзбек адабиётида, очғи, урушнинг бу хилдаги шафқатсиз тасвирини ҳозирча кўрган, ўқиган эмасман.

Аввало, китобхон Рустам билан Афғон диёрига кириб борар экан, дарҳол жаҳаннам, ажал, шафқатсизлик, одам қони нафасини туяди; «душман» зарбаси билан баробар ўз ичимиздаги тубан, бузуқ, бешафқат кимсалар қилмишидан оғоқ бўлади. Қарангки, Афғонистонга «ҳалоскор» бўлиб борган офицерлар юлғичлик, молпарастлик, чайқовчилик қўйига мубтало, «прокат»га олган хотинлар билан айш-ишратда, оддий солдатлар эса ўшандай тубан саркардаларнинг амрини адо этишга мажбур; «ҳалоскор»ларнинг «душман»га муносабати вахшиёна — асир тушган афғон солдатини дурустроқ суриштирмай оғзига аккумуляторга уланган симни тиқиб жазолайдилар, асир бошидан салласи учиб, қалтираб ўқирса, бундан завқланиб ҳахолайдилар. Бунақа шафқатсизликнинг оқибати вой. «Душман» ҳам тинч турмайди. Даҳшат устига даҳшат юз беради бирин-кетин уруш даҳшатларига дуч келиб, хусусан, мина портлагандаги мудҳиш манзарани кўриб китобхон қаҳрамонга қўшилиб ўзини йўқотар ҳолга келади: билакдан чўрт узилиб кетган қорда типирчилаб ётган қўл, қон оқаётган гўшт орасидан туртиб чиқиб турган оппоқ суяк, оппоқ қорни чангаллаб ғимирлаётган бармоқлар; оёқлар остида чўрт узилиб кўзлари ола-кула, тилини ғарчча тишлаб олган одам боши, бир қаричча сарғимтил кекиртак ҳамон нафас олаётгандек қорда биланглайди...

Бундай мудҳиш манзараларни ўқиш оғир, жуда оғир. Айниқса, сирдош дўсти Хайриддиннинг ўлими, унинг қотили билан юзма-юз тўқнашув Рустам онгида, табиатида кескин ўзгариш ясайди. Қарангки, Хайриддиннинг қотили — ўзбек, аммо у шўравий ўзбекларга ашаддий рақиб. «Сенлар ўзбекмас! Сенлар мусулмонмас!.. Сенлар «шўравий»! Ким чақирди сени бу ерга! Ўз юртингни сотиб бўлиб, энди Афғонни ҳам ҳаром қилмоқчимисан! Тўнғиз!», — дейди у Рустамга. Бу шафқатсиз ҳақ саволга Рустам жавоб беришга ожиз! Аммо уруш, жанг қонуни ҳар қандай адолатдан, ҳақиқатдан устун. Шафқатсизлик, албатта, шафқатсизликка бошлайди. Рустам кўряптики, уруш — тескари ҳақиқат дегани, тирик қоламан, ўлмайман десанг, гарчи ноҳақ бўлсанг ҳам, ўлдирасан. Рақиб ҳақ бўлса-да, у яқин дўстининг қотили, шу тобда у ашаддий ғазабнок, ёвуз бир кимсага айланади, рақибини шафқатсизларча ўқбўрон қилади... Энди у ҳақиқий «шўравий жангчи»га айланади, буйруқни адо этиш, рақибларни бешафқатларча ўққа тутиш, ғаним юртини босиш, топташ унинг учун оддий касб-ҳунарга айланади. Рустам, барибир, инсон боласи, шафқатсиз жанг майдонида ҳар қанча шафқатсизга айланган бўлмасин, пировардида уруш туфайли бегуноҳ одамлар бошига тушган кулфатлар уни ўзига келтиради: айниқса, вайроналар ичида ётган итнинг аянчли увлашини тинглаб, ўзи узган ўққа дуч келган аёл — севгилиси Шаҳнозани эслатувчи ёш гўзал жувон жасади тепасида туриб, мурда кўксига ёпишган чақалоқ, унинг оғзидан оққан сўлак аралаш қонни кўриб чидаб бўлмас руҳий изтиробга тушади; яқин сафдошлари — Темур ака, Хайриддин, Саша ҳалокати, афғонистонлик ўзбек йигит билан тўқнашув аламлари — барчаси қўшилиб бу юртда олиб борилаётган урушнинг шафқатсизлиги ва адолатсизлигини бутун вужуди билан ҳис этади, «Ҳаммангни отаман! Ўзимниям отаман», дея ўкиради.

Қаҳрамон ўша дақиқалардаёқ ўзига ўлим йўлини танлаган эди. Начора, тақдирда бор экан, у яна бир неча фурсат бу адолатсиз дунёда яшашга, яна кўп кўргиликларни бошдан кечиришга мажбур бўлади. Қаҳрамон жангда жароҳатланиб она юртига қайтганида бир оз ўзингизни енгил ҳис этгандай бўласиз; жаҳаннам гирдобидан тинч-осойишта она юртга қайтиш, қадрдонлар билан дийдорлашув катта бахт. Бироқ, одатдагидек, асарда бахтли, қувончли дақиқалар капалак умридек ўта қисқа, ўша қувончли дақиқалар бағрида янги драмалар, фожиалар уч бериб туради. Рустам энди Тошкент туманига қадам қўйиши билан устаси фаранг юлғич, фирибгар такси шофёрига дуч келиб таъби хира тортади; уйига етгач, бошда қанчалар сездирмасликка ҳаракат қилмасинлар, кўп ўтмай хонадондаги нотинчликдан хабар топади: бутун умри эл-юрт хизматида ўтган отаси «пахта иши»да айбланиб қамоққа олинган, уйдагиларнинг номус-шаъни топталган, бор мол-мулкидан айрилган... Рустам Афғонистонда «ватанпарварлик бурчи»ни ўтаб, қон кечиб юрганида она юртини марказдан йўлланган «десантчилар» босган, Афғон юртида олиб борилган шафқатсизликлар ўзгачароқ кўринишда бу ерда давом этган... Жаҳаннам қаъридан қайтган кишининг жаннат, деб яна бошқа бир жаҳаннам устидан чиқиб қолиши нақадар оғир кўргилик! Бунинг устига Рустам жангдан асаб, тутқанақ, урология касалларига мубтало бўлиб қайтган. Бу ердаги кўргиликлар ёш йигитнинг дарди устига чипқон бўлиб чиқади. У ҳар қадамда империя сиёсатининг, «пахта иши», «ўзбек иши» мафкурасининг тазйиқи, оғусини кўради, ҳис этади, кўриб, туйиб эзилади, қоврилади.

ХАЁТ ҚИЗИҚ, ШУ ТАШВИШ, изтироб, можаролар жараёнида Рустам севгилиси васлига муяссар бўлади. Афсус, минг афсус, висол унга қувонч эмас, чексиз изтироб, мусибат келтиради. Афғон жангидан у, боя айтилганидай, хасталаниб қайтган. Эҳтимол, осойишта ҳаёт, қулай шароит бўлганида у соғайиб кетиши ҳам мумкин эди. Бироқ, юртдаги, оиладаги, кундалик турмушдаги кўнгилсизликлар йигит асабини кемириб, уни тангу аҳволга солиб қўяди. Севгилиси-рафиқаси олдида йигитлик шаъни топталаётганини кўриб баттар эзилади, ўта асабий, дағал, жангари бир кимсага айланади. У баҳоли қудрат, ҳақиқат, адолат учун курашади, аммо бу йўлдаги интилишлари сел оқимига қарши турган чумолининг ҳаракатидай ожиз, бесамар эканини англаб етади. Шахсий ҳаётидаги бахтсизлик, бунинг устига ўз даҳалликларига жавобан рафиқаси оғзидан чиққан заҳарли пичинг-писандалар Рустам учун охирги зарба бўлиб тушади. Йигит ўлим билан юзлашади.

Хуллас катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, она юртининг етук бир фарзанди, содиқ фуқароси бўлиши, эл-юрт учун кўп ишлар қилиши мумкин бўлган навқирон ўғлон умри ўн гулидан бири ҳам очилмай туриб ҳазон бўлади. Унинг ҳаётини империя сиёсатини юргизганлар, Афғон урушини бошлаганлар, «ўзбек иши», «пахта иши» сиёсатини ўтказганлар завол этди. Рустам ҳалокати мана шу мудҳиш сиёсатга зўр бир айбнома каби янграйди.

Роман фақат Рустам қисмати ифодасидан иборат эмас. Асарда яна бир муҳим сюжет йўналиши — Давлат хавфсизлик маҳкамаси ходими Соат Ғаниевич — Комиссар ҳаёти тасвири ҳам бор. Бир қарашда Комиссар билан боғлиқ воқеалар мустақил, бош қаҳрамон Рустам қисмати билан у қадар боғланмагандай туюлади. Аммо романнинг асосий концепцияси, пафоси адолатсизлик, шафқатсизлик асосига қурилган тузумнинг, империя сиёсатининг ғайриинсоний моҳиятини очиб бериш, бу сиёсат қурбонлари фожиасини, социал қотиллар қиёфасини кўрсатишдан иборат экани назарда тутиладиган бўлса, бу йўналиш романи учун зарурий, табиийдир. Комиссарни шунчаки хавфсизлик маҳкамаси ходимларининг йиғма образи дейиш камлик қилади. Яқин-яқинларда бундай одамларни фақат хавфсизлик маҳкамасида эмас, балки барча совет идораларида учратиш мумкин эди. У мустабид тузум ғояларига содиқ, ўта принципиал, ҳушёр, партия, совет сиёсатини ўтказишда қаттиққўл, шафқатсиз бир кимса. Мафкура, сиёсат йўлида у ҳеч кимни аямайди, ҳеч кимга ишонмайди, ҳатто онаси, хотини, фарзандларидан ҳам юз ўгириб кетади. Бу одам ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик қилган эмас, ҳеч кимдан яхшилик ҳам кутмайди. Унинг дастидан бутун бошли обрў-эътиборли, таг-жойли руҳоний бир оила хонавайрон бўлиб кетган. Орадан йиллар ўтиб пенсияга чиққан кезларида ўша таниш оиланинг сўнгги қурбони — муштипар Қурбоной хола унинг қаршисида. Бироқ, бу жабрдийда аёлни кўрганида заррача бўлсин виждони қийналмайди. Боз устига унинг бугунги турмуши, хатти-ҳаракатларидан «жиноят» белгиларини кидиради.

Комиссар зўравонлик, шафқатсизлик асосига қурилган сиёсат, мафкуранинг ҳам тимсоли, ҳам қурбони. Мустабид мафкура таназзулга юз бурғач, бу шахснинг инқирози, фожиаси ҳам аён кўрина бошлайди. Бир томондан, ҳаётда у ишонган, суянган қоялар қулаб бормоқда, бундан у дарғазаб. Иккинчи томондан, у ўзи амал қилган мафкуранинг оқибати ўлароқ оилавий турмуши парокандаликка юз тутган: муштипар хотини унинг дағдағалари туфайли эрта ҳаётдан кўз юмади, икки ўғли юзига оёқ босиб ўзга йўллардан кетади; иккинчи хотини — бу одам ихлос қўйган халқ фарзанди унга ҳиёнат қилади, қариганда ёлғизлик азобига гирифтор бўлади... Соддадил, ҳалол, виждонли ёш йигит Рустам орзу идеаллари барбод бўлгач, ўзини ўлдиришга жазм этган эди; бу виждонсиз, имонсиз, шафқатсиз қария эса шунча кўргиликлардан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандай яшайверади, «Мен ўлмайман!», дейди у қатъий қилиб. Шунақа имонсиз, шафқатсиз беюз кимсалар омон экан имон-эътиқодли, ҳалол одамларга қийин, жуда қийин. Гарчи асар ҳалол одамларнинг ҳалокати билан тугаса-да, асарда мунг, алам, афсус-надомат туйғуси уфуриб турса-да, барибир, унда сизни яшашга, фаол бўлишга, курашга ундовчи пинҳона сеҳрли бир руҳ мавжуд. Модомики, Комиссар типидаги Ёвуз Руҳ «Мен ўлмайман! Хэх!», деб тиржайиб турган экан, ҳар қанча мушкул бўлмасин, бу хил даҳшатли кучлар, қотиллардан устун келиш учун яшамоқ, дадил бўлмоқ, курашмоқ керак. Романни ўқиганда шундай бир фаол кайфият уйғонади ўқувчи кўнглида.

Романда баҳсли ўринлар ҳам анчагина. Комиссар ҳар қанча ёвуз кимса бўлмасин, романда тасвир этилган вазиятда Фотимани ёш қизи Қурбоной кўзи олдида зўрлаши бир оз ясамадай туюлади. Комиссар фарзандларидан бирининг отасини фош этадиган шахс, иккинчисининг чет эл фуқароси бўлиб кетиши психологик жиҳатдан етарли асосланмаган. Гарчи Комиссар билан боғлиқ сюжет йўналиши романнинг бош концепцияси билан туташса-да, етакчи қаҳрамон қисмати билан боғланмайроқ қолганлиги шундоққина билиниб турибди.

Роман изчил империя сиёсатининг адолатсизликларига нисбатан кучли туғён, қалб фиғони, фарёди тарзида изтироб ва шиддат билан ёзилган. Шунинг учун бўлса керак, асарда гоҳо воқеа-ҳодисалар орасидаги ички мантиқий алоқаларни далиллашдан кўра, қалбдаги эҳтирос тўлқинларини тўкиб солишга шошилиш сезилиб қолади.

Ниҳоят, бир неча оғиз сўз асарнинг тили, тасвирнинг жозибадорлиги, самимий, оҳангдор ва маънодорлиги ҳақида.

Романнинг исталган саҳифасини очиб қаранг, сиз албатта у ерда ҳам фавқулодда, ҳам ўта табиий санъаткорона топилмаларни учратасиз. Оддий арзимас кўринган лавҳа, деталларда ҳаётнинг муҳим ҳақиқати, фалсафаси очилади.

Бир кичик лавҳага эътиборингизни тортаман:

«Уйга капалак кириб қопти. Миттигина. Қанотлари кўкимтир. Унсиз типирчилаб у деворга урилади, бу деворга урилади. Ана! Қанотларини жонҳолатда силкиб, учиб борди-да, дарпардага қўнди. Худо билсин, эрталабдан бери ёруғ дунёга чиқиб кетиш илинжида питирлайверибди ҳолдан тойгандир... Синчиклаб кузатиб турдим. Билдимки, капалак нур шу ердан тушаётганини сезиб турибди. У ёқда, ташқарида офтоб бор. Эркинлик бор... Тоза ҳаво... Гулзорлар... Шўрлик! Билмайдики, башарти бирон инсофли одам, дейлик, мен, пардани бир четга суриб, йўл очиб берганим тақдирда ҳам капалак барибир озодликка чиқолмайди. Дераза ёпиқ... Ташқарида ёруғ олам кўриниб туради. Аммо деразадан тушаётган нур — қалбаки нарса... Ўртада тўсиқ бор. Ҳаммаси — ёлғон! Ҳаммаси — алдов! Нурли келажак, деб одамларни алдаш мумкинку! Сен ким бўпсан, биродар! Оддийгина капалаксан, холос!»

Қаҳрамон кундалигидан олинган бу парча маънодор, шу билан бирга қаҳрамон руҳияти, турмуш сабоқларига монанд, унинг ички дунёсини, қалбидаги қийноқларини, ночор, иложсиз ҳолатларини аниқ гавдалантиради.

Бу хил лавҳа, деталлар романда кўп.

АМИНМАНКИ, ИСТЕЪДОДЛИ АДИБИМИЗ Ўткир Ҳошимовнинг янги романи серташвиш кунларимизнинг талотумлари таъсирида муайян муддат сўз санъати дунёсидан бир оз узоқлашиб қолган китобхонларимиз эътиборини яна бу сеҳрли оламга тортишга хизмат қилади, чинакам санъат асари битмас-туганмас жозиба, нафис туйғулар, завқ-шавқ, маънавий озиқ, катта ижтимоий қудрат манбаи эканини яна бир бор эслатади бизга, айрим кишилар аллақачон «эскирган»га чиқариб қўйган «ҳаётни айни ўзидек гавдалантириш»дан иборат анъанавий тасвир типининг эҳтиросли лиро-публицистик услубининг чексиз имкониятларини намойиш этади.

Умарали НОРМАТОВ

ЛОҚАЙДЛИК ЧАЛАМУЛЛАЛИКДАНМИ?

КЕЙИНГИ ВАҚТДА ярим асрдан бери «сўрғичланиб» қўйилган 20-йиллар адабиётининг айрим вакиллари ижодига «оммавий юриш» бошланди. Бу давр адабиётини илмий тадқиқ этиш, адабиётшунослик мулкига айлантириш ҳаракати мендаги норозилик сабабчиси эмас. Миллий Уйғониш даври адабиётини ўрганиш бугунги ижтимоий аҳволнинг, шаклланаётган миллий онгнинг маънавий-руҳий эҳтиёжидир. Бугун кўкараётган миллий ўз-ўзини англаш ниҳолининг томири 10—20-йиллардан озиқ олаётир. Ҳар қандай элпарвар шахс Уйғониш ҳаракатининг ижобий кучларидан бири бўлишни истайди. Адабиётшунос олимларимизнинг XX аср авваллари адабиётининг айрим вакиллари асарларини қайта нашр этиш, талқину тадқиқ қилиш учун куюнишлари, бир жиҳатдан, шу сабабдандир. Бу куюнчак ҳаракат натижасида кейинги бир-икки авлодга ва келгуси авлодларга номаълум бўлиб қолаётган, давр вақтли матбуотининг сарғайган саҳифаларида, кутубхоналарнинг чанг босган бурчак-бурчакларида сақланиб келаётган Беҳбудий, Мунавварқори, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби юксак сиймоларнинг асарлари қайтадан босилмоқда. Бу асарлар бугунги маънавий эҳтиёжни бир қадар қондирмоқда.

Албатта, тадқиқотчиларимизнинг хайрли ишлари учун улардан миннатдор бўлишимиз керак. Лекин мени қайта нашр масаласидаги «ура-ура»чиликда одат тусига кириб қолаётган умумий лоқайдлик ташвишга солаётир.

Бу масалага тўхталишдан олдин қайта нашрга тайёрлашга «ишқибозлик» сабаби ҳақида гапириш лозим бўлади. Кузатишимча, ишнинг бир қадар осон кўчиши асосий сабабга ўхшайди. Хат таниш даражасидаги саводлилик араб ва лотин ёзувидаги асарларни криллицага қийналмай кўчиришга имкон беради. Шовшувга қизиқиши авж олган газета-журналларимиз ҳам у мақолаларни тезлик билан босиб чиқарадилар. Бироқ таассуфки, ана шу хайрли ишга лоқайдлик кайфияти аралашмоқда. Лоқайдлик асарларни савод билан кўчирмаслик, хатоларнинг ўтиб кетиши ва, умуман, нашр этиш принципларининг ишлаб чиқилмаганлигида кўзга ташланмоқда.

Мен бу «даъволарим»га мисол тариқасида кейинги икки-уч йил мобайнида қайтадан нашр этилаётган Чўлпоннинг адабий-танқидий ва санъатшуносликка оид мақолаларига мурожаат этмоқчиман.

Қайта нашрдаги хатолар малакали, ўз ишига зийрак олимларда кам учрайди (масалан, Б. Қосимов, Б. Дўстқораев, Ҳ. Болтабоев...) Бахтга қарши, бундайлар бармоқ билан санарли даражада оз.

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос Шерали Турдиевни биз заҳматкаш, куюнчак олим сифатида яхши биламиз. Айниқса у кишининг 1967 йили нашр этилган «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси» китобининг илмий-библиографик қиммати катта.

Ш. Турдиев 60-йилларданоқ Чўлпон мақолаларини қайта нашр этиш ишига киришган малакали олимдир. Аммо «Фан ва турмуш» журналининг 1989 йил 10-сонида «Ер қизидан хаёлимни олмайман» номи остида берилган Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолаларида муаллиф томонидан эмас, қайта нашрга тайёрловчи томонидан йўл қўйилган хатолар одамни ранжитади. Мисолларга ўтайлик. Чўлпоннинг «Муҳтарам ёзғувчиларимизга» мақоласи анчагина қисқартириб берилган. Ваҳоланки, мақола қисқартирадиган даражада катта эмас. Унда айрим сўзлар ҳам ё қисқартирилган, ё ўзгартирилган. Масалан, биринчи жумладаги «ва» боғловчиси вергул билан алмаштирилган. «Гапхоналар» сўзи «корхоналар» деб ўзгартирилган. Шу сўздан кейин келган «бачабозлар мажлисинда, базмларда» сўзлари мутлақо олиб ташланган. «Токи» сўзидан кейинги «комил» сўзи ҳам тушиб қолган.

Ёки «Тавфиқ Фикрат» деб номланган (аслида «Марҳум Тавфиқ Фикрат») мақоладаги ўзгартишларга қаранг. Бу мақолада ҳам қайта нашрга тайёрловчи «букет» сўзини «гулдаста» сўзи билан алмаштиради ёки «У тарих жиноятлари каби сирлидир, ҳар кимга «Мана мен!» деб кўруна бермас. Уни босдириш мумкин бўлмади» жумлаларини «таҳрир» қилади. «Ҳар кимга «Мана мен!» деб кўруна бермас» гапини олиб ташлаб, «аввало» сўзини киритади. «Чирик мия»ни «чиройлик мия», дейди ёки мисол тарзида келтирилган шеърдаги «Дин шаҳид истар, осмон — қурбон» мисрасидаги «қурбон» сўзини «қарор» сўзи билан алмаштиради. Бу шеър олдидан келган гапдаги иккита «у» олмоши ҳам тушириб қолдирилади. Устига-устак Ризо Тавфиқнинг Чўлпон тўла келтирган шеъри қисқартириб олинган; қўпол қисқартириш оқибатида шеърдаги мантиқ бузилган.

МЕН БУ ЎРИНДА қисқартириб босилган «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса» ҳамда бошқа мақолалардаги нашрга тайёрловчи томонидан йўл қўйилган имловий, услубий хатоларга тўхталиб ўтирмайман. Гапимга ишонмаганлар «Садойи Туркистон» газетасининг олим кўрсатган сонларини топиб, текшириб кўришлари мумкин.

Шерали аканинг заҳматкашлиги, синчковлигига шак келтирмоқчи эмасман. Йўл қўйилган камчиликлар ҳозирги ижодий жараёндаги лоқайдлик оқибати эканини айтиб ўтмоқчиман, холос. Чунки лоқайдлик шу даражага етиб бордики, ҳатто Чўлпон қаламига мансуб бўлмаган асарлар унга нисбатан берилиб, нашр этилаётир. Масалан, «Ёш куч» журналининг 1989 йилги 2-сонида босилган «Гавҳарой» деган ҳикоя Чўлпонники эканини нашрга тайёрловчи Оқилхон Одилхонов қандай исботларкан? «Ер юзи» журналининг 1929 йил қўшма — 22-23-сонида мазкур ҳикоя босилган саҳифанинг бирор ерига Чўлпон номи ёки унинг тахаллусларидан бири зикр этилмаган. Ҳикоя сарлавҳасининг шундайгина остига қавс ичида «Йўқсул ҳикояси» деб кўрсатилиб қўйилган. Чўлпоннинг бундай тахаллуси борлигини ҳали ҳеч ким исботлагани, ҳатто тилга олгани ҳам йўқ. Б. Қориевнинг маълумотига кўра, «Йўқсул» тахаллуси билан Б. Иброҳимов ва Г. Исҳоқов деган кишилар ижод қилишган экан. Демак, ҳикоя шу икки ижодкордан бирининг қаламига мансуб.

«Ёшлик» журналининг 1991 йилги 10-сонида тадқиқотчи Нормурод Авазов Чўлпоннинг бир неча мақоласини нашрга тайёрлаб чиқарган.

«Иблис» тақризи «Туркистон» газетасининг 1923 йил 14 март сонида босилган. (Н. Авазов кўрсатганидек, 13 март сонида эмас!) Тақризнинг ана шу яккаю ягона «асл нусхаси»га журнал нусхасини солиштирсак, мақола Чўлпоннинг ўз иборасича, «шўрбасининг шўрбаси» бўлиб кетганини кўрамиз. «Қишлиқ «Турон»ни нашир «қишлоқ «Турон» деб, «Қафқосия туркларининг адиби ва шоирлари»ни «...адабиётшуноси» деб, иккинчи хат бошидаги «ёки» айирув боғловчисини «балки» гумон юкламаси билан алмаштиради. Ўрисча «противоположность» тушунчаси **зидлик** деб калкаланган ва бу калка тушунарли бўлиши учун Чўлпон ўрисча сўзни ҳам ёзиб қўйган. Лекин буни нашир тушириб қолдиради. «Ўзи (Иблис — **У. С.**) ҳақиқий омил шаклида кўриладур» гапини чала кўчириб: «ўзи ҳақиқий... шаклида кўринадур» деб ёзади. Манбада «сира қўя қолинг», деб ёзилса, журналда «сўрамай қўя қолинг»; «биринчи пардада» «бир неча пардада» деб уч марта такрорланиб келган Онатўли «она тили» деб ёзилади. Манбада «Онатўлида бош кўтарганларга (камолчиларга) қарашадур» деб ёзилса, нашрга тайёрловчи буни «она тилида бош кўтарганларга (камчиликларга) қарашадур» деб «тузатиш» киритади; «ўйналиш»ни «ўйнаш» деб, «янги»ни «яъни» деб кўчиради ва ҳоказо.

Зийрак журналхон учун Чўлпоннинг бундай ғализ гап тузишлари қай даражада эриш туюлса, биз учун ҳам нашрга тайёрловчининг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги шу даражада тушуниксиздир.

Худди шундай камчиликлар Сирожиддин Аҳмад («Санъат» журнали, 1991 йил, 9-сон), Дилмурод Қуронов («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил, 1 ноябр) нашрга тайёрлаган мақолаларда ҳам учрайди.

Биз 20-йиллар матбуотида эълон қилинган Чўлпон мақолалари авваламбор адабиёт тарихининг, шу билан бирга, ўзбек адабий тили тарихининг материаллари эканини унутмаслигимиз керак. Шу материалларга таянилиб Чўлпон асарларининг тил хусусияти, 20-йиллар ўзбек адабий тилидаги фонетик, грамматик хусусиятлар, матбуот тили, илмий услублар тадқиқ этилади. Бинобарин **-ғон, -қон** каби сифатдош аффиксларини, **-ға, -қа** жўналиш келишиги қўшимчаларини ёки ўзбек тили талаффуз меъёрларига биноан ёзилган «Масков», «Ўрунбурғ», «Ўктабр» каби сўзларни бугунги адабий тилда нормаларига мослаб кўчириш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Қай даражада эриш туюлишидан қатъи назар, ўрисча фамилиялар ва жой номлари ўзбекча талаффуз меъёрларига биноан ёзилиши адабий тил мажбуриятларидандир. Ўзбекча сўзларнинг оҳангдорлигини таъмин этувчи сингармонизм ҳодисасининг адабий тилдан (халқ тилида сақланган!) йўқолиб кетиши, 9 унли қаторининг 6 тага туширилиши ҳам қизил империя юргизган — миллий тилларни қашшоқлаштириш, йўқ қилишни назарда тутган тил сиёсатининг оқибати деб қаралиши лозим.

Чўлпон мақолаларида айрим сўзлар ҳар хил ёзилган. Масалан «театр» сўзи «театру», «тиётр» шаклларида учрайди. Бу каби сўзларни ўзгартирмасдан қандай ёзилган бўлса, шундайин олишимиз керак.

Бу каби муаммоларга тилшунослар ўз муносабатларини билдиришлари ва шунга қараб нашр принциплари ишлаб чиқилиши керак

БИЗ УЧУН ҲОЗИРЧА Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий каби сиймолар мақолаларининг ягона манбаси бор. У ҳам бўлса, матбуот саҳифалари. Шунинг учун адибларнинг нашр этилажак асарлари махсус бир назорат остида матбуотда ва китоб ҳолида чоп этилиши лозим.

Улуғбек СУЛТОН

ТУРКИСТОННИНГ ИСТИЛО ЭТИЛИШИ

доимий ҳамроҳ

Болшевиклар ва уларнинг содиқ шогирдлари ҳукмронлиги йилларида аён ҳақиқатларни айтиш ҳам мумкин эмас эди. Масалан, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинганини кундек равшан бўлса-да, партия-совет «фани», матбуоти ўлкамизнинг «Россияга қўшиб олинганлиги», «қўшилгани» ҳақидагина ёзарди. Ана шу фикр ҳаммага, энг аввало ёш авлод онгига, руҳига сингдириларди. Жумҳуриятимиз мустақиллик йўлига кирган бугунги кундагина айрим тарихий ҳақиқатлар очиқ айтила бошлади. Адабиётшунос олим Мажид Ҳасанийнинг «Туркистон босқини» (1992) китобчаси фикримизга бир мисолдир. «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан нашр этилган мазкур китоб муаллифнинг «Топталган ўлка фарёди» кириш мақоласи билан очилади. Бу

муқаддимада Россиянинг юртимизни босиб олиши тарихи қисқача баён қилинади. Сўнгра Туркистон Ҳарбий округи штаби 1900 йили нашр этган «Ўрта Осиёнинг забт қилиниши ҳақида йилнома» китобидан каттагина бўлак келтирилади. Мазкур парчада рус подшоларида Туркистонни босиб олиш нияти туғилганидан то юртимиз чоризм қўшинлари тарафидан қўлга киритилиб, идора этила бошлаган 1895 йилгача бўлган давр йилма-йил кўрсатилади. Шуниси диққатни тортадики, оқ пошшо Туркистонни босиб олар экан, сурбетлик билан, ўзини халоскор деб, шу ватаннинг фарзандларини эса босқинчилар деб атайди.

«Туркистон босқини» (аслида китобнинг номи «Туркистонга босқин», янада тўғрироғи, «Туркистоннинг истило этилиши» бўлиши лозим эди!) мажмуасининг «Тарих — ҳақиқат чироғи» қисмида турли шахсларнинг фикрлари келтирилган. Бу фикрлар китобхоннинг мавзуга доир тушунчаларини бойитади. Мана, машҳур «гуманист» рассом В. Верешчагиннинг бир иқрорномаси: «Дорга осилган одамларнинг типирчилаб тур

ТОШДАН ҚАТТИҚ

Мавлоно мулла Муҳаммад Шариф Ҳиндистонийнинг ушбу ўз тилларидан ёзиб олинган таржимаи ҳолларини ўқир эканман, беихтиёр, инсон бош тошдан ҳам қаттиқ. Сойлар оқиб ўтади, замонлар кетидан замонлар келади. Аммо одам боши сой тубидаги тошдек чидаб қолади, деган ўй хаёлимда такрорланди. Ҳа, худо ғолиб қиламан деса, одам — ғолиб! Уни ҳеч нарса, ҳеч қандай азоб-уқубат, ҳеч қандай қийинчилик енголмайди.

Илм истаган, дили маърифат ва яхшиликка ташна солиҳ йигит бошидан замон не тегирмон тошларини югуртирмади. Лекин уни таслим этолмади. Уни маърифат ва имондан тойдиролмади. Балки аксинча қийинчилик ортган сайин унинг имони мустаҳкамлана борди. Аллоҳ донм сабр қилгувчилар биландир, деган ояти карима бу ажойиб инсон тақдирида яна бир карра исботини топди.

Мавлоно Муҳаммад Шариф Ҳиндистонийнинг бошдан кечирганлари магнит лентасига ёзиб олинган экан. Уламойи киром мулла Камол ўғли Саримсоқжон уни қунт билан оққа кўчириб чиқди.

Даврнинг не-не довулларини бошидан кечирган бир инсоннинг юракларни ларзага солувчи қиссаси шу тариқа газета саҳифасига кириб келди.

Бу умр қиссаси — оғзаки қисса. Унда кўҳна жонли туркий тилимизнинг ўзига хосликлари «ошланмаган», «ишланмаган» жилвалари шундоқ кўзга ташланади. Қисса қандай талаффуз қилинган бўлса, шундай қоғозга тушди. Бу тил — мулла Ҳиндистонийнинг тили ва у дахлсиз, сайқалга муҳтож эмас. Айрим ўринлардагина келишикларни андак тўғриладик.

Сиз билан, ўқувчи, ҳаяжонларимизни тезроқ баҳам кўришни истадик.

Иброҳим ҒАФУР

МУЛЛА ҲИНДИСТОНИЙНИНГ БОШДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

Муҳаммад Шариф ҲИНДИСТОНИЙ

1

ХУДОНИНГ НОМИ БИЛАН БОШЛАДИМ. Сиз қорийин киромларга маълум бўлсунки, камина аҳқорул ибод Муҳаммаджон Ҳожимулло Рустам ўғиллари сана 1310 ҳижрий мувофиқ 1892 мелодийда Қўқонд музофотига қарашли Чорбоқ қишлоғида Хўжа Муҳаммад Вали мозорларига яқин ушбу қишлоқда туғулуб тарбия топғондурман.

Қиблагоҳимнинг ҳикоя қилишларича, Қўқонд ва Самарқандда таҳсил улум қилғон эканлар. Марҳум фақиҳ эрдилар. Бошқа улумларга маҳоратлари ўртача эрди. Ман олдиларида фарзи айн ва фақиҳ Кайдони ва ҳам «Мухтасар» то «Китоби никоҳ» ўқуғон эрдим. Мени қори қилишга кўп ҳарис эрдилар. Бу тўғрида ҳикоя қилиб айтғон эрдиларки, «Қўқондда мадрасада ўқуб турғонимда рамазон ойида мадрасада хатм бўлди. Бир қори хатмга ўтди. Ниҳоятда хуш овоз экан. Номи Муҳаммаджон қори экан. Мен Худоға аҳд қилиб шундоғ тиладимки, агар ман хотун олсам, Худо ўғул берса, номини Муҳаммаджон қўйиб, қори қиламан, Худойи Таоло талабимга мувофиқ бир обрўлиқ улуғ киши мени мадрасадан олиб бориб, қизини менга никоҳ қилиб берди. Худовандо ирода қилғон экан, сан вужудға келдинг».

Хулосаи калом шулки, менинг 8 ёшимда марҳум Муҳаммад Амин қориға бердилар. Ул зот Жалобир қишлоғидан эрдилар. Бизнинг жойимиздан бир километр масофададур. Бир ойда ҳафтиякни тамом қилдим. Сўнгра қори домла марҳум бўлуб қолдилар. Сўнгра қиблагоҳим мени Тошболта домлаға топшурдилар. Бу қори домлада тўрт йил давом этдим, лекин Қуръонни ҳифз қилмоғим маҳол кўрунур эрди. Сабаби шулки, уйнинг хизмати ҳам қори домланинг хизматлари бўлуб менга фурсат бермас эрди. Мен қиблагоҳимға айтдим: — «Мени шаҳарға олиб бориб беринг. Бу жойда одам бўлмайман». Қиблагоҳимға ҳам маъқбул бўлди. Шаҳри Қўқонд бизни қишлоқдан саккиз километр масофада турар эрди. Ул даврда кўчалар хароб эрди. Одамлар оту эшак ва пиёда юрур эрдилар. Отамизни бир отлари бор эрди, эшакдан каттароқ. Мени орқаларига миндириб олдилар. Икки километр юргандан сўнг кўчада озғина лойдан ўтмади. Қиблагоҳ ҳарчанд зажир қилиб урсалар ҳам бўлмади. Отдан тушуб, етакласак ҳам бўлмади. Ҳайрон бўлуб туруб қолдук. Ногоҳ орқадин бир аёлни доду ва фарёд қилғон овози эшитилди. Қарасак, биз тарафға бир аёл югуруб келмоқда. Яқин келгонда маълум бўлдики, волидамиз экан. Қуръоним фаромуш бўлуб қолғон экан. Орқамиздан волидамиз Қуръонни олиб югурғон эканлар. Етиб келгондин кейин беҳол бўлуб йиқилиб ерга ётиб қолдилар. Биз Қуръонни олғондан сўнг отни етакласак юриб кетаберди. Қиблагоҳ айтдилар: — «Агар от тўхтаб турмағонда онанг то шаҳарғача югуруб борар экан. Худо раҳм қилиб отни тўхтатиб қўйди».

Хулосаи калом шулки, қиблагоҳ мени Зикриё қори домлаға топшурдилар. Бу қорихонада икки йилда тамом қилдим. Ўн тўрт ёшимда Қуръонни ҳибз қилдим. Сўнгра одатга мувофиқ қиблагоҳимиз тамом уламоларни жамъ қилиб, хатм тўйини қилиб бердилар. Ҳаммаларидан дарс ўқушумға фотиҳа олиб бердилар. Кейин Мулло Эшонқул домланинг ҳузурларида ибтидои дарсларни ўқушға бошладим. Илму Сарф ва илму Наҳвнинг ибтидои китобларини ўқуб, то «Шарҳи Жомий» бошладим. Ёшлигимдан илмга ҳирс эдим. Рамавондан илгари бир ой такрор Қуръон қилмоқ учун Шоҳимардонға борар эдим. Ул вақтларда араба билан одамлар зиёратга борар эрдилар. Менда кирага пул йўқ, ночор пиёда борар эдим. Бир мартаба кафшимни ечиб, халтага солиб, ялангоёқ юрдим. Шунинг учунки, кафшим йиртилиб қолса, бозордан янги олиш қийин, пул йўқ, камбағалчилик:

Халқимизни касбидур деҳқончилик,
Меҳнату ва кулфат эди орзончилик,
Нон десак, олиб берар зоғоранн,
Чинни коса ўринга тоғоранн.

Иш тополмай ётадур қум устида,
Таги тешилган элак хум устида,
Халқимизни кўблари оми эди,
Кўкнору, носкашу ва банги эди.

Хулоса шулки, мен қорийиларга ул давр замонин аҳволидан озғина баён қилдим. Қариялардин қолғон мисол борки: — «Мушти рамуз аз хурдор».

Ман эмди ўзимнинг аҳволимни ёзишға бошлайин. Қисса кўтаҳ, Шоҳимардонға етиб бордим. Ул жойда бир ой такрор қилиб турдим. Мени қўлимда ҳеч қандай маблағ йўқ. Фақат ҳоли таваккал эди холос. Лекин зиёратчилар кўп келар эрдилар. Баъзилари мени олдимға келиб: — «Қори, бир хатм қилиб қўйинг» деб бирор нарса берар эрди. Баъзилари пишғон овқат олиб келиб берар эдилар:

«Таваккалин Худоға айлағон эр,
Ва талқону на қалқонни ғамин ер».

ХУЛОСА ШУЛКИ, УЙИМДА МУЯССАР бўлмагон лазиз овқатларни Худо еткузур эрди. Шоҳимардоннинг майдонларида бир ҳовуз бор эди. Эмди, ҳовузни олдида нон сотувчи қизлар нонларини зиёратчиларга сотиб, асрда уйларига кетур эрдилар.

Бир кун бир қиз кетмай ҳовузни олдида йиғлаб ўлтурубдур. Мен олдиға бориб сўрадим: — «Нимага йиғлайсан?» Ул қиз айтдики: — «Эртадан кечгача сотғон нонимни пулини ушбу ҳовузга тушуруб юбордим. Эмди, мени уриб ўлдирадурлар. Онам ўғай, ўзимни онам ўлиб кетгон». Мени раҳмим келди: «Бечора етим экан». Сўрадим: — «Қандай ва қаердан тушурдунг?» Қиз айтдики: — «Ҳамма пулимни ҳамёнга солғон эрдим. Ўйнаб ўлтуруб, тушуруб юбордим». — «Қай жойга тушурдинг, менга кўрсат?» дедим. Қиз тушган жойни кўрсатди. Мен куйлакларимни чиқориб, ҳовузга ўзимни ташладим. Истаб юруб, охир ҳамённи топиб бердим. Етим қизнинг хурсандлиги бениҳоят эрди. Мен айтдим: — «Сан мени, Худо сизга илм берсун деб дуо қилгил». Қиз кейин мени таълим беришимга мувофиқ қиблаға қараб туруб дуо қилди. Бу менинг учун ажойиб ҳодиса бўлди. Илгари фаҳмимни олмасдан кўп қийналар эдим. Ҳатто баъзи вақт йиғлар эдим. Ушбу авқотдан кейин фаҳмим яхши бўлуб, ҳатто шерикларимга ҳам муколима қилиб берар эрдим. Бу етимни дуоси зоеъ кетмади. Эмди Шоҳимардондан Қўқондға қандай қилиб кетмоқ ғами менга тушди. Буни Худо осон қилди. Воқеа шундоғ бўлдики, Қўқонддан бир жамоа бойлар зиёратга келдилар. Улардан бир бойнинг ўғли қорихонада ман бирлан ўқуғон эрди. Отаси бирла келиб қолди. Булар кетар вақтида мени бирга олиб кетдилар. Ушбу вақт Қўқондда дарсда ўқур эрдим. Мадрасаи Минг Ойимда Усмон махдум мулло ҳузурларида Шарҳи Мулло ўқувчилар жамоасиға қўшилдим. Шул вақт тахминан ўн олти ёшда эдим. Бир йилдан кейин Бухороға кетиб қолдим. Сабаби шулки, ман истар эдим ҳамиша ўқушни, лекин ёз вақтида менинг қиблагоҳим: — «Менга ёрдам қиласан» деб деҳқончилик ишларига олиб кетар эрдилар. Шу билан мен олти ой ўқушдан қолар эрдим. Шунинг учун Бухороға борсам, ҳамиша дарсга машғул бўламан деб, шу қарорга келдим. Ул қиблагоҳдин сўрадим. Жаваб бермадилар. Ҳатто қойиб бердилар, айтдиларки: — «Қўқондда сенга дарс берадурғон домла йўқму?» Мен айта олмадимки: — «Менинг ўқушимға халал бераяпсизлар» деб. Кейин жавоб бермасалар ҳам кетавераман деб жазм қилдим. Соатимни бозорга олиб бориб, ўн сўмга сотиб, шуни зоди роҳила қилдим. Поездга билет олдим. Поездда бир мўйсафид одам ўзи Шаҳрихонлиқ экан, ҳамроҳ бўлуб қолдим. Мендан сўрадики: — «Қаерга бормоқчисиз?» Мен жавоб бердим: — «Бухорога». Яна сўради: — «Қайси мадрасага?». Мен айтдим: — «Билмайман». Яна сўради: — «Бухорода танишларингиз борму?» Мен айтдим: — «Йўқ». Мўйсафид ҳайрон бўлуб айтди: — «Бухоро шаҳри азимдур, Сиз ҳеч-кимни билмасангиз кўчада қоласиз. Бу сизга бирон киши борманг деб маслаҳат бермадимму? Хайр эмди, сиз мен билан юринг, мен сизни улуғ жойга олиб бораман. Ўшал жойда истиқомат қилиб қоларсиз» деди. Қиссани кўтаҳ, Бухорога бордик. «Эшону Сайахсинни хонақолари» номи билан машҳур экан. Бу Бухорода Шаҳрихонлик Эшон бор эканлар. Номлари «Худоберди», халифа экан. Бу мўйсафид Ҳазрати Эшонни биродарлари экан. Бу одам мени хонақоҳга олиб кириб қўйиб, ўзи йўқолиб кетди. Мен Асрни ва намоз Шомни ва Хуфтанни ушбу хонада ўқудим. Хуфтан намозидан сўнг Ҳазрат Эшон, ҳалқа қилдилар. Мен сураи «Таборак»ни қироат қилдим. Бу яхши натижа берди. Намоздан сўнг бир одам: — «Қироат қилғон қори ким?» деб сўради — «Мен» деб жавоб бердим. — «Юринг, Ҳазрати Эшон талаб қилаётирлар» деб, мени «Чиллахона»га олиб кирди. Ҳазратни зиёрат қилдим. Ҳазрати Эшон мени аҳволимни сўрадилар: — «Нима учун Бухорога келдингиз?». Мен: — «Ўқуғони келдим» дедим. — «Қори муаттармисиз? деб сўрадилар. Мен: — «Қориман» деб жавоб бердим. — «Сураи «Музаммил»ни ўқиб беринг» дедилар. Мен ўқуб бердим. Ҳазрат кўп таҳсин қилдилар. Ҳазрат кичкина ўғулларини чақириб олиб келдилар. Ўғулларига тавсия қилиб айтдиларки: — «Бу ўртоғингни ҳужрада бирга олиб боргин, сан билан истиқомат қилсун, дарсга ҳам олиб боргин, бу ҳам «Шарҳи Жомий» ўқур экан». Яна манга айтдиларки: — «Ҳар кеча саҳар вақтида сизни сўфи уйқудан уйғотади, таҳорат қилиб, мени олдимга чиқиб, сураи «Музаммил»ни тиловот қилиб берасиз», дедилар. Шу билан ҳар кеча саҳар таҳажжуд намози вақтида мени сўфи ўйғотиб олиб чиқар эди. Кундузи Эшонжон билан дарсга борар эрдим. Шул тариқада уч ой давом этдим. Кейин менга бу жойда истиқомат қилиш қийин бўлуб қолди. Шунинг учунки, Эшонжоннинг ҳужрасиға меҳмонлар кўп келар экан, менга дарсларимга машғул бўлишимга монеъ бўлуб қолди. Кейин Ҳазрати Эшондан рухсат олиб даҳмаларига бориб, ўша ерда истиқомат қилдим, агарчи Эшонжоннинг ҳужрасида маншатим яхши эди. Истиқомат учун ҳам ҳеч нарсани кераги йўқ эди. Бовужуд шундоғ бўлсада, ўқушум яхши бўлмагони учун, гўрхонага кўчуб кетдим. Эмди сиботимда таҳсилга кифоя қиладурғон ҳеч нарса йўқлиги сабабидан қийналиб қолдим, лекин Парвардигорга таваккал қилиб, — «Ризқни Худо беради» деб истиқомат қила бердим. Бир кун дарсдан келиб турғон ҳолимда бир нонвойнинг дўконини олдидан ўтдим. Нонвой мени чақириб қўлимга икки дона нон берди. Ўша куни оч эдим. Бу одамни дилига Парвардигор фазл карами бирла ҳар кун менга иккита нон бериб турушга илҳом қилди. Бу нонвой айтдики: — «Сиз ҳар кун мана шу ердан ўтуб иккита нон олинг», деди. Шу билан менга сабаби ризқ пайдо бўлди. Толиби илмларда бир қонда бор эди. Дарс бошлаш олдидан, ҳар бир кишиға солиқ солиб, пул тўплаб, мударрис домлаға дастурхон қилиб бормоқ одат эди. Шарҳи Муллодан марфуотни тамом қилиб, Мансуботни бошлаш учун пул керак бўлди. Мени зиммамға уч сўм солиқ тушди. Менда пул йўқ. Бўлмаса дарсга келишимга рухсат йўқ деб мени мажбур қилишди. Мен дарсдан чиқиб, ниҳоятда ғамгин бўлуб, кўзларимдан ёш оқиб, камбағалчиликдан Парвардигорга дилимда нола қилиб, ҳужрага қараб кетиб турғон эдим, бошим ерга эгилғон ҳолда, ногоҳ тошни орасида бир нарса кўзимга ялтираб кўрунди. Олиб қарасам, хотунларни қўлидан тушгон узук экан. Мен умримда бу хилда узукни биринчи кўрушим. Муни қийматини ҳам билмайман. Дилимга келдики, агар бу узукни сотсам уч сўмга олса, тушгон солиқдан қутулар эрдим. Йўлимдан қайтиб, Лаби Ҳовуз Девонбегида узукфурушларга Кавказ халқидан бўлар эди. Шул жойга олиб келдим. Узукни кўрсатдим. Қўлимдан олиб кўруб: — «Қанчаға сотасиз деб сўради?» Ман бу узукни қийматини билмаґон сабабдан: — «Ўзингиз бир нарса қилиб бераберинг» дедим. Ул одам айтдики: — «Йигирма сўм бераман» деди. Мен йигирма сўмни эшитиб, ниҳоят даражада ҳайрон бўлуб қолдим — «Йўқ сотмайман», «Узугимни беринг» дедим. Ул айтди: — «Ўттуз сўм бераман, сотинг муни» деди. Мен яна: — «Сотмайман» деб узукни қўлидан олдим. Яна бир узукфуруш бул ҳолдин хабардор бўлуб, мени чақириб, узукни кўрмоқни истади: — «Қанча қилди?» деб сўради. Ман айтдим: — «Ўттуз сўм қилди», дедим. Сотмадим дедим. Бу одам айтдики: — «Бундоғ бўлса, ман қирқ сўм бераман» деди. Мен: — «Сотмайман» дедим. Қўлидан узукни олиб жўнаб қолдим. Яна чақириб: — «Эллик сўм бераман» деди. Хулосаи калом шулки, узукни нархи ошиб бориб, саксон сўмга борди. Шундан ошмади. Бу нимадан бўлгониға ўзим ҳам ҳайронман. Кейин маълум бўлдики, узукни ҳалқаси тиллодан экан кўзи олмосдан экан. Охири саксон сўмга сотдим. Шул вақтдаги менинг хурсандлиғим бениҳоя эди. Бир йиллик истиқоматни маишатини Парвардигор менга ато қилди. Шу билан солиқни тўладим. Шерикларимни ҳам зиёфат қилдим. Бир кун шерикларим мени ҳолимга таажжуб қилишиб: — «Сан бирор ердан ўғурлик қилдингму?» деб сўрар эди. Бухоронинг ҳавоси ёз мавсумида ниҳоятда иссиқ бўлар эди. Мадрасаларда дарс тўхтар эди. Толиби илмлар салқин жойларга чиқиб кетар эди. Man ҳам Қўқондга жўнаб кетдим. Ҳовлимизга келдим. Ота-оналарни зиёрат қилиб кўрушуб, бир ой уйда турдум. Лекин шу даврда биринчи жаҳон уруши бўлуб турғон эди. Ҳукумат рабочиклар учун халқа ҳар бир беш уйдан бир кишини талаб қилишар эди. Дадамиз менга айтдиларки: — «Тезлик билан Бухороға қайтиб кет, чунки эллик боши сени ҳам номингни ёзибди». Мен яна Бухороға қараб жўнадим. Лекин ҳозир Бухорода дарс йўқ. Шерикларимдан тўрт киши Балх шаҳридаги Мозори Шарифға бормоқни қасд қилғон эканлар. Мен ҳам шулар билан бормоқни истадим. Ҳазрати Эшоннинг ҳузурларига кириб шу мақсадимни айтдим. Ҳазрати Эшон айтдиларки: — «Мозори Саҳида бизни муридлар бор, ўзи аҳли давлат одам. Бир омонат бераман, шу одамға олиб бориб берасиз. Ул одам сизни кўп ҳурмат қилади, жой беради» деб бир рисолаи форси Анфос номли ва бир кулоҳ дўппи омонат бердилар. Мозори Шарифга жўнадик. Аму дарёдан кема билан ўтуб, эшак кира қилиб, Мозори Саҳиға бордик. Мозорда зиёрат қилиб бўлгандин кейин, шул мозорда ётиб қолдим. Шерикларим мендан ажраб кетди. Кундузи мозорни айланиб юргон эдим, бир болахонадан қори болаларни овози чиқиб турубди. Болахонага чиқдим. Бир мўйсафид домла ўтирган эканлар, йигирма чоғлик қори болалар Қуръон ўқиб ўтирґан экан. Қори домла мендан сўрадилар: — «Сиз қаердан келдингиз?» деб. Мен айтдим: — «Бухородан келдим». — «Қоримисиз?» деб сўрадилар. Мен: — «Қориман» деб жавоб бердим. — «Бутун ҳифз қилғонмисиз?» деб сўрадилар. Мен: — «Қори мураттабман, бутун ҳифз қилғонман» деб жавоб бердим. Қори домла айтдилар: — «Сураи Марямни бошдан қироат қилинг?» Мен бир саҳифа қироат қилиб бердим. Қори домла менинг тиловотимға кўб таҳсин айтдилар. Кейин айтдиларки: — «Сизга мана шу Мозордан бир ҳужра олиб бераман, иккита қори болани хизматингизга қўяман, икки маҳал овқат олиб келиб беради, эрта билан чой-нон, ҳаммасини муҳайё қилади. Сизнинг вазифангиз шулки, мен ўз ишимга борганимда ўрнимда ўтуруб қори болаларга сабоқ берасиз». Мен айтдим: — «Мун ўқувчи толиби илмман, дарсим нима бўлади?» Кейин қори домла айтдилар: — «Бу Мозорда дарс айтгувчи машҳур зот борлар. Шу зотга сизни топширамиз. Дарсингиз ҳам давом этади».

ХУЛОСА ШУЛКИ, МЕНГА БИР ҲУЖРАНИ очиб берди, икки қори болани муқаррар қилди. Улар менга овқатлар олиб келар эди. Man қори домлани ўринларида гоҳ-гоҳ бирон жойга кетиб қолсалар қори болаларга таълим берар эрдим. Мени қори домла олиб бориб, машҳур домла (Ҳазрати мубарак номлари Мирмуҳаммад Равс Саидзода) деб аталаркан. Шу домлага топшурдилар. Қози домла мендан сўрадилар: — «Бухорода нима дарсдан ўқуғонсиз?» деб. Мен: — «То Шарҳи Муллоға қадар дарсларни ўқуганман» дедим. Мендан Кофияни мадҳаси исмдан имтиҳон қилиб кўрдилар. Мен ҳеч саволларига жавоб беролмадим. Яна мендан илму Сарфдан савол қилдилар. Мунга ҳам жавоб беролмадим. Кейин «Эълолия қилғонмисан сарвларни» деди. Мен: — «Йўқ» деб жавоб бердим. Қози домла айтдиларки: — «Ҳамма ўқуғон дарсингиз бекор экан, бошдан ўқийсан. Сарфи эолияни бир аъми қори бор, ўшандан ўқийсан. Ундан кейин мен сенга Мўзини, Занжони ўқитарман». Мени аъми қорининг олдиға юбордилар. Йигирма тўрт боб Мўзини эълол қилиш керак экан, эълолияни ёд қилиш керак экан. Бир жамоа Сарфни ўқувчиларга мени шерик қилиб қўйди. Эълол тожикча бўлар экан. Man тожикчани камроқ билар эдим. Мен ниҳоят даражада қийналдим. Дафтарга ёзуб юруб ўқуғон дарсимни ёд қилар эдим. Олти ойда эълол қилиб тамом қилдим. Мен кўб ўз ҳолимдан таъсирланиб, Шарҳи Муллоғача ўқуғон бўлсамда, яна қайтиб мубтадийлар қаторида бошдан тушдим. Уч йил қилғон таҳсил ҳаммаси бекор бўлди. Эълолни тамом қилғонимдан кейин Қози домлани олдиларига келдим. Қози домла имтиҳон қилиб кўрдилар: — «Яхши» деб баҳо бердилар. Қози домла олдиларида Мўзини бошладим, андек вақтда Мўзини тамом қилдим. Кейин Занжони ўқудум, уни тамом қилиб, Марроҳил Арвоҳ ўқудум. Бир тарафдин Авомил ўқудум таркиби била ўқуб тамом қилдим, Ҳаракот ўқудум. Кейин Ҳидоятил Наҳв ўқудум. Кейин Кофия ўқудум. Бир йилда шуларни ўқуб тамом қилиб, Шарҳи Мулло бошладим. Менинг бу ўқушум энди бошқача эрди. Дарсларни яхши тушунар эдим. Яхши фаҳмлаб ўқур эдим. Шарҳи Муллонинг иборатларини хатосиз ўқур эдим. Шу билан бирга Мантиқни Исоғувчи Мезонул Мантиқ, Мирқотил Мезонул Мантиқни, Шарҳи бадийи Мезон, Таҳзиб шарҳи билан Шамсия, Қутбия, Суллам шарҳи билан, Бедил шарҳи билан. Мирзо Бедилни Қози домланинг ҳузурларида тамом ўқудум. Дарс нима эканиға энди тушундим. Шу вақтларда дадамиз мени истаб Бухороға келгон эканлар. Бухородан Мозори Шарифга борганимни эшитиб, Мозори Шарифга келдилар. Энди бу орада Мирзо Муҳаммад Қосимбойни топиб, Ҳазрати Эшоннинг омонатларини топшурдим. Мирзо Муҳаммад Қосим хоннинг ўзининг солғон масжиди бор экан. Шу масжиднинг ҳужраларидан бировини менга бериб: — «Шу ерда истиқомат қилинг» деди. — «Сизнинг тамоми заруриётларингиз бизнинг зиммамизда» деди. Мозордан кўчуб Масжиднинг ҳужрасида истиқомат қилдим. Дадамиз келгонларида ушбу масжидда истиқомат қилар эдим. Мана шу йил ўн еттинчи йил бўлуб, инқилоб боши экан. Дадамиз менинг ҳолимни кўруб хурсанд бўлуб: — «Мен сени олиб кетмоқ учун келдим. Энди кўрсам бу жойда тинч дарс ўқуб турубсан экан. Эмди мен сени олиб кетмайман. Шу ерда истиқомат қилаверасан» дедилар. Мени ташлаб кетдилар, холос. Хуллас, икки йил Мозори Шарифда истиқомат қилдим. Рамазон ойларида Мозори Шарифда хатмга ўтдим. Қози домламизнинг талаблари билан ҳовлиларида хатм қилдилар. Унда ҳам хатмга ўтдим. Қози домламиз кўб шогирд қилмас эдилар. Шогирдлари 6—7 дан ошмас эди. Уларнинг ичларида муттадийси мен эдим. Бошқалар ҳаммалари Шарҳи Аъқоид катта дарслар ўқур эрдилар. Қози домланинг шогирдларининг ичларида бир афғон толиби илм бор эдилар. Машҳур Мулло Фақир деб аталар эдилар. Ўзи Шарҳи Аъқоид ўқур эди ва бир ажойиб тарки дунё, жозибалик Художўй зот эдилар. Қози домламиз бу толиби илмни ниҳоятда ҳурмат қилар эдилар. Бир ажойиб вилоятга етгон зот эдилар. Кундузи дарсга келиб, дарс ўқуб бўлуб, кечаси қабристонда ётар эдилар. Бу зотнинг сифатларини айтиб тамом қилиб бўлмайди. Қози домламизга бир ҳодиса бўлуб қолди. У ҳам бўлса, Афғонистондан Бухоро томониға сургун бўлдилар, давлат томонидан. Шу ҳолда ҳамма талабаларга рухсат бердилар, магар уч кишиға рухсат бермадилар. Бири Мулло Фақир: — «Мени бирла борасан» дедилар. Менга ҳам рухсат бермадилар. Бухороға кетишга мажбур бўлдик. Қози домламизнинг фарзандлари йўқ эди. Бир ўғуллари олим бўлуб, илмни тамом қилғондан сўнг ўн саккиз ёшида вафот қилгон эканлар. Шу боланинг фироқида онаси ҳам вафот қилғондан кейин Қози домла бир аёлни олдилар. Бундин ҳали бола бўлмаґон. Шу аёлларини бирґа олиб, у аёлнинг укаси қайноғалари бирла бизлар икки киши бешта отға минґон ҳолда Аму дарёдин ўтуб Қаршиґа келдик. Қаршида бир уч кун туруб, Бухороґа келдик. Ҳазрати Баҳоваддинни зиёрат қилиб, хотунларини бир шайхнинг уйиґа қўйиб Қози домламиз, мулло Фақир, мен уч киши Бухороґа келдик. Бухорода Афғонистондан келиб қолґон бир киши, шу одамнинг ҳовлисида меҳмон бўлдик. Бу одам маддоҳлик қилар экан. Лаби Ҳовуз, Девонбегида сўз қилар экан. Ўтган толиби илмларґа хабар бериб: — «Бир алламои замон Афґонистондан келґон, ҳарким дарс ўқуса, бизнинг уйґа борсунлар» деб. Андек вақтда Қози домла машҳур бўлуб кетдилар. Амир Бухоронинг бир вазирлари бор эканлар. Мир Салим деган. Қози домлаґа мухлис бўлуб, бир ҳовлиґа тушурди. Қози домла аёлларини олиб келиб шу ҳовлида истиқомат қилдилар. Жамоа-жамоа бўлиб талабалар дарс бошладилар. Қози домла тўрт ой Бухорода дарс айтганларидан сўнг ёз бўлуб, Бухоро иссиқ бўлуб кетди. Шунда Мулло Фақир Қози домладан рухсат олиб, яна Афґонистонґа қайтиб кетди. Қози домла Бухоронинг ҳавоси иссиґи ёқмай, иситма касали бўлуб қолдилар. Тошкентдан келґон савдогар бойлар Қози домлани Тошкентґа таклиф қилди. Қози домла мени олиб Тошкентґа кетдик. Аёллари Бухорода қолди. Тошкентнинг ҳавоси ёқиб, касалдан тузук бўлуб қолди. Ҳалиґи таклиф қилґон бойлар Қози домладан илтимос қилишди. Тошкентда турунг дейишди. Кўкалдош мадрасасида дарс айтишґа муқаррар бўлдилар. Кейин ҳовли топиб бердилар. Аёлларини ҳам олиб келдилар. Шу вақтда Афґонистон подшоси ўлдурулуб, ўрниґа боласи Омонуллоҳ деґан ўґли подшоҳ бўлди. Бу подшоҳ Совет ҳукумати билан битим-тузуб, консул юборди. Тошкентґа консул Қози домлани чақириб, подшоҳнинг фармонини берди. Қози домлани қайтиб Афґонистонґа подшоҳ талаб қилди. Консул айтди: — «Сизґа йўл ҳарожоти берамиз, қайтиб Афґонистонґа борасиз». Шу билан Қози домла хотунларини қайноґолари билан қолдириб, мени олиб икки отґа миниб Кобулґа жўнадик. Кобулґа борґондан кейин Қози домлани подшоҳ ҳузуриґа чақириб, Жалолобод шаҳриґа «Қози» қилиб юборди. Мен бирла Қози домла Жалолобод шаҳриґа кетдик. Кобулда турґан вақтимизда Қози домлани отлари бор эди. Саройґа бойлаґон. Man минґон отни сотдик. Қози домла минґон отни қолдирдик. Бир кун шу турґон саройґа Мулло Фақир кириб келди, Қози домлани зиёрат қилди. Қози домладан илтимос қилдики: — «Мени турґон қишлоқда ҳам хашак сероб, қорини ҳам олиб, отини ҳам олиб қишлоқґа олиб борсам, бир ой олиб турсам, от ҳам яхши семириб қолар эди». Қози домла: — «Хўп» деб рухсат бердилар. Кобул шаҳридан, бир ўттуз километр ташқарида, тоґнинґ ичида «Сабз» деґан қишлоқ экан. Шу қишлоқда бир ой турдик. Обу ҳавоси жуда яхши экан, салқин, тоґдан сув тушади, қиҳоятда совуқ, тутлар пишґон вақти экан. Мулло Фақир масжидда ибодат қилиб ўтирар экан. Қишлоқ халқи бола-чақаси билан мухлис экан. Бир ойдан кейин қайтиб Кобулґа келдик. Мулло Фақир яна хайрбод қилиб ажраб қолди. Қози домла Жалолободґа қози бўлґонидан кейин йўлда бир қишлоқда Нақиб Соҳиб деґан бир Пир бор экан. Ўзлари араб, Баґдоддан келґон эканлар. Қози домла Нақиб Соҳибни зиёрат қилмоқ учун шу қишлоқґа келдилар. Пир боґларида ўтирґан эканлар. Бу Пирґа подшоҳ ҳам мурид экан. Кириб зиёрат қилдик. Қози домла Нақиб Соҳиб билан арабча сўзлашдилар. Бир соат суҳбат қилдилар. Кейин рухсат олиб Жалолободґа жўнадик. Қишлоқ аҳлининґ ҳикоя қилишича бу зот «Соҳиби Каромат» эканлар. Жалолободда Қози домламизґа давлат тарафидан ҳовли берилди. Қози домламиз кундузи маҳкамаґа борар кечқурун мен овқат тайёрлаб турар эдим. Эрта била менинґ дарсимни айтиб маҳкамаґа кетардилар. Шу тариқада тўрт ойдан кейин Қози домланинґ аёллари ҳам подшоҳнинґ ҳарожоти билан Тошкентдан етиб келдилар. Қози домламизнинґ хос ҳузурларида мендан бошқа ўқувчи йўқ. Қози домламиз шундоґ адолатлик қози бўлдиларки, иккинчи Абу Юсуф десак бўлар эди. Адолатлари шу даражада эдики, мен бир кун бозорґа бориб, Қози домланинґ отлариґа бешўн боґ беда олдим. Бирон ҳаммол бўлса, кўтартириб олиб кетаман деб турґон эдим. Бир одам келиб: — «Мен олиб боруб бераман» деб бедани кўтариб бормоқчи бўлди. — «Неча пул оласиз» десам, — «Йўқ, Қози домлаґа хизмат қиламиз» деб, бедани бекорґа обормоқчи бўлди. Бедани кўтартириб, ҳовлиґа олиб келдим. Бедани ерґа қўйиб турудик, Қози домла чиқдилар. Кўруб, чақириб олдиларига: — «Неча пулґа баҳо қилдинґ». Мен айтдим: — «Бу одам бекорґа олиб бораман» деди. Қози домланинґ котиблари турґан эди. Сўрадиларки: — «Бозордан ҳовлиґача кўтариб келґон бедаґа қанча ижара берилади?» Котиб айтди: — «Икки танґа бўлади», деди. Менґа айтдилар: — «Икки танґа тўла» дедилар. Мен икки танґа бердим, ул одам олмади. Котибґа айтдилар: — «Ур дедилар икки тарсаки, урдилар, олмайсанми? Ол пулни, иккинчи бул кўчада қадаминґни қўймайсан, агар қадаминґни қўйсанґ, сени қамаб қўяман» Мен ҳайрон қолдим. Ул одам: — «Хўп» деб икки тангани олиб жўнаб қолди. Кейин мен ҳайрон бўлдимки, бу одам яхшилик қилса, жазо берилди, сабаби, бу одамнинґ маҳкамада жанжали кетияпти. Бу шунинґ учун алоқа қилмоқ учун сенинґ бедангни кўтариб олиб келґон бу ерґа. Қози домла маҳкамаґа боратурґонларида олдиларида икки аскар йўлдаґи одамларни: — «У ёққа тур, бу ёққа тур» деб кетар эди. Маҳкамаґа қози ўтуб кетґунча кўчада машина, араба тўхтайди. Қозининґ ҳайбати бу ерда кўрунуб туради. Кийимлари, бошларидаґи кийимлари ҳаммаси бошқача кўрунуб турар эди. Бу Жалолобод шаҳрида энґ юқори турґон амалдор ноиб — тўртта қози бўлар эди. Энґ юқори қози бизнинґ қози эдилар. Рамазон ойи келди. Ноиб соўларнинґ ўрдасида хатм бошланди. Қози домламизни хатмґа таклиф қилиб, қоґоз келди. Қози домла менґа айтдилар: — «Сен ҳам мени бирла боргин, хатмни томошо қилиб келасан». Ўрданинґ дарвозасининґ тагиґа келґонда қози домлани ичкариґа рухсат берди. Менґа рухсат бермади. Тўхтатиб қўйди, чунки менда чақирув қоґози йўқ. Қози домла лашкарґа айтдилар: — «Менинґ кафшимни ушлаб турадурґон хизматкорим бўладур», дедилар. Ичкариґа кирдим. Ўрданинґ ўртасида масжид бор экан. Масжидда намоз ўқуґувчилар ҳаммаси улуґ одамлар. Хулоса шулки, хатмґа ўтуб турґон қори ниҳоятда хом экан. Ўтуб туруб кўп хато қилар экан. Орқасида сомеъ йўқ. Man луқма беришґа мажбур бўлдим. Бир тасбеҳда кўп ерда хато қилди. Man луқма бердим. Тасбеҳ тамом бўлґондин кейин шаҳарнинґ ҳокими мени таклиф қилди. Биллоҳ, то охири хатмни тамом қилдим. хатмда турґонлар кўп хурсанд бўлуб, рози бўлушди.

ҚОЗИ ДОМЛАМИЗ ШУ ШАҲАРДА УЧ ЙИЛ Қози мансабида туруб вафот этдилар. Менґа васият қилиб айтдиларки: — «Мени ерґа дафн қилґондан кейин, менґа бир хатми Каломуллоҳ қилиб, савобини бағишлагайсан, қолґон илмни Ҳиндистонґа боруб, тамом қилґил

Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

РЎШНОЛИК ОЛ!

МУСТАҚИЛЛИК ГУРУНГЛАРИ

ЯҚИНДА МАҲАЛЛАМИЗ ЧОЙХОНАСИДА бўлган гурунгда қатнашиб, хийла ибратомуз гаплар гувоҳи бўлдим. Гурунг маҳаллани, қабристонни обод қилиш, чекка хонадонларга ҳамон етиб бормаган табиий газ, сув қувурларини тезроқ ўтказиш устида кетди-да, ўз-ўзидан жумҳуриятимиз мустақиллиги масалаларига бориб тақалди. Оқ тўр дўппи мулланамо суҳбатдош:

— Мустақиллик зап иш бўлди-да. Аллоҳнинг биз бандаларига берган неъмати бу! — деса, қариялардан бири:

— Нимасини айтасиз, домлажон, ўйлаб тушимизга кирмаган ишлар бўлди! — дейди.

Домлага бу гап унча ўтиришмадими:

— Сизга айтсам, оқсоқол, бундай кунлар келиши одамларнинг азал орзуси бўлган-у, аммо етишишга йўллар берк эди-да. Энди очилди. Ахир қўл-оёғимиз боғлиқ эди-да. Ҳар томондан марказга тобе эдик. Нима иш қилсак Москванинг инон-ихтиёрига, қош-қовоғига қараб қилардик. Ўзимиз пешона тери билан етиштирган оқ олтину, қизил олтинларимиз, бошқа бойликларимиз ўзимизга асқотмасди. Балки ейиш-ичишимиз етарли бўлган кезлардаям эркимиз чекланганди. Бемалол яшаш, ўз билгимизча ҳаракат қилиш, дилимиздагини тилимизга чиқариш имконига эга эмасдик. Халқимиз миннатли ошдан беминнат мушт яхши, дейди. Эсларингда бўлса, ҳазрати Навоийнинг тутқинликдаги булбул тимсолида:

«Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш» дегани бежиз эмас. Тўғрими?..

Индамасдан, олдига келган чойнак чойни қайтариб ўтирган учинчи суҳбатдош домлага истеҳзоли нигоҳ ташлади-да:

— Шундайку-я, лекин нега ўзгариш бўлмаяпти, домлажон? — деди томдан тараша тушгандай қилиб.

— Нимани кўзда тутаяпсиз, уста? — Домла қизикди. Бутун важоҳати турмуш уринишларидан эзилганини кўрсатиб турувчи бу қадоқ қўлли меҳнатчининг ичидагини уққандай бўлди домла. — Сиз балки тирикчилик тарафини кўзда тутаётгандирсиз-а?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, домла... — Уста қозон қайнатиш қийинлашиб бораётгани, жўжа бирдай жонга ғер-ичардан тортиб усти-бош ва ошқа эҳтиёжлар ортиб бораётгани, корхонада ишлаб топгани рўзғорга урвоқ бўлмаётганини яшириб ўтирмади.

— Тушунарли, — деди оқсоқол сўзга аралашиб. — Бозорда нарх-наво одамни чақиб олгудай. Гўдакларнинг оғзига мазалироқ томоқ тутай, мева-чева едирай десангиз, эҳ-ҳе қани ёнига йўлаб бўлса! Ҳамма нарсада тахчиллик сезиляпти.

— Баримиз кўриб турибмиз бу тахчилликларни, биродарларим. Фақат буларнинг сабаблари мустақилликда деб ўйламанглар. Сабаблари жуда чуқур. Илгари турмушимиз, боя айтганимдай, ҳар жиҳатдан бўғилиб, боши берк кўчага кириб қолганди. Уни катта йўлга олиб чиқаман деб қайта қуриш бошлашди. Қанчадан-қанча ўзгаришлар, ислоҳатлар, бошқа алғов-далғовлар кечди.

— Бу йўлда ҳар хил корчалонлар оғир хаталаргаям йўл қўйишди, деяверинг, домлажон.

— Гапингизда жон бор, хатолар бўлмаганда бозор иқтисоди деган нарса осонроқ кўчарди, дейишади донолар. Эҳтимолки, эскирган бинони қайта қураман, деб, ўйламай-нетмай уни буткул вайрон қилиб юборишдими, буни тушунишга ақлимиз ожизлик қилади. Фақат шу нарса аён бўлиб қолдики, турмушни тушкунликдан чиқаришнинг бирдан бир чораси — мустақилликка ўтиш экан. Энди бутун умид шундан, биродарлар.

Суҳбатдошларнинг ўз оғзига савол назари билан тикилиб қолганларини кўриб, домла давом этди:

— Мустақиллик, жўн қилиб айтганда, тепадан бировларнинг амр-фармойишини кутиб ўтирмасдан, ўз ихтиёрингг ва ақлинг билан иш юргиза олиш, ўзингча фикрлаб, ўз ҳолингча яшай билиш дегани экан-да. Худога шукур, шу йўлда дадил одим ташладик. Илгари қарамлик кайфиятига берилиб, ғафлат уйқусида мудраган бўлсак, энди кўзимиз ланг очилди, теварак-атрофимизга серқўлик назар ташлашни ўрганяпмиз. Кўз тегмасин, жумҳуриятимизнинг дастлабки қадамлариёқ дунёни диққатини ўзига тортди. Ўзбекистонни илгари оёқ учида кўрсатиб келишган бўлса, энди уни тез олган давлатлар бир юз йигирмадан ошиб кетди. Халқимизнинг янги тузумга астойдил киришганини кўрган хорижий дўстларнинг анчаси бизга ёрдам қўлини чўза бошлади. Булар орасида, биласизларми, жаҳонга донг таратган ўша Америка, ўша Япония, ўша Туркия...

— Биламиз, домлажон, булар бари юртимизга чинакам озодлик келганининг шарофати, — деди тўлқиниб оқсоқол, — Ўзбекистонимизни энтузиаст, ўз тили, ўз дини, ўз байроғи, ўз муҳри, ўз армияси, ўз тарихи, борингки, ўз расм-русумлари, ўз тўғи овозига эга мустақил давлат деб ҳамма тан олаётгани, бу билан фахрланса арзийди. Бундан буёғи бутун гап мустақилликни тагзаминини пухталаб олишимизда қолган, деб ўйлайман.

— Тўғри ўйлайсиз, оқсоқол. Мана бамисоли янги бир оила юзага келяпти, денг. Унга турар-жойдан тортиб уй анжомларию қозон-товоққача жамики нарсани бутлаб бериш керак, токи бу оила ўз турмушини қийналмасдан юргизиб юборолсин. Буёғи оила аъзоларининг тотув, иноқ бўлиб баравар ҳаракат этишига боғлиқ. Жумҳуриятимиз мустақиллигини тўла-тўкис йўлга қўйиш учун ҳам бутун халқ бир ёқадан бош чиқариб, ғайрат билан меҳнат қилиши лозим бўлади. Очиғини айтсак, шоли бекурмак бўлмайди, дейдилар, халқ орасида ўз ғаразли манфаатини кўзлаб, подани булғатиб юрувчи ғаламислар ҳам учраб туради. Улар бозор иқтисоди билан боғлиқ мушкулликларни рўкач қилиб, кишиларда норозилик, тушкунлик кайфиятини қўзғатишади, ўртага нифоқ уруғини сочиб тартибсизлик келтириб чиқаришга уринишади. Бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака кўтарилади, деган гап бор. Ғаразгўйлар билишмайдики, халқнинг кўзи очилди, кўпдан орзу қилган мустақиллик йўлига астойдил қадам қўйди, бу йўлдан қайтмайди асло!

— Менимча ,— деди домланинг ҳаққоний сўзларига маҳлиё бўлган уста, — савдо-сотиқда беш қўлини баравар оғзига ураётган очопатлар бор, уларнинг зарарлари сиз айтаётган ғаламисларникидан оз бўлмаса керак. Ахир илгари енг ичида иш битириб юрган олғирлар, учарлардан айримлари бир юмалаб тусини ўзгартволибди. Нима эмиш — «тижоратчи», «воситачи», «ишбилармон»... У ёқдан кириб бу ёқдан чиқиб меҳнаткашлар нонини туя қилиб, киссасини шилишдан бошқа ғамлари йўқ. На худодан қўрқади улар, на бандасидан. Эшитиб, кўриб турибмиз, ҳукумат не-не машаққатлар билан халққа ризқ-рўзини топиб келиш тадорикини кўрса, юлғичлар унинг баракасини учириб юбораверса, халталаб, коплаб ўмарганлари етмагандай, машиналаб, вагонлаб четга оширишни кўзлашса! Ахир ўша харомхўрларнинг пайини қирқиб, чайқовчиларнинг танобини тортиб қўйиш учун кўриладиган чораларни кучайтирилса бўмийдими-а?

— Бу саволингизга, устажон, яқинда бўлиб ўтган жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида яхши жавоблар бўлди. Кенгаш қарорларидаям, депутатларнинг сўзларидаям, президентимиз Ислом Каримов нутқидаям. Иқтисодий тангликдан тезроқ қутулиш, халқнинг ҳаққи-ҳуқуқини ноинсофлар ҳамласидан ҳимоя қилиш, чинакам адолатли ҳаёт ўрнатишлик тадбирлари белгиланди. Иннайкейин Олий Кенгашнинг жумҳурият аҳлига мурожаатини ҳам эшитгандирсизлар-а? Ундаям ўғил бола гаплар айтилган: мустақиллик йўлидаги саъйи-ҳаракатимиз ботроқ рўёбга чиқсин десак, аваало тартиб-интизомни, масъулиятни сақлайлик, ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олайлик, баъзибир ғаламисларнинг сувни лойқалатишига йўл қўймайлик, дейилган.

— Эшитдим буларни радиода, — деди оқсоқол, — президентимиэнинг юракдан чиқариб айтган дангал гаплари менга ёқиб тушди. Биз бозор иқтисодини амалга оширганда, ночор кишиларимизнинг кўз ёшлари оқишига йўл қўймаймиз, дедилар. Мен одамларимизга айтгим келади: Эй, биродарлар, президентимиз, ҳукуматимиз тинмай бизнинг ғамимизни ейишяпти. Кейинги ойларда турли касбдаги меҳнаткашларнинг маошларини, нафақаларимизни ошириш ҳақида яхши фармонлар чиқди, зарур озиқ-овқатларни, камёб молларни ўмариб четга ошираётганларни йўлини тўсишда ҳам чора-тадбирлар кучайтириляпти. Нолумид шайтон, дейдилар. Айрим фуқароларимизда ношукурчилик ҳам йўқ эмас: тўкисгина бошпанани, суправда уни, ғалладонда мош-гуручи бўлатуриб, эртага нима ейман деб қақшаб қўйишади. Эртанги фаровон кунларга умид боғлаб, раҳбарларимизнинг мустақиллик йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турсак, қийинчиликдан қутула боришимиз турган гап. Фақат мен дилимдаги бир гапни тилимга чиқаргим келади: азиз дўст-ёрлар, рўзғоримга барака кирсин десанглар, исрофгарчиликнинг олдини олинглар. Сувдан тортиб тузгача жамики нарсада тежамкорлик бўлсин. Ониқ гап, баъзибир бебилиска даромад топган, пўконидан ел ўтмаган одамлар, шундоқ тақчиллик замонидаям исрофгарчиликка йўл қўйишяпти. Уларга тахассуб билан айрим бечора ҳоллар ҳам орзу-ҳавас йўлида қарз-ҳавола қилиб ўзларини қийнашяптилар. Тўй-ҳашамлардагинамас, азаларда ёки бекорчи халфаналарда ҳам тўкис дастурхон ёзиб, ош-нонни ортиқча сарфлашяпти. Барака топкур аёлларимиз тоғораларда тавонлар, халталарда ош хомлари ташишни тарк этишмаяпти. Бу каби ордиқча даҳмазалари билан эркак зотининг силласини қуритаётганликлари билан ишлари йўқ. Буларни кўрганда: Ҳе, яхшилар, уволдан қўрқинглар, куясига учраманглар, дегинг келади. Биз турмушимизда буткул янгича тартиб ўрнатамиз десак, бидъат-хурофотларга тезроқ барҳам беришимиз керак!

ХАММА НАРСАНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ, борига шукур қилиб, сабр-бардош билан, қўлни кўлга бериб иш олиб борсак, охири бахайр бўлишига имонимиз комил. Меҳнатсиз роҳат йўқ. «Жон чекмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда!» деб бекорга айтишмаган. Яна шуниям унутмайликки, одамга иқтисод, моддий озуқа қанчалик зарур бўлса, маънавий озуқа ҳам шунчалик зарур экан. Ақл-идрокли, имон-эътиқодли, меҳр-шафқатли инсонлар кўпайган сари мақсад-ниятларимиз тезроқ рўёбга чиқиши турган гап. Халқимизнинг асрий орзуси — мустақилликка етишиб олган эканмиз, инон-ихтиёримиз, қўлимизга теккан экан, бундоқ улуғ неъматни берган худо қолганини ҳам берар деб ишонамиз. Ота-боболаримизнинг «Рўзинғни сот, рўшнолик ол!» — деган доно ўгитларини асло ёддан чиқармайлик!..





ЖАЗИРАМА

С. МАҲКАМОВ суратга олган

КОМИЛ ИНСОН КИМ?

Шайх Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий XIII асрда яшаб ўтган Ўрта Осиёлик атоқли файласуф олим. У ҳозирги Қарши шаҳрида (илгариги Насаф) туғилиб, Бухорода таълим олган. Диний илмларни, юнон ҳикмати ва тасаввуфни чуқур ўзлаштиргандан кейин, шайх Саъдиддин Ҳамавий қўли остида тариқат сулукини адо этган. Мўғул-татарлар тўдаси Бухорога яқинлашганда Азизиддин шаҳарни тарк этади (1223 йил). У шаҳарма-шаҳар кезиб, ғарибликда кун кечиради. Эроннинг Баҳриобод шаҳрига бориб, ўз пирининг ҳокини зиёрат қилади. Шероз ва Исфаҳон, Ҳамадон ва Тус шаҳарларида истиқомат этади ва билохир Абрқўҳ шаҳрида вафот этади. Тадқиқотчилар унинг вафоти XIV аср бошларига тўғри келади, деб тахмин қиладилар.

Азизиддин Насафий катта назариётчи олим сифатида ном қозонган. Тасаввуф, калом ва ҳикмат билан шуғулланиб, бу борада аниқ қарашларга эга бўлади; у биринчи бўлиб Шарқ фалсафий оқимларини уч қисмга ажратиб ўрганган. Чунончи унинг фикрига кўра, Шарқда бир-бирига вобаста ва бир-бири билан мухолифатда тараққий этиб келган қуйидаги илмлар бор: илми калом, илми ҳикмат ва илми ваҳдат, яъни тасаввуф. Олим, гарчи ўзи тасаввуфга мойил киши бўлса-да, бироқ қолган оқимларни ҳам холисона ўрганган, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймай, балки уларни солиштириб, умумий жиҳатларини очиб берган. Азизиддин Насафийдан кўп асарлар мерос қолган, унинг ҳамма асарлари форс тилидадир. Олимнинг доимий диққат марказида турган масала — бу инсон ва унинг камолоти масаласидир. Шу боис тасаввуфнинг комил инсон концепцияси Азизиддин фикрини ҳамиша банд этиб келган, бу масалани у атрофлича ўрганиб чиққан. «Кашфул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар кашфи»), «Мақсади ақсо» («Сўнгги мақсад»), «Зубдатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») рисолаларида шу мавзу устида тўхташдан ташқари, махсус «Инсони комил» деган рисола ҳам ёзган. Олимнинг яна «Усул ва фуруъ» («Усуллар ва шохлар»), «Баён ат-танзил» («Нузул баёни»), «Манозил ассоирин» («Сайр этувчилар манзили»), «Мабдаъ ва маод» («Манбаъ ва қайтиш жойи») каби асарлари бор.

Қуйида олимнинг «Инсони комил» рисоласидан айрим парчаларни таржима қилиб келтираяпмиз.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори

Сўз Ҳаммиз?

Шайх Азизиддин НАСАФИЙ

КОМИЛ ИНСОН

СУФИЙЛАР ДЕЙДИЛАР: «Инсон кичик оламдир (олами сағирдир) ва ақл бу оламнинг одамидир ва жисм Ҳавводир ва қўрқув иблисдир ва шаҳват товусдир ва ғазаб илондир. Ва яхши ахлоқ жаннатдир, ва ёмон ахлоқ — дўзах ва ақл қувватлари, руҳ қувватлари ва жисм қувватлари малоиклардирлар».

Жабарутий одам бошқа, малакутий одам бошқадир ва мулк одами бошқадир ва тупроқ одами бошқадир. Жабарутий одам мавжудотнинг аввалидир, шу сабабданким, мавжудотнинг барчаси жабарутдан келиб чиққандир. Ва малакутий одам малакут оламининг аввалидир ва ул Ақли аввалдир, чунки малакут олами ҳаммаси Ақли аввалдан пайдо бўлганлар. Ва мулк одами мулк оламининг аввалидир ва у Фалаки аввалдир, шу сабабданким, барча нурлар жабарутнинг машриқ томонидан чиқадилар. Ва тупроқ (Ер) одами илмларнинг мазҳари (зуҳурланадиган жойи) ва нурларнинг ўчоғидир ва у комил инсондир, чунки илмларнинг барчаси комил инсондан пайдо бўлгандир.

Эй дарвеш! Тупроқ одами нурларнинг мағрибидир, зероким, бутун нурлар жабарутнинг машриқидан чиққанлар ва тупроқ одамига келиб тушганлар. Энди эса нур тупроқ одамидан зоҳир бўлур (шу боис) қиёмат куни офтоб мағрибдан чиқар.

...Билгилки, етти дўзах ва саккиз жаннат бор. Ҳар бир жаннат муқобиласида битта дўзах бор. Аммо биринчи жаннат муқобиласида дўзах йўқдир, Одам билан Ҳавво шу биринчи жаннатда эдилар. Бу жаннатда вужуд (жисмлар) йўқ эди ва зиддиятлар йўқ эди, шу боис муқобилада шайтон йўқ эди... Иккаласи (Одам ва Ҳавво) бу биринчи жаннатдан чиқарилдилар ва адам (йўқлик) осмонидан вужуд заминига келиб тушдилар. Хитоб бўлдиким: ё Одам, бу иккинчи жаннат соф руҳларнинг жойидир, унда сокин бўл, чунки бу ерда очлик ва чанқоқлик йўқдир ва иссиқ-совуқнинг азоби ҳам йўқдир. Мизож (тўрт унсур) дарахтига яқинлашма, чунки агар мизож дарахтига яқинлашсанг, бу иккинчи жаннатдан чиқишга тўғри келади. Агар бу жаннатдан чиқсанг, бадбахт бўласан, яъни муҳтожликка учрайсан, очлик пайдо бўлади ва ташналик юз беради ва ялангоч бўласан ва иссиқ-совуқнинг азоби қийнайди. Мизож дарахтига яқинлашдилар ва иккинчи жаннатдан қувилдилар ва учинчи жаннатга кирдилар. Ва учаласи (учинчиси иблисдир) тафрид (ёлғиз руҳ) осмонидан таркиб (жисмлар) заминига етдилар ва учинчи жаннатда муҳтож бўлдилар ва очлик, ташналик ва ялангочлик уларни қийнади. Ва бу учинчи жаннат гўдаклар ва аблаҳлар жаннатидир. Яна хитоб бўлдиким: Ё Одам, шу учинчи жаннатда яшаб тур, чунки бул учинчи жаннатда неъмат кўпдир ва сенга монеълик йўқ ва даъво, мулоҳаза, талаб йўқдир. Ақл дарахтига яқинлашма, агар ақл дарахтига яқинлашсанг, бу учинчи жаннатдан ҳам чиқишга тўғри келади. Ва агар учинчи жаннатдан чиқсанг, золим бўласан. Ақл дарахтига яқинлашдилар... ва учинчи жаннатдан чиқарилдилар ва тўртинчи жаннатга кирдилар.

Эй дарвеш! Улар шунинг учун золим бўлдиларки, ақл дарахтига яқинлашмагунча кулфатли эмас эдилар ва улар учун ҳалолу ҳаром вожиб эмас эди. Ва даъво билан талаб йўқ эди... Ақл дарахтига яқинлашгандан кейин кулфатга гирифтор бўлдилар ва амру наҳий (буюрилган ва манъ қилинганлар) содир бўлди. Энди агар амрга итоат этиб, наҳийдан парҳез қилмасалар, золим бўладилар, яъни ўз- ўзларига зулм қиладилар. Эй дарвеш, иккинчи жаннатдан уч киши бадарға бўлдилар: Одам, Ҳавво ва шайтон. Учинчи жаннатдан эса олти киши чиқдилар: Одам, Ҳавво, шайтон, иблис, товус ва илон. Одам — руҳдир, Ҳавво — жисм, шайтон — табиатдир, иблис — қўрқув, товус — шаҳватдир ва илон — ғазаб.

...Билгилким, олами кабир (катта олам)нинг аввали бир жавҳардан иборат, худди олами сағир (кичик олам)нинг боши бир жавҳар бўлганидай. Кичик олам бошининг жавҳари нутфадир (инсон уруғи) ва кичик оламда мавжуд бўлган ҳар бир нарса нутфада мавжуддир. Ва нутфа оламида бўлмаган марсанинг кичик оламда бўлиши маҳолдир. Эй дарвеш, агарчи мавжудотнинг ҳар бир қисми бу нур сифатининг мазҳаридир, аммо иккита мазҳар бағоят кучлидирлар: бири инсони кабир (улуғ инсон), иккинчиси инсони сағир (кичик инсон). Инсони кабир қудрат мазҳаридир ва инсони сағир илм мазҳаридир, яъни фалаклар, юлдузлар ва аносир (тўрт унсур) қудрат мазҳаридирлар ва комил инсон илм мазҳаридир.

...Билгилки, инсонлардан баъзиси шундай хосиятларга эгаки, бошқаларда бу хислат йўқ. Ва одамизоднинг ҳам мавжудотнинг ҳар бири бирор хосиятга эгадир. Одамлардан баъзиси шундайки, кимни кўрсалар ёхуд кўрмаган бўлсалар ҳам унинг номи, ота-онасининг номи, қариндош-уруғларининг номини айтиб берадилар ва унинг ўтмиши ва келажагидан хабар берадилар ва бунинг бари тўғри чиқади, ёлғони бўлмайди. Бу тоифа кишиларни номғўйлар ва номжўйлар (номни айтувчилар) деб юритадилар. Ва яна одамлардан баъзиси шундай хислатга эгаки, назарларига бирор нарса тушса ва ёқиб қолса, у нарса албатта зарар кўради ёки ҳалок бўлади. Бу тоифани ёмон кўзлилар ва касофат келтирувчилар дейдилар. Ва яна баъзилар шунақаки, тилларига бир нима келса, ўша нарса дарҳол муҳайё бўлади ва бу тоифани тили қоралар дейдилар. Ва яна одамлардан баъзилари шундайки, энг қийин илмларни, агар жидду жаҳд билан киришсалар, бир кунда ўзлаштириб оладилар ва ҳар қандай мушкул ҳунар ёки санъатни бир кунда ёки ўн кунда ўрганадилар ва ўрганган илмлари, ҳунарларини ҳеч вақт унутмайдилар.

...Билгилки, комил инсон шундай инсонки у шариат, тариқат ва ҳақиқат борасида етукдир ва агар буни тушунмасанг, бошқа ибора билан айтай: билгилки, комил инсон деб шундай инсонни айтамизки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни: яхши сўз, яхши амал, яхши ҳулқ ва маърифат. Унинг тили поку дили пок, иши ва ниятлари покдир. Эй дарвеш, илоҳ йўлини қабул этган жами соликлар шуни (эгаллаш билан) машғулдирлар ва соликларнинг вазифаси ана шу тўрт нарсани камолга етказишдан иборат. Кимки бу тўрт нарсани камолга етказса, ўзи ҳам камолга етади. Дареғким, кўп одамлар бу йўлга кирдилар, аммо гирдобларга ғарқ бўлдилар ва мақсадга етолмадилар, муродлари ҳосил бўлмади.

КОМИЛ ИНСОН НИМА ЭКАНИНИ БИЛДИНГ, энди билгилким бу комил инсоннинг исм-сифатлари (белгилари) кўпдир, турли исмларни эътибор юзасидан унга нисбат берадилар ва бунинг барчаси тўғридир. Эй, дарвеш, комил инсонни шайх ва раҳбар, ҳодию маҳди дейдилар. Ва доно ва болиғ (балоғат чўққиси) ва комил ва мукаммал ва имом ва халифа ва қутб ва замон эгаси деб улуғлайдилар. Ва жаҳонни кўрсатувчи жом ва оламни кўрсатувчи кўзгу ва улуғ тарёқ ва иксири аъзам дейдилар. Ва уни ўликни тиргизувчи Исо ва ҳаёт сувини ичган Хизр ҳам дейдилар. Ва Сулаймон дейдилар, чунки қушлар тилини билади ва деву парига шоҳдир. Ва бу комил инсон ҳамиша оламда бордир, аммо биттадан ортиқ эмасдир, шу учунким мавжудот гўё бир шахс кабидир ва комил инсон бу шахснинг қалбидир. Бас, комил инсон ҳамиша оламда бордир ва қалб биттадан ортиқ бўлмаганидай, комил инсон ҳам биттадан ортиқ бўлмагай. Оламнинг бу ягонаси дунёдан ўтса, бошқаси унинг мартабасига етади ва унинг ўрнида ўтиради, токи олам қалби доимо тирик уриб турсин.

...Мулк, малакут ва жабарут оламларида ҳеч нарса комил инсон кўзидан яширин қолмайди. Барча ашёнинг моҳиятини ва ашёлар ҳикмати моҳиятини туб-тубигача билади. Одамлар коинотнинг қаймоғи ва хулосаси ҳамда мавжудот дарахтининг мевасидирлар, комил инсон эса одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хулосасидир. Мавжудот ҳам сурат ва ҳам маъни юзасидан биратўла комил инсон назари остидадир. Чунки меърож (кўтарилиш) ҳам сурат ва ҳам маънига кўра бу тарафдандир (инсон тарафидандир).

Эй, дарвеш, комил инсон илоҳиётни таниб, Худойи таоло дийдорига етгандан кейин халққа роҳат етказишдан улуғроқ тоатни билмагай ва ҳеч бир ишни бундан ортиқ кўрмагай ва одамларга эҳсон қилиш, бир фойдали сўз айтиш ёки фойдали иш қилишдан ўзга роҳатни билмагай. Токи одамлар у айтган йўлдан юриб, буюрган ишни қилиб, дунёда осонроқ яшасинлар ва дунёнинг балову фитналаридан эмин бўлсинлар ва охиратда азоблардан қутулсинлар. Кимки шундай қилгай, у набиларнинг ворисидир.

...Эй дарвеш, комил инсон халқ орасида ростликни барқарор этиш ва ёмон одат-русумларни халқ орасидан кўтариш ва одамлар ичида эзгу қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни худо йўлига чорлаб, охиратни таъриф-лаш ва дунёни мазаммат қилиш, дарвешлигу хоксорликнинг фойдасини кишилар онгига етказишни энг яхши ибодат деб билади. Токи кишилар қалбида дарвешликка муҳаббат уйғонсин ва шаҳват, бойликка нафрат пайдо бўлсин. Комил инсон яхшиларга жаннат неъматини, ёмонларга эса дўзахни соғинади, одамларни бир-бирларига муҳаббатли ва мушфиқ қилиш учун курашади, токи одамлар бир-бирларига озор етказмасинлар ва бир-бирларининг ўринбосарлари бўлсинлар. Буюради, токим одамлар тиллари ва қўллари билан бир-бирларининг тинчлиги ва омонлигини таъминласинлар ва шунга аҳду паймон қилсинлар ва бу аҳдни бузмасинлар, агар бузсалар — имонсиздирлар.

...Билгилки, ғайб оламидан равона бўлган ҳар бир ато (эҳсон) ёки бало шаҳодат оламига (моддий дунёга) келиб етгунча комил инсон қалбида пайдо бўлади ва у ушбу ҳолдан хабардор бўлади. Бошқалар тушида кўрадиган нарсаларни у ўнгида кўради. Эй дарвеш, дарёи муҳит — уқёнусда оламни кўрсатувчи кўзгу ўрнатганлар, деб неча бор эшитгандирсан, уқёнусда нима воқеа-ҳодиса юз берса, нимаки пайдо бўлса ўша кўзгуда кўринади, дейдилар. Бу уқёнус Ғайбнинг ғайб оламидир ва бу кўзгу эса — комил инсоннинг қалбидир. Ғайбнинг ғайб оламидан нима нарсаки равона бўлгай вужуд қирғоғига келиб етгунча унинг акси комил инсон дилида ифодаланади ва комил инсон ушбу ҳолатлардан огоҳ бўлади. Ва ҳар кимки комил инсон ҳузурига кирса, қалбида нима бўлса, ул нарсалар комил инсон қалбида пайдо бўлади.

...Жумла мавжудот одамзодга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумла одамзод комил инсон туфайли (шарафли)дирлар. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту кавокиб ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар... Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир.

...ЭЙ ДАРВЕШ, КИМКИ ДОИРАНИ (нузул ва уруж — тушиш ва кўтарилиш доирасини) тамом қилган бўлса, кичик оламни охирига етказган бўлади ва инсонийлик мақомининг ниҳоятига етади ва комил инсон бўлади. Ва кимки кичик оламни охирига етказиб, етук бўлса, улуғ оламда Худонинг нойиби ва халифасига айланади. Энди унинг вазифаси бошқаларни тарбиялаб, етукликка олиб чиқишдир. Ва кимки кичик оламни охирига етказмаган бўлса, улуғ оламда Худонинг нойиби ва халифаси бўлолмайди. Бу оламга пешво — раҳбар бўламан деб қанчалик уринмасин, бунга муяссар бўлолмайди.

...Комил инсон оламнинг сири ва қутбидир, шу сабабданки, у илмнинг муҳити-манбаидир, олимдир, ҳар бир нарсани ўз жойида кўради ва ўз мавқеида баҳолаб, адолат қила олади. Ва одамлар ҳаммаси унинг теграсида, у туфайли яшайдилар. Афлок ва анжумнинг икки қутби бор ва улар шу қутблар атрофида айланадилар— буларнинг бири шимолий, иккинчиси жанубий қутб. Одамлар ҳам икки қутбга эгадирлар — бири доно инсон, иккинчиси тавоно, яъни кучли инсон. Агар бир киши ҳам доно ва ҳам кучли бўлса, унинг иши осон кечади, албатта, фақат комил инсон шундай фазилатга молик.

РУҲИЙ ОРОМ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён Туркия билан дўстона алоқаларимиз анча ривожланди. Илм-фан соҳасида мутахассислар ўзаро фойдали тажрибалар алмашишяпти. Туркиядаги Махариши дорилфунунининг ўқитувчилари Альберт ва Васила Барухлар ҳам шу эзгу ният билан юртимизга ташриф буюришган.

— Ўзбекистонимизга хуш келибсизлар.

— Ташаккур. Ўзбекистонлик биродарларимиз билан дийдор кўришганимиздан жуда хурсандмиз. Биз Трансцендентал медитация (ТМ) техникасини ўзбекистонликларга ҳам ўргатиш ва тадқиқ этиш мақсадида Тошкент Давлат дорилфунуни томонидан таклиф этилдик. Биз юртдошларингизга ёрдам беришга тайёрмиз.

— Кишилар саломатлигини тиклашда ТМнинг роли қандай?

— ТМ мутлоқ саломатлик, ақлий камолат, ҳеч қандай руҳий зарбаларсиз ҳаётда муваффақият қозониш, чуқур ором ва осойишталикка эришишга қаратилган бўлиб, унга 1958 йили устозимиз Махариши Махеш Йоги томонидан асос солинган. 1957 йили Махариши Ҳимолайни тарк этиб, дунё бўйлаб сафарга чиқади. Бу сафардан унинг мақсади — инсониятни медитация сирлари ва техникаси билан хабардор қилиш эди. У ўн йил давомида 100 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, миллионлаб кишиларни ўз усули билан таништиради. Махариши ишлаб чиққан ТМ усули ҳинд ва бошқа халқларда мавжуд бўлган медитацияларнинг энг асосий ўринларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда эса ТМ билан 120 мамлакатда 3,5 миллионга яқин киши шуғулланмоқда. Уларнинг сони эса кундан-кунга ўсиб бораяпти.

— ТМ билан қачондан бери шуғулланяпсизлар?

— Мен архитектор, Альберт эса инженер. Бизнинг бу усул билан шуғулланаётганимизга 16 йил, ТМ бўйича мутахассисликни эгаллаганимизга эса 10 йил бўлаяпти. ТМ бўйича Испаниядаги Махариши дорилфунунида таҳсил олганмиз. Шуғулланиш давомида руҳиятимнинг тетиклашаётганини, дунёқарашимнинг ўзгараётганини, энг асосийси, соғлом юриш учун ўзимда қандайдир мажбурият сездим. Кўпгина врачлар ўзларида шундай ҳиссиётларни сезганларидан кейин беморларга ҳам шуни тавсия эта бошладилар. Даволаниш усули сифатида бундан олдинги асрларда ҳам медитациянинг ҳар хил кўринишлари қўлланилган. Биз медитация тарихи билан танишиб чиқар эканмиз, энг қулай ва маъқули Махаришининг Трансцендентал медитацияси эканлигига амин бўлдик.

— Нима учун «трансцендентал»?

— Бу лотинча сўз бўлиб, «ўз-ўзини бошқариш» демакдир. ТМ билан шуғулланган вақтимизда сезгиларимиз одатдаги шовқин-суронли дунёдан узилади ва руҳимизда сокинлик, тинчлик ҳукмронлик қилади. Биз шу билан бир вақтда касалликдан соғломликка қараб қадам қўямиз.

— ТМ техникаси билан таништирсангиз.

— ТМ техникаси жуда жўн бўлиб, ҳар куни икки маротаба эрталаб ва кечқурун 20 минут давомида шуғулланилади. Бемалол стулга ёки креслога ўтириб, кўзларни юмган ҳолда овоз чиқармасдан махсус сўзни — мантрани оҳиста такрорлаб туриш керак. Бу йўл билан асаб, юрак қон-томир, шамоллаш, қон босими каби касалликлар даволанади; уйқусизлик ва семизликка барҳам берилади. Умуман олганимизда, киши ўз-ўзини бошқариш асосида ўзини даволайди. Бу усулнинг фойдалилиги дунёдаги 500 га яқин илмий-текшириш Марказлари томонидан исботлаб берилган.

— ТМ билан кимлар шуғулланиши мумкин?

— Мактаб, коллеж, дорилфунун, завод ва фабрикаларда шуғулланишади. Умуман, ёши, касби, дини ва миллатидан қатъи назар ҳар қандай киши шуғулланиши мумкин.

— ТМ бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— 1963 йили ТМ бўйича илмий-тадқиқот ишлари бошланди. Уни ўрганиш бўйича биринчи тажриба Англияда ўтказилди. Ҳозирги кунда эса 350 дан ортиқ тадқиқот билимгоҳлари ҳамда 160 мустақил университет, илмий-тадқиқот институтлари 27 мамлакатда иш олиб бормоқда. 1000 дан ортиқ ТМ Марказларида 25000 ўқитувчи ишлаяпти. Фақатгина АҚШнинг ўзида 6000 врач шу усулни ўрганмоқда.

— Махариши дорилфунуни ҳақида тўлароқ маълумот берсангиз.

— 1974 йили Фэйрфилдда, Айова штатида Халқаро Махариши дорилфунунига асос солинди. 400 акр майдонни эгаллаб турган чиройли ва улкан бу архитектура ансамбли АҚШдаги энг йирик фан масканларидан биридир. Дорилфунунни битирган талабалар мутахассислик бўйича фан доктори унвонига эга бўлишади. Шу билан бирга, 10 мутахассислик бўйича магистр даражаси, 14 мутахассислик бўйича эса бакалавр унвони берилади. Кўпгина йирик мамлакатларда бу дорилфунуннинг бўлимлари мавжуд.

— Келгусидаги режаларингиз...

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг ўзидан 700 киши ТМ техникасини ўрганди. Бизнинг машғулотларимиз «Билимлар уйида» ҳамда ТошДУ Маданият саройида давом этмоқда. Асосий режамиз, Тош

Истиқлол муборак!

«Ғазалдин бу каби завқ олмаган ким?»

«Алишер Навоий» драмаси айни саҳар чоғида шоирнинг шеър битиб, ўқиб ўтирғани пайти Гулининг кириб келиши билан бошланади. Навоий ёридан барвақт турганию танҳо юрганини сўрайди. Гули:

Саҳар чоғи туриб, ширин ғазалдин,
Эшитмак одатим бўлган азалдин, —

деб жавоб беради. Шоирнинг: «Қулоқ солдингму?» — деган сўроғига эса у:

Елғиз мен эмас, гул,
Само, ер, коинот, афтода булбул —
Бутун жонлик ва жонсиз тинглаги жим.
Ғазалдин бу каби завқ олмаган ким!! —

дейди.

Ростдан ҳам, саҳар туриб, ғазал тинглаганмисиз? Ҳеч бўлмаса, Узбекистон радиоси орқали берилаётган «Ғазал бўстонида», «Ғазалхонлик» эшиттиришлари ҳаво мавжларида янграётган маҳали радионгиз қулоғини бурагандирсиз?

Агар «Ғазалхонлик»ни тинглаган бўлсангиз, эсингизда бор: аввал саҳар сокинлигини тасаввурда уйғотадиган, бундан ташқари, ўша Навоийлар замонасининг қадим, лекин ўлмас руҳини берадиган мунгли ва фарахбахш куй янграйди, мусиқа жарангига, драмада тилга олинганидек, «бутун жонлик ва жонсиз» табиат жўр бўлади — «афтода булбул» мастона сайрайди, унга бошқа хушовоз қушлар ҳам қўшилишадилар, ҳатто жилғаларда оқаётган чопқир сувларнинг шилдир-шилдири ҳам куйга ҳамоҳанглик қилади. Гўё муғаннийнинг бундан завқи ошиб, жўшиб кетгандек, наво баландлайди — бармоқларнинг авж пардалари сари йўрғалаётганини сезиб турасиз, соз нола чекади. Шунда бирдан сўз бошланади. Яна қандай сўз денг?! Навоийнинг ғазали жаранглайди! Албатта, шеърни сухандон ўқияпти. Лекин тингловчида гўё Навоий ҳазратнинг ўзлари сўзлаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Бобокалонимиз шеър айтганда эса фақат радиотингловчилар тин оладиларгина эмас, борингки, энг сайроқи қушлар ҳам сайрашдан тўхтайди, ҳатто сувлар ҳам оқмай қолади — бутун рўйи замин соҳир сўзга тамом мафтун бўлган кўйи жимгина ғазал тинглайди. Фақат куй тинган эмас. Чунки у шоирнинг қўлидаги соз — бамисли илҳом париси: Навоий гўё уни билинар-билинмас чалиб туриб ғазал ўқиётибди!..

Бир ғазал тугагач, қушларнинг чаҳ-чаҳи яна баралла эшитилади, сувлар янада шиддатлироқ шилдирай бошлайди. Кейинги шеър ўқилганда эса яна ўша таниш ҳолат содир бўлади. Шу тариқа ҳар куни тўрттадан ғазал эшиттирилди.

Ғазалларни тингловчига ана шундай таъсирчан қилиб етказишда мазкур эшиттириш режиссёри Раҳмат Жумаевнинг кўп йиллик малакасию тажрибаси, санъаткорона маҳорати иш берди. «Ғазалхонлик»ка Фурқатбек Яҳвалҳожиев муҳаррирлик қилди. Таҳририят жами 400 кундан ортиқроқ ҳаво мавжларига чиққан бу жиддий эшиттиришлар туркумини тайёрлашда Навоий ижоди бўйича мутахассислардан бири ҳам иштирок этиши керак, деб ҳисоблаб, мени ҳамкорликка таклиф этди. Биз — муҳарриж, муҳаррир ва камина ёзув ҳонасида матнга қараб ўтириб, сухандонни сатрма-сатр кузатиб борамиз. Хоҳ матнний, хоҳ вазний, хоҳ оҳангий сакталик рўй берган заҳоти уни тўхтатиб, қайтадан ўқитамиз. Рости, деярли бирор ғазал ҳам бир ўқишда магнит тасмасига ёзилган эмас, десам, хато бўлмас.

Сухандонлар ҳафтанинг кунларини бўлиб олдилар. Душанба куни дастлаб машҳур артистимиз — марҳум Қодир Махсумов бисотидаги Навоий ғазаллари эшиттириб борилди. Қолган олти кунда Темурмалик Юнусов, Ёқуб Аҳмедов, Мирзоҳид Раҳимов, Раҳмат Жумаев, Фарзиддин Фаёзов, Саидкомил Умаров чиқди. Кейинчароқ булар сафига янги ғазалхон — Раҳимбой Жуманиёзов келиб қўшилди.

Ҳар бир кунда бир соз устиворлигидаги куй янгради. Най, танбур, дутор, сетор, уд, сато-танбур, ғижжак куйлари алмашиб турди. Шу тариқа ҳар бир сухандон ҳафтанинг фақат ўша ўзига ажратилган кунида ва шу кун учун танланган соз куйи жўрлигида ғазал ўқиди. Бу ҳам тингловчиларда муайян табиий кўникмаларни шакллантиришга ҳисса қўшди.

Эътибор берган бўлсангиз, ғазалхонлар ўзларининг асосий ихтисосларига кўра, бир-бирларидан фарқ қиладилар. Қодир Махсумов раҳмати билан Мирзоҳид Раҳимов асосан сухандон — диктор. Темурмалик Юнусов билан Раҳмат Жумаевнинг асосий касби — мухаррижлик, лекин улар радиоактёр сифатида ҳам халқимизга яхши таниш. Ёқуб Аҳмедов, Фарзиддин Фаёзов, Саидкомил Умаров саҳна актёрлари, Раҳимбой Жуманиёзов эса адабиётшунос.

Тажриба шуни кўрсатдики, Раҳимбой Жуманиёзовдан бошқа бирон ғазалхон аруз вазни ҳақида махсус билимга эга эмас экан. Шунга қарамай, қандайдир санъаткорларга хос савқи табиий бор эканки, улар вазнларни эшитганларни орқали ўрганиб, ички бир ҳис билан оҳангга солиб ўқийди ғазални.

Навоий замонасида ғазаллар айнан қандай ўқилганини ҳозир тўла тасаввур қилиш жуда мушкул. Лекин эскича таълим олган, мадраса кўрган боболаримиз ғазалларни биздай ўқимагани рост. Ғазал ўқилмаган, куйланган. Ғазалларнинг қўшиқ қилиб куйлангани айтилаётгани йўқ. Ҳар бир вазннинг ўз оҳанги — куйи бор. Бобо-бибиларимиз ўша вазн руҳига тез тушар, ғазалларни ўқишда ҳеч қийналмас эдилар. Ҳатто, бу аньана шу қадар тараққий этганки, аслида саводи йўғ-у, бироқ мумтоз шеъриятимиз намуналарини ёд олғанлар ҳам ғазални худди ўша саводли — аруз қоидаларидан бохабар кишилар каби оҳанг билан ўқийверар эди. Буни тушуниш қийин эмас. Чунки мусиқа таълимидан бехабар киши ҳам ашулани айнан ўша қўшиқчи куйлаган оҳангга солиб айтаверади-ку. Ғазал куйи ҳам ана шундай эшитим орқали ўзлаштирилган. Узбекистон ойнаи жаҳони орқали берилган «Олтин бешик» туркум кўрсатувларининг бирида Бухоройи шарифдаги бир отахон маснавийхонлик қилдилар. Ғазаллар ҳам худди ана шундай қироат билан ўқилган.

Чамамда, ғазални ҳозиргидек шеър қилиб ўқиш бизнинг асрда пайдо бўлган. Яна отахонларимиз яхшироқ билишар. Ҳозирги ғазалхонликда бармоқ вазнида битилган шеърларни ўқишда шакллланган анъаналарнинг устиворлиги бор. Шунинг учун бугунги ғазалхонлигимиз кўп муаммоларию мушкулотлари ана шу қуйлаб айтишга мўлжалланган матнни ифодали ва ҳатто саҳнабоп қилиб ўқишга уринишимиздан келиб чиқади.

Хўш, унда ўша эски қироатларимизга қайтайликми? Йўқ, шарт эмас. Бироқ, қайси усулда, қандай товушда, қанақа ижровий ўзига хослик билан ўқилмасин, ғазал шоир танлаган вазнга солиниши шарт. Вазн — тарозининг тоши. Унга ҳеч кимнинг дахл қилишга ҳаққи йўқ. Ҳеч кимга тошни ўзгартириш ҳуқуқи ҳам берилмаган. Марҳамат, тарозининг иккинчи палласига нима қўйсангиз қўяверинг, фақат бу юкингиз ўша тошга вазнан мос келса бўлди! Кам ҳам келмасин, ошиб ҳам кетмасин!

Аруزни билишнинг аҳамияти шу қадарки, агар вазнини топиб олмасангиз, араб ёзувида битилган ғазални тўғри ўқишнинг, демакки, ҳозирги алифбомизга хатосиз кўчиришнинг ҳеч иложи йўқ. Сабаби — эски имломизда баъзи ҳарфлар, масалан, қисқа унлилар акс этмайди. Ёки бир ҳарф ёнма-ён такрорланса, битта ёзилаверади. Агар тепасида ташдиди бўлса, хўп-хўп, лекин ёзув белгилари ҳамма вақт ҳам қўйилавермайди-да. Масаланинг яна бир нозик жиҳати бор. Ана ўша иккилантирилган ҳарфлар баъзан, вазн тақозоси билан, битта ўқилади. Айтайлик, «тўққуз» — «тўқуз», «иккки» — «ики», «ўттуз» — «ўтуз», деб ўқилиши ва ҳозирги алифбомизга ҳам шундай кўчирилиши керак. Бу тахлит сўзларни қандай талаффуз қилиб, ҳозирги алифбога қандай кўчиришни фақат вазндан келиб чиқиб аниқлаб оламиз. Ҳатто бир мисрада икки карра такрорланган бир сўз гал ундай ва гал бундай ўқилиши зарур бўлиб қолиши мумкин.

Вазнни билишнинг бундан ҳам муҳим бир тарафи бор. Масалан, айнан бир сўз айни мисрада икки хил урғу билан ўқилиши керак бўлади. Чунки вазн шуни тақозо этади. Мана, бир мисол:

Тун-кунунга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Дастлабки «бирисин» сўзини урғуни биринчи бўғинга қўйиб — «бирисин» тарзида, иккинчи «бирисин»ни эса урғуни иккинчи бўғинга қўйиб — «бирисин» деб ўқишимиз керак. Шундагина вазнга тушади. Демак, қайси сўзни қандай талаффуз қилишни арузда вазн бошқаради. Чунки аруз — узун ва қисқа ҳижоларнинг мисраларда мутобиқ (параллел) қайтарилишига асосланган вазн. Агар сўзларда «и» товуши учраса, уни чўзибми ё қисқа талаффуз қилиш кераклигини вазн айтади. Чунки арузда «и» товуши қисқа ҳижо бўлиб келиши ҳам мумкин, узун ҳижо ҳам.

Хўш, ҳижо ўзи нима?

Ҳижо ҳам бўғинга ўхшаш вазний ўлчов бирлиги. Бироқ, бармоқ шеърий тизимий мисралардаги бўғинларнинг сонига асосланса, арузда фақат ҳижоларнинг умумий миқдори эмас, уларнинг қисқа-узунлиги ҳам муҳим. Албатта, кўп бўғинлар арузда ҳижо бўлиб келади. Демак, айрим бўғинлар ҳижо. Лекин ҳамма ҳижо бўғин эмас. Худди шунга ўхшаш барча бўғинлар ҳам арузда бир ҳижо бўлавермайди. Бўғин бўлиши учун бир унли иштирок этиши шарт. Ҳижо эса баъзан биргина ундошдан ҳам ташкил топаверади. Ундан ташқари, ҳижо бўғинларни бузиб ташлайди, бир бўғин бир ҳижо бўлиб келавермагани учун сўзларнинг ёки мисраларнинг бўғин миқдори билан ҳижолар сони баравар келмай қоладеради. Бўғин учун унли қисқа ё узунлигининг ҳеч ҳам аҳамияти йўқ. Арузда эса ҳижолар айнан ана шу унлиларнинг узун-қисқалигига, шунингдек, бўғинларнинг ёпиқ ё очиқлигига, яъни ундош ё унли билан тугаганлигига, унлининг чўзиқ ё қисқалигига асосланади. Лекин аруздаги ҳижолар узун-қисқалиги тил илмидаги чўзиқ ва қисқа бўғин тушунчалари билан айнан бир нарса эмас.

Келтирилган мисол баҳонасида яна бир жиҳатни айтиб ўтай. Ғазалхонларимиз матнда «кунунга», деб ёзилган бўлса ҳам «кунунг+га», деб ўқийдилар, «қунунгга», деб ёзилган бўлса ҳам. Чунки ҳозирги адабий тилимиз қоидаларига кўра, жўналиш келишигининг қўшимчаси — «-га» («-ка», «-қа») ҳеч қачон «-а»га айланиб қолмайди. Навоий асарларини ҳозирги ёзувга айлантираётгандаги энг чалкаш масалалардан бири бу. Чунки вазн тақозо этсагина «кунунгга» тарзида икки «г» билан ёзиш керак, бунда вазнан сўзнинг иккинчи бўғини узун ҳижо ҳисобланади. Борди-ю, шу иккинчи бўғин мисранинг қисқа ҳижоли жойига тушса, унда бу сўзни Навоий «кунунг+га», деб эмас, «кунु+нга» деб ишлатган бўлади. Бунда мазкур калима ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси — Хоразм, Тошҳовуз, Чоржўй, Қоракўл, Олот шеваларидаги каби «-га» қўшимчасини «-а», деб олган бўлади. Бу «менга», «анга» каби сўзларни ўқиш учун ҳам керак қоида. Аммо энди бунда эски алифбомизда ҳам, янгисида ҳам ёзувда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Вазн эса бундай сўзларни гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ ўқишни буюради, яъни баъзан «мен+га», баъзида эса «ме+нга» (ёки «ан+га» ва а+нга») деб талаффуз қилишни айтиб туради. Ғазалхонларимиз эса кўпинча «мен+га» деб ўқишга мойил бўлаверадилар, натижада вазн бузилади.

Кўриниб турибдики, вазнни билмай туриб ғазал бехато ўқилишига кафолат бериш жуда қийин. Аммо ҳозир радио ва ойинаи жаҳон орқали мумтоз шоирларимиз ғазалларини ўқиётганлардан кўпчилигининг арузий саводи йўқ.

Ғазалхонларимизда кўп такрорланадиган, яъни типик хатолар ҳали анча. Уларнинг айримларини айтиб ўтиш, ўйлайманки, бошқа ғазал ўқишга ҳавасмандлар учун ҳам фойдали бўлади. Чунки халқимиз орасида, хусусан, талабалару ўқувчилар ўртасида ғазалларни севиб ўқийдиганлар, эл ичра уларни ижро этаётганлар кун сайин кўпайиб бораётибди.

Биринчиси. Маълумки, туркий тилларда, демакки, ўзбек тилида ҳам, бир бўғинда икки ундошнинг ёнма-ён келиши ниҳоятда, кам учрайдиган ҳодиса. Фақат, «тўрт», «мўрт» каби айрим сўзлардагина кўрамиз, холос. Шунинг учун ҳар қандай ўзбек учун форсий ва арабий сўзлардаги бир бўғинда келган икки ёнма-ён ундошни аслидагидек талаффуз қилиш жуда қийин. Кўпинча ана шу бир бўғинни талаффузда икки бўғинга ажратиб оламиз. Масалан, «ҳажр» сўзини «ҳа+жир», «фахр» сўзини «фа+хир», «васл» сўзини «ва+сил», «жабр» сўзини «жа+бир», «матн» сўзини «ма+тин» ва ҳоказо дейимиз. Ҳатто, ҳозирги айрим арузнавис шоирларимиз ҳам буни вазнга «жа+бир» ё «ва+сил» тарзида тушириб, жуда қўпол хатога йўл қўядилар. Бу мутлақо мумкин эмас. Агар Навоий ғазалидаги «васл» «ва+сил» қилиб ўқилса, вассалом, вазн бузилади, куй чиқмайди, ошдан чиққан тошдай тишга тегаверади, ҳатто аруз қоидаларидан бехабар тингловчи ҳам сезади ва ёнига байтнинг биринчи мисраси ўн бир, иккинчи мисраси эса ўн бўғинли? Демак, иккинчи мисра атай хато ёзиб келиняпти. Ё: «Оники йўқ халқи ғами, дин ғами», ё бўлмаса: «Оники йўқ халқ ғамию, дин ғами», — бўлиши керак. Мубоҳисларнинг даъвоси шу эди. Аввало, Навоийнинг дин ҳақида айтган бундан зўр гаплари тўлиб-тошиб ётибди. Иккинчидан, агар бу ерда дин ғами бўлмаган одамни одам санама, деган фикр илгари сурилмоқчи бўлса, «оники» сўзи камида «ондаки», деб қўлланиши керак эди. Шунинг учун, ҳеч шубҳасиз, байтда: агар сен одам (ё одамий) бўлсанг, халқ ғамидан (!) ғами йўқ одамни одам ҳисоблама, дейилган, вассалом. Энди бўғинлар масаласига қайтсак. Биринчи мисрада, чиндан ҳам, ҳар бир бўғин бир ҳижо бўлиб келган, бўғинлар ва ҳижолар миқдоран айнан мос тушган. Лекин иккинчи, мисрадаги «халқ» сўзи, гарчи тил нуқтаи назаридан бир бўғин ҳисобланса ҳам, аруз ўлчовида «халқ+қ» тарзида икки, яъни «қ» ундошининг ўзи бир қисқа ҳижо бўлиб келади. Шунинг учун, юқорида айтилганидек, бу сўздаги унли — «а»ни ўта чўзиқ талаффуз қилиш лозим. Шу «қ» ундошининг алоҳида бир ҳижо бўлиб келиши ҳисобига иккала мисра вазнан теппатенг. Бу ерда Навоий ҳазрат ҳам хато қилган эмаслар, байтни ҳозирги ҳарфларимизга кўчирган марҳум Порсо Шамсиев ҳам! Агар «халқ» сўзидан кейин унли билан бошланадиган сўз келса, «қ» ўша унлига уланиб кетиши мумкин эди. Умуман, аруздa, вазн тақозо этса, олдинги сўз сўнгидаги ундош кейинги калима бошидаги унлига уланиб кетаверади. Тушуниш осон бўлсин учун биринчи келтирган мисолимизга қайтайлик. «Бирисин ой англа» сўзлари бармоқ шеърий тизимида келса, алоҳида-алоҳида уч сўз тарзида хоҳлаганча маъно юклаб, урғу берилиб, ажратиб ўқилаверади. Лекин арузда, аниқроғи, ана шу келтирилган байтда улар «би+ри+си+но+йанг+ла» тарзида бир-бирига улаб ўқилиши шарт. Қаранг, бор-йўғи икки товушдан иборат «ой» сўзининг бир товуши ўзидан олдинги, иккинчиси эса ўзидан кейинги сўзга уланиб кетди. Арузнинг ана шу қонунияти ғазалхонларимизга, хусусан, актёр ғазалхонларимизга ҳеч ҳам ёқиқирамаяпти. Чунки улар сўзни тингловчи ё томошабинга чертиб-чертиб, ажратиб-ажратиб, тушунарли қилиб етказишнинг роса рафтини олганлар, энди эса уларга арузнинг асрий ва қатъий қоидаларига тушиш тингловчини унутиб қўйиш ва, ҳатто, товушларни шунчаки ғўлдираш бўлиб ҳам туюляпти. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ғазал куйланган бўлса ажаб эмас. Аммо, бизда ҳозир айрим қўшиқчиларимиз ҳам ғазалларнинг ана шу хусусиятини яхши билмаганларидан, сўзларни алоҳида-алоҳида айтаман, деб вазнни бузиб, товушларни ҳатто баъзан мусиқага мослашга ҳам қийналиб қоладилар. Ҳолбуки, аруз — мусиқага ниҳоятда яқин бир вазн тури. Аруздаги рукнлар мусиқадаги тактларга айнан мос келади ҳам. Лекин шуни унутмаслик керакки, арузда биринчи сўзнинг охиридаги ундош ҳамиша ҳам кейинги сўз бошидаги унлига улаб ўқилавермайди. Бундай ҳолатларнинг қай бирини қандай ўқиш кераклигини вазн белгилайди, вазнни билган киши буни дарҳол топади.

Учинчиси. Бизнинг кўп ижрочиларимиз, хусусан, дикторларимиз ўзбек тилидаги «в» товушини рус тилидаги «в» товуши каби талаффуз қиладиган бўлиб кетдилар. Бунга асосий сабаб — рус тилидаги «в» учун ҳам, ўзимиздаги «в» учун ҳам бир ҳарф олганимиз, алфавитимизнинг русчага мослаштирилгани. Гап нимада ҳақида бораётганини тўлароқ тасаввур қилишингиз учун мисолга ўтаман. Тошкент шевасида, худди Эрон форсийсидаги каби, «-ав» деган товуш бирикмаси ҳеч қачон «-ав» тарзида талаффуз қилинмайди. Шунинг учун, «Шавкат» сўзи «Шўукат», «Завқиддин» сўзи «Зўуқиддин», дейилади. Дикторларимиз билишадики, бу адабий талаффузга мос эмас. Шунинг учун, ёзилганидек ўқиймиз, деб, «-ав»ни русча талаффуз қиладилар. Шавқиддин Туроб ўғли, деган сухандон борлар радиода, ўз номларини ҳам нотўғри эълон қилиб, «Шафқиддин»га яқин айтадилар. Ҳолбуки, рус тилидаги «в» товуши «ф»га яқинлашиб кетса, ўзбек тилидаги «в» товуши «у»га яқин туради. Қозоқлар «Ватан»ни «Уатан» деб ёзади, ўша тўғрироқ. Хуллас, «в»ни тўғри талаффуз қилолмаслик Навоий ғазалларини ўқишда ҳам кўп такрорланадиган хато. Биз, иложи борича, тузатишга ҳаракат қилдик. Масалан, «невчун»ни «нефчун»га яқин, «завқ-шавқ»ни «зафқ-шафқ»қа яқин, аниқроғи, бу сўзлардаги «в»ни худди «февраль» калимасидаги «в» каби талаффуз қилишар эди олдин. Олмон тилида (бошқа айрим ғарб тилларида ҳам) ана шу бир-биридан фарқ қиладиган икки товуш учун алоҳида-алоҳида (u ва w) ҳарф бор. Биздаги «в» ана шу иккинчи ҳарф — w га тўғри келади. Шекспирнинг номини руслар баъзан «Вильям» ва баъзан «Уильям», деб ёзиши ҳам ана шу муаммодан келиб чиққан.

Тўртинчиси. Сўзнинг ўзини билмасангиз, тўғри талаффуз қилишга кафолат бериш ҳам амри маҳол. Навоийни тушунишимизнинг ҳозирги умумий аҳволидан келиб чиқилса, ижрочиларимиздан шоир асарларида учраган барча сўзларнинг маъносини билишни талаб қилиш имкондан ташқари ўриниш бўлур эди. Лекин Навоийни ўқийман деганлар имкон қадар ғазаллардаги байтларнинг мазмунини тушунишга интилишлари керак. Айтайлик, «соғар» деган сўз бор. Уни «соғар» қилиб, урғуни иккинчи бўғинга қўйиб ўқисак, «соғади» (яъни, «сигирни соғади») деган маъно чиқади. Лекин Навоийда «соғар» деган форсий сўз ҳам борки, у «қадаҳ» дегани. Гап шундаки, ёзилиши айнан бир хил бўлгани билан, бу сўзни энди «соғар» деб эмас, «соғар» деб, яъни урғуни «о» товушига тушириб талаффуз қилиш керак. Бунақа урғусини топиб ўқимаса, маънода бузиладиган «нотаниш» сўзлар тўлиб-тошиб ётибди Навоий ғазалларида.

Бешинчиси. Чўзиқ унли иштирок этган бўғин ёпиқ бўлса ва бу бўғин сўзнинг охирида бўлмаса, арузда у бир ҳижо ўлчовига сиғмайди. Буни ҳатто товуш ўлчагич машиналар орқали ҳам исботлаш мумкин. Арузни яратган ва унга сайқал берган аждодларимиз компьютерларсиз ҳам буни яхши билганлар. Айтайлик, «комрон», «подшоҳ», «боғлар», «ошкор», «нурфош» ва шуларга ўхшаш икки бўғинли сўзлар арузда уч ҳижо бўлиб келади: «ко+м+рон», «по+д+шоҳ», «бо+ғ+лар», «о+ш+кор», «ну+р+фош», деб ўқилади. Келтирилган дастлабки мисолимиз — байтда «нурфош» сўзи рукнан «-син қу+ёш»га тенг.

Хуллас, модомики, халқ энг улуғ шоири — Алишер Навоий ғазалларини бехато ўқийман дер экан, албатта, аруз қоидаларини ўрганиш, мумтоз адабиётимиз нозик сирру синоатларидан кўпроқ хабардорликка интилиши, энг муҳими, ғазалнинг мазмунини тушуниб олишга уринниши лозим. Ҳозир мумтоз адабиётимизга қизиқиш кучайди, халқ ўзини англай бошлади. Агар ана шу интилишлар арузни ҳам мукаммал эгаллаш сари етакласа, нур устига нур бўлур эди. Бунинг учун эса, аруз илми билимдонлари матбуотдан, радио ва ойинайи жаҳондан, жонли мулоқотлардан фойдаланиб, бу қадим вазнимизни тарғиб қилишлари, мактаблар, адабиёт ўқитиладиган барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, санъат ва маданият билимгоҳларида аруз бўйича махсус соатларни кўпайтириш, бу борадаги таълимни кучайтириш, самарасини ошириш, турли тўгараклар, ғазалхонлик бўйича оммавий мусобақалар — кўриклар ташкил этиш керак.

Султонмурод ОЛИМ

Она қирғоққа яқинлашиш

Она юртимиз мустақиллигининг сарҳисоби бошланар экан, биз — илм аҳли, бағри уммондек халқимизнинг қадриятларини тиклашимиз, ўзлигимизни жаҳон тараққиёти жараёнида кўра бошлашимиз зарур. Ўтмишда Аҳмад Фарғоний, Форобий, Мусо ўғли Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур Мирзо каби теран фикрли алломалар етишиб чиқиб, халқимиз номини дунёга танитишган. Шояд, Истиқлолнинг хосиятли пойқадами, табаррук аждодларимизнинг руҳлари мадади билан яна тупроғимизда дунёни ҳайратга солувчи донолар таваллуд топса, ўзбек номи асрий асосига қайтса. Бунинг учун эса бизга астойдиллик, соғлом фикрлилик даркор.

Осонгина «истеъфо топган» собиқ тузум тарихан қисқа муддатли бўлди. Лекин унинг бошланғич «инқилобий» йиллари, қатағонлик даври ва сўниш талвасасидаги уринишлари халқлар бошига асорати осонликча ўчмайдиган маънавий ларза келтирди. Энди ҳар бир илм соҳасини ҳаққоний баҳолаш, тўғри хулосалар чиқариш пайти келди. Шу боисдан, эски тузум сарқитлари билан видолашиб, тубдан янги, ҳалоли пок санъатшунослигимиз йўналишларини белгилар эканмиз, мазкур тузум маданиятини қайта қуриш эмас, балки атрофлича қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Шаклан миллий, мазмунан социалистик» санъат намуналарини ҳормай-толмай тадқиқ ва тарғиб этиб келган илм корчалонлари учун энг «оламшумул» мавзулардан бири — байналмилаллик бўлган. Лекин аксарият тадқиқотларда сохта «интернационализм», яъни ўзга халқлар қадриятларини ўзлаштириш шартлиги уқтирилди. Ваҳоланки, Узбекистонда истиқомат қилаётган ўзга миллат вакиллари маҳаллий халқ қадриятларини билиши, ҳатто қизиқишлари зарурлиги муаммоси деярли кўтарилмади. Буни мен ўтган йилнинг бошларида бевосита мулоқот тарзида ўтказилган «Сегодня вечером» кўрсатувида яққол сездим. Кўрсатувда қатнашар эканман, умрбоқий мақомларимиз тарихи, мавзуи ва мазмуни ҳақидаги саволларга жавоб қайтаришимга тўғри келди. Савол-жавоб жараёнида мақомлар ҳақидаги маълумот ўрнисзабон телетомошабинлар учун илк маротаба берилаётганлиги маълум бўлди ва бу қанчалик ғайритабиий эканлигини шу кўрсатувнинг ўзида таъкидлашга тўғри келди. Ёки бўлмаса, бундан бир неча йил муқаддам, Ангрендаги «кўргазмали» умумтаълим мактабларидан бирида «Шоирлар хиёбони»ни кузатар эканман, унга Державинидан тортиб Есенининг бюстигача мавжудлигини, махсус синф-хоналари борлигини, аммо бирорта ўзбек шоирининг лоақал номи ҳам йўқлигининг гувоҳи бўлдим. Мактаб раҳбарига норозилигимни айтганимда: «Келаси сафар ҳаракат қиламиз», — деган қуруқ ваъдадан ўзга нарса эшитмадим.

Бу билан ўзга халқлар маданияти, санъати биз учун ёт, демоқчи эмасман. Аксинча, мен сўнгги пайтларда урғу берилаётган фақат миллий қадриятларимиз даркор, бизларга опера, симфоник ва хор мусиқаси зарурмикан қабилидаги фикрларга тўла-тўкис қўшилмайман. Зеро, мусулмон Шарқининг улкан марказлари бўлмиш Туркия, Миср Араб Республикаси, ҳатто Эронда анъанавий санъат қатори, оврупоча йўналишдаги мусиқа, тасвирий санъат ижро йўналишлари жорий этилиб келинмоқда. Яқиндагина Миср президенти Муборак Қоҳирада 12 минг томошабинга мўлжалланган янги опера театрини тантанали равишда очди. Бу мамлакатдаги илк опера театри эса, 1869 йили очилган бўлиб, унинг саҳнаси учун Миср ҳукуматининг буюртмасига биноан Жузеппе Вердидек машҳур композитор ўзининг шоҳ асарларидан бири — «Аида» операсини яратган эди. Қани энди, бизнинг ҳам икки опера театримиздан ҳеч бўлмаганда биттаси ана шундай тарихий саҳналаштиришга муяссар бўлса. Афсуски, Тошкент ва Самарқанд опера театрлари сўнгги 30 йил мобайнида саҳналаштирган чет эл ва собиқ совет композиторларининг асарлари орасидан ўзбек муаллифларининг на операларини, на балетларини топиш мушкул. Кўпчилик орасида айланиб юрган яна бир гап бор: гўё халқимиз операни идрок этишга тайёр эмасмиш! Афсуски, шунга ўхшаш фикрларни баъзан композиторлардан ҳам эшитиш мумкин. Менимча, гап халқда эмас, балки асар ва ижро савиясида. Масалан, «Лайли ва Мажнун» (1940), «Майсаранинг иши» (1959) операларининг муваффақиятли чиқиши наинки улардаги мусиқанинг халқчиллигида, балки Муҳиддин Қориёқубов, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Саодат Қобулова сингари опера юлдузларининг қиёмига етган ижроларига боғлиқ бўлган.

Симфоник мусиқани олсак, 60—70-йилларда ўзбек давлат филармониясининг оркестри четда ҳам етук жамоа сифатида танилиб, қатор композиторларимизнинг номи чиқишига сабабчи бўлди. Бу оркестр дунё миқёсида танилган айрим мураккаб партитураларнинг собиқ Иттифоқда илк талқинчиси бўлган. Ўша кезлари Тошкентга жаҳоннинг манаман деган якканавоз ва дирижёрлари кетма-кет ташриф буюрар эдилар. Ҳозирги кунда худди шундай жараённи Туркияда кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, бу мамлакатда ҳам биздаги каби биринчи Давлат консерваторияси 1936 йили очилган. Ҳамкорлик тариқасида бу ерга 20-аср Оврупо мусиқасининг Б. Барток ва П. Хиндемит каби классиклари таклиф этилган. Шу кунларда Туркияда 4 консерватория, 2 опера театри, 3 симфоник оркестр ишлаб турибди. Мамлакатда муттасил равишда анъанавий ва замонавий мусиқа, санъатнинг бошқа турлари бўйича дунё тан олган фестивал ва анжуманлар ўтказилмоқда.

Ниҳоят, икки оғиз сўз, хор мусиқаси ҳақида. «Яқиндан оққан ариқни қадри йўқ» дейилганидек, 50-йилларнинг охирида айнан Узбекистонда композитор М. Бурҳоновнинг саъй-ҳаракати, ижодий изланишлари туфайли янгича кўповозли услуб юзага келди. Ўзбек ижодкорининг дастлаб ўзимизнинг, сўнгра бутун Урта Осиё ва, ниҳоят, хорижий халқ қўшиқларини жўрсиз хор учун қайта ишланган навқирон намуналар тингловчилар тили ва дилига тушди. Хусусан, 1973 йили Олмотида ўтказилган Осиё мамлакатларининг III мусиқа минбарида композиторнинг эронча «Гўле гандум» ва курдча «Дамкўл-дамкўл» қўшиқлари кўповозли хор ижросида янграганида, эронлик атоқли олим, мусиқашунос Маҳди Баркашли ниҳоятда ҳаяжон билан М. Бурҳоновни қутлаб: «Бизнинг оддийгина қўшиқларимиздан шундайин мўъжаз ва кўп овоз билан музайяланган, ўта салобатли, асар яратса бўлар экан!» деб, ҳайратда қолганлиги эсимда. Демак, композиторларимиз қалами остидан чиқаётган асарлар турличадир: ютуқлар қатори камчиликлар ҳам мўл. Буларни саралаш, қуруқ мақтовлардан жиддий таҳлилларга ўтиш давр талабидир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда композиторлик ижодининг мавқеъини одилона аниқлаш, бу соҳадаги муайян салбий йўналишларни очиқ-ойдин айтиш, шу билан бирга ўзбек муаллифларининг эришган самараларини умумлаштира олиш учун кенг тафаккур, теран идрок ва жасорат зарурдир. Афсуски, кўп йиллар давомида айрим композиторларимиз томонидан яратилган деярли ҳар бир йирик асар албатта навбатдаги партия съезди ёки Октябр революциясининг саналарига сунъий равишда бағишланганининг гувоҳи бўлдик. Ёки бўлмаса, баланд лавозимларда ишлаб борган айрим драматург ва шоирларимиз ижодига кетма-кет мусиқий талқинлар берилиб, улар «пастроқ» юмушга ўтганларида эса, деярли эътиборсиз қолдирилдилар. Ҳатто, мартабали раҳбар асарига мусиқа яратиш борасида баъзи композиторларимиз орасига низолар тушди. Шунга ўхшаш ачинарли саволлар қачондир ўз жавобини топиши керак эди, мана шу замон келди. Буларни шошилмай, ортиқча киноялларсиз бирма-бир ёритиб, келажакда такрорланмаслигининг олдини олишимиз керак.

Матбуотда вақти-вақти билан қўзғатилаётган яна бир муаммо—санъатшунослигимизнинг тили масаласидир. Хусусан, она тилимиздаги тадқиқотлар камлиги албатта ачинарли, ҳақиқат. Муаммонинг кўтарилиши тўғри эканлигини эътироф этган ҳолда, бир нарсани четлаб ўтолмайман. Аввало, бу забунликни келтирган сабабларни олайлик. Сўнгги йилларга қадар санъатшунос ва театршунослар — санъат олий билимгоҳида, мусиқашунос — консерваторияда рус тилидаги дастуру дарсликлар, шу тилдаги маъруза ва семинарлар асосида тайёрлаб келинди. Урта бўғиндаги билим юртларида бўлажак олимлар масаласига умуман бефарқ қараб турилди. Мана, эндигина олий билимгоҳ ҳам, консерватория ҳам ўз мутахассисликлари бўйича атиги 4—6 кишидан иборат миллий гуруҳлар қабулини йўлга қўйишга муяссар бўлди. Бу хайрли ишнинг самараси — келажакда. Ҳозирги кунга қадар аксарият ўзбек олимлари ана шу русча таълим чиғиригидан ўтгандилар. Уларнинг айримларигина, фидойиларча ҳаракатлари туфайли, она қирғоққа яқинлашишга муяссар бўлдилар, наинки ўзбек тилида ёзиш, маъруза қилиш, балки миллий тафаккур соҳиби эканликларини сақлаб қолдилар. Шу боисдан, назаримда, ҳақиқий санъатшунос учун тил билиш муҳим инсоний бурч, лекин хусусан ўз миллати тилида ўйлаш, эркин фикрлаш — касбий тақдир тақозосидир. Минг шукурлар бўлсинким, Истиқлол шабадаси илмий ижод жараёнига ҳам етиб келди. Эндиликда талабалик рефератларию, диплом ишлари, очиқ маърузалару, мукаммал илмий ишлар Ўзбекистон Республикасининг асосий тили — ўзбекча ёзиладиган ва тингланадиган бўлди. Бу чексиз имкониятлардан донишмандларча фойдаланиш ҳар бир етук киши учун фахрлидир.

Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ,
Санъатшунослик институти директори



Бухоролик уста Шокир ясаётган кўза ва қумғонлар жуда нафис ва гўзалдир.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1992 йил, 14

ЁДНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йил июл ойида жумҳуриятимизнинг атоқли олими, давлат арбоби Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг эл-юртимиз, Ватанимиз равнақи йўлидаги катта хизматларини ҳисобга олиб ҳамда август ойида таваллудига 80 йил тўлиши муносабати билан махсус қарор қабул қилди. Унда таъкидланишича, Ҳабиб Абдуллаев юбилейи республиканинг ижтимоий, жамоатчилик ва илмий ҳаётида йирик воқеа сифатида кенг нишонланади. Шунга кўра, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилади. Ҳабиб Абдуллаевнинг номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги метро бекатларидан ҳамда марказий кўчалардан бирига унинг номи берилади. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга олиб келган улкан илмий ютуқлар учун берилган Ҳабиб Абдуллаев номидаги диплом ҳамда медал, Тошкент Давлат техника университетининг геология-қидирув факултетида эса олим номида стипендия таъсис этилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ҳабиб Абдуллаев юбилейига бағишланган илмий сессиялар ўтказадилар, ёш олимлар ўртасида аллома асарларини ўқиш кунларини уюштиришни йўлга қўядилар. Радио ва телевиденеда Ҳабиб Абдуллаев ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрланади, ҳужжатли телефилм яратилади, газета-журналларда мақолалар эълон қилинади.

Биз қуйида олимни яхши таниган-билган шогирдларидан бирининг мақоласини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Унда Ҳабиб Абдуллаевнинг олимлик фаолияти билан бир қаторда инсоний фазилатлари ҳақида ҳам сўз юритилади.

ФАН ОЛАМИДАГИ ЮЛДУЗ

ХАБИБ АБДУЛЛАЕВ ХХ АСР ФАНИ осмонида ёрқин чақнаган юлдузлардан бири эди. У табиий фанлар олими сифатида мутафаккир бобокалонларимиз изидан бориб, ўзининг асосли, чуқур мулоҳазали илмий асарлари ва маърузалари билан жаҳонга танилди, халқлар ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ҳабиб Абдуллаев ҳақиқий халқпарвар инсон эди. Нафақат ўз авлодига, балки кейинги барча заминпарастлар авлодига меҳрибон маслакдош, устоз ва мураббий эди. Бунга мисол тариқасида у киши билан бўлган бир учрашувимизни эслаб ўтмоқчиман.

1953 йилнинг кеч кузи. Мен Қизилқумда илк бор геологик харитага тушириш ишларини бошлаб юборган экспедиция сафида бирмунча вақт геологлик қилиб яна ўзим ўқиб битирган Самарқанд Давлат дорилфунунига қайтгандим. Кутилмаганда курсдошим Олег Борисовни учратиб қолдим. У Ҳабиб домланинг илтимосига кўра мени излаб келган экан. Домла қаердан бўлмасин, мени топиб келишни буюрибдилар...

Қизилқумда эдим. Домланинг ҳузурига етиб бордим. У киши мени аспирантурага таклиф қилдилар. Мен бош тортдим. Чунки тоғда ўзим кўрган геологик объектларга ниҳоятда қизиқиб қолгандим. Шу боис домлага камида яна 2 йил ишлаш, дорилфунунда олган билимларимни мустаҳкамлаш ниятида эканлигимни айтдим. У кишининг чеҳраси ёришди. Фикримни маъқуллаб, келгуси йили алоҳида ҳузурига келишимни, унгача ўзим учратган кассерит ва олтинга йўлдош сульфид минераллари зоналаридан бой материаллар тўплашимни тайинладилар. Аммо иш жараёнида менинг «ишким» қадимий токембрий ва полеозой қатламларига эмас, уларни ҳамма томондан қамраб ётган ёш мезозой ва кайнозой эраларининг фосфорга ва бошқа оғир кимёвий элементларга бой чўкинди жинсларига тушди. Тоғ-тошлардан кўп намуналар тўплаб, кузатишлар олиб бордим. Аиа шу материалларим билан кейинчалик йирик Марказий Қизилқум фосфорит ҳавзаси кашф қилинишига асос солдим.

СУРАТДА: (чапдан) ЎзФА президенти Ҳ. Абдуллаев, вице-президент И. Мўминов ва бош илмий котиб Ҳ. Фозилов. 50-йилларнинг охири.

С. ДАВИДОВ суратга олган.

Ҳабиб Абдуллаев билан иккинчи учрашувимда бу ҳақда батафсил сўзлаб бердим. Домла ҳеч иккиланмасдан мени жаҳонга танилган йирик мутахассис, Ўрта Осиё чўкинди жинсларини ўрганувчи профессор Владимир Иванович Попов билан учраштириб қўяжакларини айтдилар. «Сиздан чўкинди тоғ жинслари ва маъданлари бўйича яхшигина мутахассис чиқиши турган гап!» — дедилар. Шу тарика мен профессор Поповга аспирант бўлдим, 3 йилга қолмай фан номзоди илмий даражасини олдим.

Ҳабиб домла бошқаларнинг, айниқса, ёш мутахассисларнинг келажагини ўйлаб, кўп куйиб-пишардилар. Мулоқотлар чоғида суҳбатдошининг нимага қизиқишини, нималарга қодир эканлигини дарров пайқаб олардилар.

1956 йилнинг ёзида домла менга шундай вазифа бердилар: «Геология бошқармасига бориб кузатинг, сўзлашинг ва ўзингизга ўхшаган йигитлардан қанча бўлса, уларни менинг номимдан аспирантурага таклиф қилинг...»

Бир ҳафтадан сўнг домла билан академиянинг Геология ва геофизика илмгоҳи директори Ғани Мавлонов ҳузурида қайта учрашдик. Домла даставвал мени сўроққа тутдилар: «Хўш, юртдош, «ўлжа»лар қанча? Қанча дўст орттирдингиз?» Бу билан аспирантурага қанча йигит танладингиз демоқчи эдилар. Мен «Атиги 3 кишини учратиб, суҳбатлашдим. Улар рози», дедим. «Бу жуда оз-ку.— Домла шундай дея Ғани акага юзланди:— Хўш, сенда қанча бўлди?» «Ҳабиб Муҳамедович, менинг ишим зўр бўлди,— деди Ғани ака ғурурланиб,—30 одамни рўйхатга олиб қўйдим!» «Жами 33 та! Ҳаммасини ол, қўрқма!» деди домла. Ғани ака ажабланди: «Ахир сизнинг фақат 10 кишига рухсатингиз борку?» «Ҳаммасини қабул қил дедимми, ҳаммасини қабул қил!— Домла гапни чўрт кесди.— Ҳозир омадинг жуда юришибди. Бундай зўр «оқим» ҳеч қачон бўлмаган, кейин бўлиши ҳам даргумон. Мен эртагаёқ 33 ўрин учун буйруқ бераман. Агар бундай хайрли иш учун отадиган бўлишса, майли, мени отиб юбора қолишсин. Дунё фақат битта Абдуллаевга камаяди, аммо унинг ўрнига, ҳеч бўлмаса, 5 фан доктори чиқади. Шунда мен гўримда хотиржам ухлайман! Тушундингми?»

Бу гапларни эсласам, Ҳабиб Абдуллаевнинг мардлигига, чапанилигига, меҳр тўла қалбининг беғуборлигига қойил қоламан. Назаримда, ана шу чапанилик замирида чин ватанпарварлик, келажакка ишонч туйғулари мужассамлашган эди.

ОЛЛОҲГА МИНГ ҚАТЛА ШУКУРКИ, домланинг орзулари тўла ушалди: ўша эллигинчи йиллар охирида Ғани ака ва Ҳабиб домла «танлови»дан ўтиб, аспирантурага қабул қилинган 33 йигитнинг деярли ҳаммаси олдин-кетин фан номзоди, кейинчалик, бир қисми фан доктори бўлди. Улар ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда, илм даргоҳларида, дорилфунунларда етакчи ва масъулиятли вазифаларни бажаришмоқда. Жумладан, Тўлқин Шоёқубов жумҳурият геология ва минерал ресурслар қўмитасига раис, Сайдирахмон Мирзаев Республика халқ депутати, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтида кафедра мудири. Мухтор Аҳмаджонов бир вақтлар Ҳабиб домла ташкил қилиб, бошқарган Тошкент Политехника дорилфунунинг геология ва разведка факултети декани, шу билан бир қаторда металлогения ва ҳудудий геология кафедраси мудири Абдумубди Султонхўжаев — академик, сейсмология илмгоҳининг етакчи лабораторияларидан бирига раҳбарлик қилади. Мен эса устозим академик Владимир Попов ташкил қилган чўкинди жинслар формациясининг литологияси ва рудогенези лабораториясида мудир бўлиб ишлаяпман. Шу билан бирга, Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг Ер ҳақида фанлар қошида ташкил қилинган литология, минералогия, геокимё ва регионал стратиграфия фанлари бўйича илмий кенгашни бошқараяпман. Иншоолло, шогирдлари муваффақиятидан ва мустақиллик туфайли эндиликда заминимиздаги олтин, газ, нефть ва бошқа барча еростн бойликларига ўзбек халқининг ўзи эга бўлганидан Ҳабиб домланинг руҳлари ҳамиша шод бўлгай!

Ҳабиб Муҳамедовичнинг донолиги, зийраклиги, ўткир ақл-заковати ва рақибларидан қасос олиш ўрнига ҳурмат ва шафқат бажо келтириши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, сталинчилик даврида фан узоқ турғунликни бошидан кечирди. Совет олимлари хорижий ҳамкасблари билан ўзаро яқин мулоқотда бўлиш, очиқ фикр алмашиш, фан ютуқлари билан ўртоқлашиш имкониятн ва ҳуқуқларидан маҳрум эдилар. Ана шундай бир пайтда ўзбек геологи Ҳабиб Абдуллаев совет геологияси майдонига от чоптирибкирди. Ўзининг теран асарлари орқали назариёт бобида ҳукм сураётган жимлик пардаларини йиртиб улоқтирди.

Академик Дмитрий Иванович Шчербаков таъбири билан айтганда, Ҳабиб домланинг дастлабки уч монографияси — 1950 йили Тошкентда, 1954 йили Масковда қайта чоп этилган «Руда ҳосил бўлишининг интрузиялар билан генетик боғлиқлиги», уч йил ўтар-ўтмас яна Масковда босмадан чиққан «Дайкалар ва руда ҳосил бўлиши» деган йирик асари жаҳон геологларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди. Бу асарларида домла руда ҳосил бўлиши ернинг чуқур дарзлик(ёки ёриқлик)лари билан боғлиқ деган эски ғояга қарама-қарши ўлароқ янги, яъни замин қаърида рудаланиш асосан магма эритмасининг ёндош тоғ жинслари билан ўзаро модда алмашувига боғлиқ деган фикрни дадил олға суриб, бой илмий далиллар билан асослаб берган эдилар.

Ҳабиб Абдуллаев асарларининг кетма-кет босмадан чиқиши ва тез тарқалиши, улардаги янги ғоялар, далиллар бу соҳада «тишини еган» масковлик, ленинградлик ва сибирлик атоқли мутахассисларни саросимага солиб қўйди. Қизиқ, ҳали Иттифоқда ҳеч кимга танилмаган қандайдир бир Ўрта осиёлик «яккахўжа» олим марказнинг ўта тажрибали, махсуслашган металлогения ва петрология мактаблари узоқ йиллар мобайнида поёнига етказа олмаган долзарб муаммоларни танҳо ўзи олий савияда уддалаб, ҳал қилиб юборса-я! Марказ ва жойлардаги атоқли геолог-олимлару арбоблар уюшган ҳолда Ҳабиб домлага ҳужумга ўтдилар. Туҳматлар, камситишлар, космополитликда айблашлар авж олди. Бу борада диёримиз нонини еб, сувини ичиб юрган айрим кўрнамак марказ ҳомийлари ҳам, жумҳурият фирқа ташкилотининг айрим мафкуравий намоёндалари ҳам четда қолишмади.

Ҳабиб домла ўз янги фикр-ғояларини, илмий фаразларини ҳимоя қилиб, собиқ Иттифоқнинг талай илмий марказларида очиқ илмий баҳс-мунозаралар, қизғин тортишувлар ўтказишга мажбур бўлдилар. Марказдаги геологик ойномалар ўша йилларда домла оппонентларининг у кишининг шаънига тош отувчи қатор мунозаравий мақолаларини босиб чиқарди. Хорижий давлатлар ойномалари ҳам Ҳабиб Муҳамедович асарларига ботбот тақризлар бериб турди. Бу пайтда домла атрофида марказлик бир неча йирик олимлар, диёримиздан энг вафодор дўстлари, сафдошлари ва шогирдлари бор эди, холос. Айниқса домланинг фаол сафдоши ва юртдоши, зийрак, билимдон, кейинчалик дунёга танилган академик Иброҳим Ҳамробоев доим ғоявий ва руҳий ҳамроҳ бўлиб, унга ишончли «мудофаа қалқони» бўлди.

Турли тазйиқ ва маънавий камситишларга қарамай, Ҳабиб домланинг барча китоблари ва йирик илмий мақолалари 50—60-йилларда совет геологиясини «уйқудан» уйготди. Натижада ёш олимлар, ҳатто, геология илмининг тажрибали отахонлари ҳам домланинг ғоялари асосида кўплаб салмоқли илмий натижаларга эришдилар, металлогения ва петрология фанларини янги назарий ва амалий ишланмалар билан бойитдилар. Шунга кўра, марказий ҳукумат охир-оқибат Ҳабиб Абдуллаев ғояларини тан олди. 1958 йилда уни ўша даврнинг энг нуфузли Ленин мукофоти билан тақдирлади. Бу мукофотга домла Ўрта Осиё олимлари, қолаверса, Ўрта Осиё фуқаролари орасида биринчи бўлиб сазовор бўлди.

1959 йилнинг кузида Ҳабиб домлага мукофотни топшириш маросими бўлди. Шароф Рашидов мукофот комиссияси ва ҳукумат номидан қисқача табрик нутқи сўзлагач, навбат домлага берилди. У киши ўзининг фан чўққиларини эгаллашида, жамики муваффақиятларида, ҳатто мукофотга сазовор бўлишида ҳам устози Алексей Королевнинг хизматлари беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ваҳоланки, А. Королев профессор Вольфсон ва бошқалар билан бирга ҳамиша домланинг йўлига ғов бўлиб, уни камситиб келганди. Ҳабиб домла эса қасос олиш ўрнига бугунга келиб унга раҳматлар айтиб турибдилар. Королев ўтирган жойидан туриб, Ҳабиб домлага уч марта таъзим қилди. Шароф Рашидов домлага тасаннолар ўқиди ва «Кўрдингизми, бизнинг содда, аммо зийрак доноларимизнинг нозик имоларини!» — дегандай маъноли бош чайқаб қўйди.

ЗЕРО, ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҳар қанча таҳсинга лойиқ инсон, улуғ табиатшунос олим, фан осмонида ҳаммага йўл кўрсатувчи йўлчи юлдуз эдилар.

Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика илмгоҳининг лаборатория бошлиғи, геология-минералогия фанлари доктори

Қутлайсиз!

БАХШИДА УМР

«Муштум»га ўтишим нафақат ҳамкасбларим учун, балки ўзимга ҳам кутилмаган воқеа бўлганди. Қаранг, ўшанга ҳам икки йилдан ошибди. Зиммамга юклатилган вазифани қай даражада эплаштиряпман — бу ҳақда бирон нарса дейишим қийин. Лекин, шуни комил ишонч билан айтишим керакки, «Муштум» даргоҳида 35 йил тер тўккан, шунинг 22 йилини бош муҳаррир ўринбосарлигига бағишлаган ёзувчи, масалчи шоир Олим ака Қўчқорбеков менга яқиндан маслаҳатгўй бўлмаганларида бундан ҳам қийин бўларди.

Олим ака биринчи кунданоқ ўзлари ишлаган хонага кириб, менга оталарча фотиҳа бергандилар. Хизмат вазифасидаги энг мураккаб жиҳатлар, қолипга сиғмайдиган ҳолатларда қандай ечимга келиш хусусида кўпгина йўл-йўриқларни тушунтирдиларки, натижада ўртадаги муносабатимиз янада қалинлашди.

Халқимизда «Сен дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтаман», деган нақл бор. Олим ака, ҳали айтганимдек, узоқ йиллар бир лавозимда ишлаш даврида хизмат телефон рақамларини яқин кишиларига берган, албатта. Буни қарангки, маълум вақт ўша рақамли телефонларга қилинган қўнғироқларга мен жавоб беришимга тўғри келди. Қадрдон дўстини сўроқлаган одамларнинг ҳаммаси эл-юрт ичра яхши ном қозонган кишилар, эътиборли қаламкашлар эди.

Гапнинг очиғи, бир идорада ҳамнафас бўлгунимизча Олим ака ҳақида унча-мунча биламан, деб юрарканману аслида шунчаки танирканман. «Ленин учқуни» газетасида илк бор шеърлари чиққанидан ҳам яқинда, 60 ёшга тўлишлари арафасида хабар топдим. Ҳали талабалик даврида (1957 йилда) китоб чиқариш бахтига Олим ака мушарраф бўлганини ҳам кейин билдим.

Бой тажриба тўплаган ҳамкасбимиз чиқарган китобларни номма-ном санашнинг иложи йўқ, чунки улар сони 15 тадан ошиб кетади.

«Муштум»нинг 40 йиллик тўйида Олим ака Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсатининг Фахрий ёрлиғи, 50 йиллик байрамида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони ва 60 йиллик санада яна Фахрий ёрлиқ билан тақдирланганларини алоҳида ифтихор билан айтмасам бўлмас. Ҳозир журналимизнинг 70 йиллиги арафасидамиз. Демак, мукофотнинг каттаси ҳали олдинда, иншоолло!

Шу сатрларни қоғозга тушириб ўтиргандим Қашқадарёдан журналист Жўра Юсупов кўнғироқ қилиб, Олим акани сўраб қолди. Кўп ўтмай бухоролик Хидир Мурод, Самарқанддан Шоди Мардиев «Устоз қани?» деб кириб келишди. Мен уларга Олим ака шу кунларда 60 ёшга тўлганларини, қутлуғ хонадонларида волидаи муҳтарамаси Маъфура ая билан, азиз фарзандлари, суюкли неваралари билан меҳмон кутаётганларини айтдим.

Ҳамиша сизни дўстларингиз сўроқлаб турсин, Олим ака!

Шуҳрат ЖАББОРОВ

ЭЪЛОН

«ТУМАРИС»
фирмаси
корхона ва ташкилотларга
Этикеткалар, ёрлиқлар, бланкалар
тайёрлаб беради.
Қоғоз фирма ҳисобидан.
Босма маҳсулотлар жумҳуриятнинг исталган ерига жўнатилади.
Корхоналар, консерва ва ичимлик сувларни ишлаб чиқарувчи заводларни ҳамкорликка таклиф этамиз.
Фирма, шунингдек, корхона ва ташкилотлар тарихи ва фаолиятига оид буклетлар, расмли китоблар, кино ва видеофильмлар ҳам тайёрлайди.
Маълумотлар учун телефон: (712) 41-53-03.

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

7 август куни Ўзбекистон Республикаси адиблари иттифоқининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. ЎзРАИнинг биринчи котиби Сулаймон Раҳмон кун тартибига қўйилган дастлабки масала — юртимизда, ЎзРАИ ташаббуси билан шу йилнинг ноябр ойида ўтказиладиган умумжаҳон туркий халқлари адабиёти байрамини уюштириш режа-лойиҳаси билан таништирди. Туркий халқлар ёзувлари, маданий ҳамкорликлари каби кўрилажак муштарак масалалар қаторида, ҳафта давомида меҳмонларни тарихий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжолар билан таништириш, Имом Исмоил Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, ниҳоят, туркий шеърият отаси Аҳмад Яссавий зиёратларини уюштириш мақсадга мувофиқ топилди. Меҳмонлар шарафига жойларда халқ сайилларини ўтказиш мўлжалланди.

Раёсат 21 август куни Ҳамза номидаги театрда ўтказиладиган «Истиқлол ва адабиёт» — мушоара, санъат кечаси режасини ҳам қувватлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ижодлари ҳозирданоқ халқимиз қадриятига айланган қатор талантли адибларни тақдирлаш масаласини ҳам кўриб чиқди. Атоқли адиб Суннатилла Анорбоевнинг 70 йиллик тўйига тайёргарлик ҳақида ахборот эшитилди.

Йиғилишда ёзувчилар тарғибот маркази Андижон вилоят бўлими жамоасининг ЎзРАИга ўтиш ҳақидаги аризаси кўрилди. Раёсат қарори билан мазкур вилоят тарғибот бўлими Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқи тасарруфига ўтказилди. Раёсат ёзувчи Набижон Боқий ёзиб тугаллаган «Иброҳимбек» ҳужжатли қиссасини ЎзРАИнинг «Ҳимоят» қўмитаси муҳокамасига тавсия этди.

Раёсат мажлисида Мурод Хидир, Набижон Боқий, Шуҳрат Ризаев, Мусурмон Намоз, Жаҳонгир (Наҳанов) кабч қаламкашлар ЎзРАИ аъзолигига қабул қилинди.

С. ГИЕС

ГУЛДЕК НОЗИК, ТОШДЕК ҚАТТИҚ

Таниқли болалар шифокори ва моҳир жарроҳ Жуманазар Бекназаровнинг экология ва саломатлиққа доир публицистик чиқишлари жумҳуриятимиз жамоатчилигига яхши таниш. Сўнгги йилларда Ибн Сино номидаги нашриёт олимнинг иккита ажойиб китобини кенг ўқувчилар оммасига туҳфа этди. Улар «Гулдек нозик» ва «Тош балоси» деб номланган. Биринчи китобда муаллиф инсон танасининг гулдек нозик аъзолари ва уларда учровчи туғма нуқсонлар билан боғлиқ тиббий муаммоларни таҳлил этади. «Тошдек қаттиқ, гулдек нозик», «Фарзанд умр зийнати», «Дардни яширсанг...», «Сўнгги пушаймон», «Дилдаги армонлар», «Қиз қалби...» сингари оммабоп мақолаларда тиббиёт амалиётида камдан-кам учраб турувчи баъзи туғма дардлардан фориғ бўлиш йўллари бадиий лавҳалар орқали баён этилган.

«Тош балоси» деб номланган иккинчи китоб юртимизда кенг тарқалган ва болалар саломатлигида кескин вазнят яратган буйрак-тош хасталиги муаммоларига бағишланган. Бу касаллик жиддонан баркамол ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш борасида жиддий ташвиш туғдирмоқда. Хўш, бу хасталик кўламини камайтириш мумкинми? Қандай қилиб унинг олдини олиш мумкин? Муаллиф «Тошга айланган дард», «Изтироб малҳами», «Кавакдаги чаен», «Бебаҳо хазина», «Ҳақиқатга айланган туш» сингари мақолаларида ана шу муаммо ҳақида фикр юритади.

Ҳар икки китобда тиббий муаммоларнинг инсонлар тақдиридаги воқеалар тарзида бадиий баён этилиши уларнинг мазмунан ўқишли бўлишини таъмин этган.

М. АБДУЛЛА

УзАО ХАБОРОТИ

Ўзбекистон адиблари иттифоқида Тошкентда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ туркиялик ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Самимий ўтган учрашувда Туркия ёзувчилар бирлиги бошқони Меҳмет Дўғон сўз олиб, шарқ ва ғарб туркларининг бугунги яқинлашуви, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, туркий халқлар ўртасидаги маданий, адабий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш кераклиги ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон адиблари иттифоқи раиси Эркин Воҳидов, туркиялик биродарлар кўнглидан кечаётган ўйлар бизнинг кўнглимиздан ҳам кечиб турибди, деди. Сўнг туркий халқлар маданияти ўртасида пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириш борасида адиблар иттифоқи, Ўзбекистон ёзувчи-шоирлари амалга ошираётган ишлар ҳақида сўзлади.

Мулоқот мобайнида туркий адабиётда таржимачилик, матбаа масалалари, Туркиянинг «Евроосиё» кўрсатувлар дастуридаги камчиликлар тилга олиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳайъати ва жамоаси Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти

Воҳид ҚОДИРОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу ила билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг актёри

Воҳид ҚОДИРОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги вазирлик Бадиий-баҳолаш кенгашининг аъзоси Муҳаббат Тўлахўжаевага ғолидан муҳтарамаси

Тамара ТЎЛАХЎЖАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Республика телевиденеси режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофотининг совриндори М. Юнусовга рафиқаси

Муяссар АЮПОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ПИР ЭТАГИН ТУТИБ...»

«ҲАҚИҚАТ ДАРГОҲИГА ҳақиқат толибларига ошиб эмас, балки ўз йўлим, ўз машаққатларим воситасида интилишим, мудом шу йўлда ҳаракатда бўлишим лозим. Мен манзил томон тинимсиз интилар эканман, демак, ҳақиқат менга йўлдош ва мендан олдинда». Буюк инсонлар қайси замонда, қандай тузумда яшамасин, уларни муштарак ғоялар бирлаштиради, гўё замонлар ўлчови бўлмиш вақт пардалари кўтарилиб, бир ғоя учун бир даврда курашган сафдошлардай бўлиб қолади. Акс ҳолда жоҳилия замонасининг энг буюкларининг сараси бўлмиш Суқротнинг мазкур фикри билан ислом нуридан баҳра олиб янги замон туркий маънавиятга тамал тоши қўйган бобокалонимиз ҳазрати Аҳмад Яссавий қарашлари ва курашлари ўртасидаги муштаракликни яна нима билан изоҳлаш мумкин!

Тариқатни йўли қаттиғ турфа тоштим
Бош қотти пири муған сари қочтим
Пир этогин тутуб ботин кўзин очтим
Эранлардин йўлум сўраб йурдум мано
ёки
Бу йўллар роҳатидур қайғу, меҳнат
Меҳнат тортиб жафо чеккан топар роҳат
Саҳарларда зори қилгон кўрар давлат
Ҳу-ҳу тею бу дунёдин ўтар, дўстлар.

Бу ҳикматлар ҳам ички, ҳам ташқи маъноси, мақсади билан юқорида келтирилган Суқротнинг фикри билан ҳамоҳанг. Эрамиздан аввалги IV аср юнон адабиёти, фалсафаси, умуман, маданиятининг устунларидан бири бўлмиш Суқрот яна «Ўзингни англа» деган шиори билан ҳазрати Аҳмад Яссавий асос солган яссавия тариқатидаги инсон ўз ички-ботиний томонини камол топтириш йўли билан ҳақиқатга интилиши ғояси ҳам ўз диндош замондошлари ва аждодлари камоли ҳақидаги ниятларининг ифодасидир. Ҳазрати Қул Хожа Аҳмад Яссавий фақат бутун туркий адабий тил(койне)нинг асосчисигина эмас, балки ислом дунёсида «туркий маънавиятнинг отаси» сифатида тан олинган. Ул зотни ҳазрати Алишер Навоий ҳам алоҳида эҳтиром билан «шайхул машойих» деб зикр этадилар. Шайхул Машойих Аҳмад Яссавийнинг обрў-эътиборлари шу даражада бўлганки, бирор бир бошқа улуғ зот ўз ижодини «Яссавий» тахаллуси билан бошлашга журъат этолмаган. Ҳатто, Қул Аҳмад, Аҳмадо, Хожа Аҳмад тахаллуслари билан ўз шеърларини «Ҳикмат»га тиркашган шоирларимиз ҳам «Яссавий» тахаллусини қўллашга ботина олмаганлар. Фақат ўз даври ғайридинларини ва инсофсиз мусулмонларнигина эмас, ҳатто ҳозиргача душманларимизни фақат номи билан ҳам титроқ тутқизадиган бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари ҳам пирим деб ҳурмат бажо келтирганлар. Ҳазрати Аҳмад Яссавий асарлари тили ва умуман фаолиятлари ҳақида «ғалати машҳур» фикрнинг тарқалишида катта ҳисса қўшган академик Бартольд ҳам ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий «фақат туркларнингина эмас, балки ўзбекларнинг ҳам миллий отасидир (патрон) деб тан олишга мажбур бўлган. Ҳазрат ислом дини заминида вужудга келган тасаввуфнинг ягона туркий тариқати—яссавиянинг ҳам асосчисидир. Бу тариқат бутун туркий маънавиятнинг кейинги тараққиётида беқиёс аҳамият касб этдики, буни чуқур ўрганиш бизнинг энг долзарб муаммоларимиздандир...

Ҳаммага аён нарсани таъкидлашнинг боиси шуки, худо дунёдаги бошқа қавмлари орасида бизни алоҳида тақдирлаган экан: бизнинг туркийларимиздан илм-фан, дин осмонининг ёруғ юлдузларини кўпроқ танлабди. Афсуски, тақдирнинг шу неъматини қадрлаш туйғусига келганда, худо ўзи кечирсин, бироз чегирилган эқанмиз. Халқимизнинг буюк фарзандларига яратган эгам ана шундай саховатли бурч ҳам юклабди: маънавий қашшоқ аждодининг моддий томонидан бохабар бўлгин деб (Самарқанд, Бухоро, Хива, Туркистонда Амир Темур, Бухорий, Паҳлавон Маҳмуд, Яссавий ёдгорликларидан келаётган валюталар, гарчи бу бойликлар кимнинг чўнтагига тушаётганини билмасак ҳам шунақа мерос-бойлик борлигини билишимизга шамъа қилаяпмиз). Мана шу ачинарли ҳолатимизга, ота-боболаримиз руҳларини ва келажак авлодларимизни ўйлаб, ақлни ишлатиб ёндашиш, ҳал қилиш пайти келди, чамамизда.

Яқинда Мустақиллик майдонида Тошкентнинг белини букиб турган ҳайкал олинди. Худога шукр, бу ҳайкалнинг тамал тоши қимматли, унга кетган меҳнат улуғ, чунки у она ер тоши, заҳматкаш халқнинг меҳнати самараси. Ана шу тамал тоши устида «шайхул машойих», «туркийларнинг миллий отаси», «туркий маънавиятнинг отаси», адабий тилимизнинг асосчиси, Туркистон пири — Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий ҳайкали савлат тўкиб турса, Туркистон мустақиллиги камоли рамзи сифатида кўнглимиз таскини бўлар эди.

ШУ ЎРИНДА ЯНГИДАН НОМЛАНАЁТГАН жойлар ва бекатлар, кўчалар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтишни ҳам лозим топдик. Биринчидан, метронинг айрим бекатлари, хусусан Алишер Навоий, Улуғбек кабилар ҳақида. Бизда буюк зотлар ҳақида суҳбат кетганда тахаллус олдидан ёки кетидан ҳазрат, мавлоно, устоз, шоир, амир каби улуғловчи, шарафловчи сўзлар ишлатилган. Шунинг учун ҳозирги Алишер Навоий бекатини «Ҳазрат Навоий», Улуғбек бекатини «Мавлоно Улуғбек», Беруний бекатини «Мавлоно Беруний» тарзида ёки «Навоий ҳазратлари бекати», «Бобуршоҳ бекати» деб қўллаш ўз муомала ва атама маданиятимиз руҳига мос тушади. Бизнингча, фақат жой номларидагина эмас, барча соҳаларда буюк кишиларимизни ўзига хос ҳурматини жойига келтириб тилга олсан, авлодларимиз руҳи поклари шаънини ўрнига қўйиш томон кичик бўлса ҳам қадам ташлаган бўламиз.

Шунингдек, арзимаган мукофотларни ҳам улуғларимизнинг муборак номлари билан номлаш, майда-чуйда нарсаларни, турли тижорат дўконларини буюк боболаримизнинг номлари-ла аташ тўғри эмас. Биз уларнинг буюк шарафини буюклигича сақлаб қолайлик.

Бахтиёр ИСАБЕКОВ,
Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
Эшқобил ШУКУР

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Боши иккинчи бетда

Бақохон билан Чоржўй қозиси Бурҳониддинга Ширбадан чорбоғида ўзи шарафига зиёфат беришларини айтади. Зиёфат-мусобақада Бурҳониддин ғолиб чиқади. У Олимхонга қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган чиройли тахт совға қилади, эвазига Қозикалон лавозимига эга бўлади. Қозикалон барча руҳонийлар ва адлия маъмуриятининг раиси ҳисобланган.

Текширишлар шуни кўрсатадики, Амирнинг жами бойликлари рўйхатга олинганидан тўрт баравар кўп бўлган. Хазинани тўлдиришнинг асосий мақсади ва йўлларидан бири Бухоро қоғоз валютасини чиқариб, Бухоро тангаларини йиғиб олиш бўлган. Шу боис хазинада Бухоро тангалари бениҳоя кўп учраган.

Амир Олимхоннинг катта, беҳисоб бойлиги чўқур иқтисодий таназзул ва очарчилик шароитида ҳокимият тепасига келган Шўро ҳукумати, унинг Туркистондаги ҳарбий комиссарлари ҳамда комфирқа ва унинг бу ердаги нопок раҳбар вакилларини қизиқтириши табиий эди. Собиқ Ўрусия салтанати ўрнига янги коммунистик салтанатни ўрнатиш йўлида коммунистлар ҳар хил ҳарбий тажовуз ва босқинчиликлардан ўзларини тия олмасликлари ҳам аниқ эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Колесовнинг «Ёш бухороликлар» ёрдамида Бухоро давлатига ҳужум қилиши ҳам тасодифий эмасди...

●

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА РОМАНОВЛАР СУЛОЛАСИНИНГ охирги ҳукмдори Николай II ҳукумати ағдарилиб, мувақкат ҳукуматга Керенский бош бўлгач, унинг эътиборидан Бухоро ҳам четда қолмайди. У Бухорога мухтор элчи қилиб Преображенскийни юборади. Амир Олимхон у билан шошилинч музокаралар олиб бориб, икки давлат ўртасидаги шартномани имзолайди. Шартномага кўра, Ўрусияга ярим мустамлака бўлган Бухоро давлати мустақиллик олади. Амир чет эл давлатлари билан мустақил ҳолда музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш ҳуқуқига тўла эга бўлади. Аммо Ўрусияда октябр тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига В. И. Ленин бошлиқ большевиклар келади. Улар Туркистонда ҳам ҳокимиятни эгаллагач, мустақил Бухоро давлатига ҳарбий ҳужум уюштирадилар. Амирга қарши Колесов номи билан боғлиқ уруш ҳаракатлари бошланиб кетади.

Колесов Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимида ишлаб, кўп муддат Туркистонда қизил гвардиячиларга бошчилик қилган. «Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш» ниқоби остида маҳаллий халқларни аёвсиз қирган газандалардан эди. У 1918 йил февралида Когонга келади. Гўёки «Ёш бухороликлар» гуруҳига ёрдам бермоқчи бўлиб, Саид Олимхонга қарши уруш очади. Бироқ Амир алдов йўлини тутади. Колесовга хат йўллаб, уруш ҳаракатларини ҳамма жойда дарҳол тўхтатиш бўйича юборилган ультиматум шартларининг барчасини қабул қилишга ваъда беради. «Ёш бухороликлар» аъзолари ва Колесов амирнинг ваъдасига ишонадилар. Қизил гвардиячилар отрядлари Эски Бухорога ҳужум қилишни тўхтатиб ўз истеҳкомларига чекинадилар. Амир вақтдан ютишга муваффақ бўлади. Қариб ўн минг кишилик оломон юз чақиримдан кўпроқ масофадаги темир йўлни бузиб ташлайди. Бундан ташқари, Амир ўзининг 30 минг кишилик қўшинини ҳужумга ташлайди. (Ф. Хўжаев. Танланган асарлар, биринчи жилд, Тошкент, 1976 йил, 493—494-бетлар). Шундай қилиб, «Ёш бухороликлар» гуруҳи ва қизил гвардиячилар енгилади. РСФСР ҳукумати нафасини ростлаб олиш учун вақтинча Бухоронинг мустақиллигини тан олиш ва унга тавон тўлашга мажбур бўлади. Бу тўғрида Амир Саид Олимхон ўз хотирасида шундай деб ёзади:

«Ҳарбий ҳаракатлар тугагандан сўнг Ленин ва Троцкий фармонига биноан, Бухорога совет вакиллари сифатида Элиава ва Бройдо келди. Улар мен билан музокара олиб бориб, Бухоро давлатининг тўла мустақиллигини тан олишди ва ҳатто менга ўқ-дори билан қурол-яроғ келтиришга ваъда беришди. Большевиклар 50 минг милтиқ, 500 пулемёт, 50 аэроплан ва 50 миллион сўм олтин пул тўлашга ваъда берди. Бироз кейинроқ Аксельрод советлар жумҳуриятининг Бухородаги элчиси этиб тайинлади.

Икки давлат ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун Тошкентдан менга ўқсиз учта замбарак юборилди, большевиклар ҳаракати услубига хос бўлган бу совға кўзимни очди» («Фан ва турмуш», 1991 йил, 3-сон, 21-бет).

Ўрус Шўро ҳукумати бир томондан Амирни алдаш билан машғул бўлса, иккинчи томондан шартномага хиёнат қилган ҳолда Бухорода давлат тўнтаришн ясаш учун Файзулла Хўжаев бош бўлган «Ёш бухороликлар» гуруҳига суяниб катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборади. 1918 йилнинг ноябрида «Ёш бухороликлар» кўмитаси тузилишига иқтисодий ёрдам кўрсатади. Март воқеаларидан кейин тез орада Бухоро коммунистик фирқаси Тошкентда ўз фаолиятини бошлайди. Фрунзе Амирга қарши қотиллик ҳужумини режалаштиради. Қисқаси, Москва ва Тошкентдан бошқарилган, ҳар томонлама кўмак олиб турган коммунистлар қўмитаси ва «Ёш бухороликлар» Амир ҳокимиятига қарши қўлбола халқ инқилобини тайёрлашга муваффақ бўладилар.

1920 йил 31 мартда Туркистон фронти қўмондони М. Фрунзе ва Ш. Элиава раҳбар бўлган Шўро делегацияси ўзига хос найранг асосида Бухорода Амир Саид Олимхон билан «тинч йўлда» бирлашиш хусусида музокаралар олиб боради. Амир бирлашиш ва қўшилишга розн бўлмайди. У Бухоро мустақил жумҳурият бўлиб қолажагини таъкидлайди. Оқибатда Амирга, айниқса, кўҳна Бухорога қарши даҳшатли қирғинлар бошланади. Жаҳон маданиятида тенгсиз миллий архитектура ансамблига эга бўлган Эски Бухоро ваҳшийларча ўққа тутилади. Бу ҳақда Амир Саид Олимхон шундай деб ёзади: «Улар (большевиклар — **муаллифлар**) ўзларининг броневик ва бронепоездларида олдинга ҳаракатланиб, бир пайтнинг ўзида замбараклардан ўқ узишди... 7 аэроплан Бухорони бўмбардимон қила бошлади. Яратганнинг иродасига бўйсуниб, шаҳарни ҳимоя қилиб, ўз қўшинларим билан жангга кирдим. Кетма-кет тўрт кечаю кундуз жангу жадалда бўлдим. Бу жанглар пайтида душман замбарак, пулумёт, аэропланлар ёрдамида Бухоронинг ярмини ёндириб, кулини кўкка совуришга ва кўп халқни ҳалок этишга муваффақ бўлди. Чорасиз қолган мусулмонлар, аёллар ва болалар шаҳид бўлган яқинларига кўз ёш тўкишарди... Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни тарк этарди...

Замбараклардан ўққа тутиш кучаяётгани, қурбонлар сони ортаётгани, уй-жойлар вайрон бўлаётганини кўриб, бундан кейинги вайроначилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун шаҳарни тарк этишга қарор қилдим...»

БУГУНГИ КУНДА ТОШКЕНТНИНГ БЕКТЕМИР ШАҲАРЧАСИДА истиқомат қилаётган Сафарбек Урганжининг оғзаки ва ёзма гувоҳлик беришича, Амир Саид Олимхон Бухоро тарихий обидаларини, муқаддас жойларни сақлаб қолиш, катта вайронагарчиликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарни ташлаб чиқишдан олдин М. Фрунзе ва Ф. Хўжаев ҳузурига Амир Насрулло Қушбеги билан Урганжини элчи қилиб юборган, улардан бомбардимонни тўхтатишни ва шафқат қилишни талаб этган. Бош қўмондон Амир тахтни ва бутун бойликларини топшириб, шаҳардан чиқиб кетиши лозимлигини айтган. Иложсиз қолган Амир бунга 18 моддадан иборат шарт қўйиш билан рози бўлган ва шу тартибда хазина бойликларининг жуда катта рўйхатини топширган. Мана, «Бухоро ахбори» газетасининг 1920 йил 1 май сонида босилган ўша шартларнинг энг муҳимлари: «Бухоро мустақил давлат бўлиб қолиши; Бухородан Фрунзе лашкарлари чиқиб кетиши; бутун бойликлар Бухоронинг янги давлат раҳбарларига топширилиши; Бухоро ҳукуматига маҳаллий миллат вакиллари раҳбар бўлиши ва бошқалар амалга оширилиши керак».

Бироқ Фрунзе маккорлик қилади. Уни қочирмаслик ва бошига Николайнинг кунини солиш ниятига тушади. Асатулла ва Сафарбек Урганжиларнинг гувоҳликлари, Насрулло Қушбеги тузган рўйхатнинг ГПУ архивида сақланиб қолганлиги, Амирнинг Бухородан тўрт хотини, икки ўғли ва бошқа навкарлари ҳамда чет эл кишилари билан бемалол чиқиб кетгани фикримизнинг далили бўла олади. Амирнинг «Менинг Бухорои шарифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин деб ўйладим. Чоршанба куни тушдан кейин, соат 4да машинага ўтириб, Аллоҳнинг марҳамати ёғилган пайғамбар алайҳиссалом ибратига мувофиқ, шаҳарни тарк этдим. Ситораи Моҳи Хоссадаги саройимдан чиқиб, Ғиждувон сари жўнадим. Менга Афғон элчиси, қўшин бошлиқларидан бири Абдулшукурхон ва Афғоннинг Тошкентдаги вакили Муҳаммад Асломхон, Афғон ҳарбий қозиси, шунингдек, олий мартабали шахслар, мансабдорлар, ишчилар, бухоролик ва афғон аскарларидан 25 минг киши ҳамроҳлик қилиб боришди» деган фикрлари сақланиб қолган.

Амир Бухорони тарк этгач қадимий Бухоронинг олтин ва зарларга бой аҳолиси ҳамда амирлар сулоласига тегишли тилла ва бошқа бебаҳо осори атиқалар тажовузкор кучлар томонидан аёвсиз таланиб топталди. Бойликларнинг жуда катта қисми Фрунзе ташаббуси билан Ўрусияга олиб кетилди, қолганлари эса Бухоро Шўро ҳукуматининг раҳбарлари ва бошқалар томонидан ўғирланди, қўлдан-қўлга ўтди. Уларнинг аксарияти ҳозир ҳам Москва ва Санкт-Петербургда, чет мамлакатлардадир. Бу хулосаларимизга аниқлик киритиш учун ҳужжат ва маълумотларга мурожаат этайлик.

Амирликда 22 йил хазинабон бўлган ва Саид Олимхон тахтга ўтиргандан сўнг бу лавозимдан бўшатилган Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиев 1934 йил 6 январда ГПУ ходимлари томонидан сўроқ қилинганда қуйидагиларни айтган: «Қизил армия Амир хазинаси сақланадиган Арк қалъасини инқилоб даврида бомбардимон қилиб вайронага айлантирган. 1920 йил сентябрда Бухоро амир қўшинларидан тозаланган куниёқ Аркда сақланаётган бойликларнинг ҳаммаси «Ёш бухороликлар» иштирокида йиғиштириб олиниб, Москвага жўнатилган».

Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиев сўроқ жараёнида яна қуйидагиларни таъкидлаган: «Бухорода Шўро ҳукумати ташкил этилганидан бир ой ўтгач, РСФСР вакиллари ҳамма бойликлар топилмаганлигини, ҳали бойлик кўплигини айтиб, хазиналар яширилган жойларни биладиган одамни топишни талаб этадилар. Шундан сўнг мени Бухоро Шўро ҳукумати вакиллари Носир Махсум Ҳакимов, Исом Хўжа (ҳозир иккаласи ҳам муҳожир) ва Муҳиддин Мансуров чақиришди. Улар Арк томон кетаётганимизда, ўрисларга фақат олдин улар томонидан хазина қазиб олинган жойларнигина кўрсатишимни огоҳлантиришди. Мен албатта хазиналар сақланадиган жойларнинг ҳаммасини билардим. Аркка етиб келгач, улар айтганларидек қилдим» (ОФ 243-иш, 310—311-бетлар).

«Правители» саҳифаларида Москвага Амир хазинасидан олиб кетилган олтин ва бошқа қимматбаҳо жавоҳирларнинг аниқ миқдори ҳамда қиммати ҳақида мукаммал, тўла маълумот йўқ. Аммо хазинанинг асосий қисми Ўрусияга олиб кетилганлигидан далолат берувчи далиллар жуда кўп. Ҳужжатларга кўра, Фрунзе босқини даврида Бухородан олиб кетилган олтин ва қимматбаҳо бойликлар ҳар биттаси ўн, ўн учтадан кам бўлмаган қизил ҳарбий вагондан иборат бир неча эшелонни ташкил этган. Бу ташмачиликдаги «катта хизмати» эвазига Фрунзега «Ёш бухороликлар», томонидан амирнинг олтин қиличи ва ханжари совға қилинган.

«Товар» номли ишда яна бир ҳақиқат бор: Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши вақтида маҳаллий туркий халқларнинг қўйинлари пуч ёнғоққа тўлдирилади — амирлик меросига меросхўр БШСЖ тугатилмасидан анча олдиноқ, энди тарғиботташвиқот ва тайёргарлик ишлари бошланган бир пайтда Москвада хазина бойликлари ҳақида давлат қайдномаси тузилади ва у Марказий Шўро ҳукуматининг катта чиновниклари томонидан имзоланади. 1924 йил 15 апрелда тузилган ушбу ҳужжатда Бухоро Шўро Социалистик Жумҳуриятидан олинган олтин, кумуш ва ҳар хил қимматбаҳо осори атиқалар Госхран (Давлат омбори) томонидан қуйидагича баҳоланган ва қабул қилиб олинган (бу ерда жами 9 та қайдномадаги актмаълумотлар умумлаштирилган, холос).

1). 322-қайдномада: олтин ёмбилар —5 пуду 12 фунт, жами олтин ҳисобида — 112233 сўм 36 тийин.

2). 520-қайдномада: олтин —2 пуду 12 фунт, жами 35687 сўм 29 тийин, олтин парчалари ва олтин буюмлар —4 пуду 15 фунт, жами олтин ҳисобида — 46997 сўм 16 тийин, маржон —34 фунд (сўммаси аниқ эмас — **муаллифлар**).

3). 509-ва 519-қайдномаларда: кумуш буюмлар — 124 пуду 01 фунт, жами олтин ҳисобида —61996 сўм 77 тийин.

4). 519-ва 520-қайдномаларда: буюмларга қадалган қимматбаҳо тошлар, жами олтин ҳисобида —152831 сўм 8 тийин.

5). 322-қайдномада: рус олтин тангалари, жами —239693 сўм 91 тийин, Туркия олтин тангалари —344 сўм 78 тийин, Бухоро олтин тангалари — 54331 сўм 72 тийин.

6). 327-ва 331-қайдномаларда: Бухоро тангалари — 199 пуду 39 фунд (сўми кўрсатилмаган — **муаллифлар**) ва бошқалар. Юқоридагиларнинг ҳаммаси олтин пул ҳисобида 3 миллион 168 минг 172 сўм 42 тийинни ташкил этади (ОФ 243-иш, 29-бет). Бу олтинларнинг, зеб-зийнатларнинг қиммати ўша даврдаги бозор иқтисодиёти ва амалдаги пул қиймати нуқтаи назаридан белгиланган. Босқинчилар олиб кетган бойлик миқдори ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш, уни ҳозирги кун билан солиштириш учун инқилобдан олдинги нарх-навони кўз олдимизга келтирайлик: таниқли тарихчи олим Ҳайдарбек Бобобековнинг ёзишича, ўша пайтларда — қўзғолонлар кўтарилган ва қимматчилик кезларида бир пуд ун 95 тийин, гуруч 1 сўм 20 тийин, арпа 60 тийин, узум ва туршак 3 сўм 80 тийиндан, ёнғоқ 5 сўм 70 тийин писта ва нок 35 тийиндан, бодом 70 тийин, бир бош семиз қўй 2 сўмгача бўлган, холос. Бинобарин, Бухоро хазинасининг қиммати ўша давда ҳам, ҳозир ҳам жуда катта миқдорни ташкил этади.

БУХОРО ШЎРО СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ тугатилиши арафасида ундан Марказий Шўро ҳукумати фойдасига олиб кетилган олтин ва бойликлар фақат шулардангина иборат эмас. Бухородаги бойликларни расмий равишда ҳисоблаш 1923 йил сентябрида илк бор амалга оширилади. Ҳужжатларда қайд этилишича, уларнинг умумий қиммати 8 миллион 765 минг 877 сўмни ташкил этган, холос. БШСЖ ўзининг биринчи кунларидан бошлаб фан ва маданиятга, ёшларни ўқитиш, маорифни ривожлантириш ва ҳатто дорилфунун ташкил этишга катта эътибор берган. 1921 йилда Абдурауф Фитрат ва бошқалар ташаббуси билан 50 дан ортиқ ўқувчи Олмония пойтахти Берлинга ўқишга юборилади. Бухоро ҳукумати уларнинг ҳар бири учун 9—10 йиллик етарли маблағни олмон банкига ўтказади, беш қаватли меҳмонхона сотиб олади. «Товар» номли ишда бунинг учун Бухоро ҳукумати Амир хазинасидан қолган олтин ва бриллиантларни сақлагани тўғрисида маълумотлар бор.

Афсуски, Бухоро ҳукумати тугатилгач, унинг пули, мулки Москва томонидан тортиб олинади. Олмониядаги мактаб ўқувчилари ва талабалар моддий таъминотдан маҳрум бўладилар. Талабаларнинг кўпчилиги иқтисодий қийинчилик оқибатида ўқишни ташлайди; айримлари Шўро ҳукумати томонидан атайин чақириб олинади. Бу ҳақда ўша кунларнинг бевосита шоҳиди бўлган, ҳозир чет элда яшаётган ватандошимиз, таниқли олим ва жамоат арбоби Вали Қаюмхон шундай ҳикоя қилади: «1924-25 йилларда Московнинг элчиси барчанинг юртга кетишини буюрди... Талабалар учун банкага қўйилган ақчаларни ва Бухоро тижорат ваколатини, барча ашё ва сармоясини, Бухоро ҳукуматининг уйларини тортиб олади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил, 24 апрел).

Амир Саид Олимхон Бухородан чиқиб кетишда ўзи билан бирга олиб кетган олтин ва бошқа бойликлар ҳақида турли гаплар бор. ГПУ тўплаган маълумотларда кўрсатилишича, амир хазинадан 2000 карат бриллиант ва олтинни, жами 18 қоп бойликни ўзи билан олиб кетган ва улар йўлда чегарачилар отряди қўлига тушган. Н. Йўлдошев ва И. Ҳайдаровнинг мақоласида Амир ўзи билан юз аравада олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликлар олгани, шундан 25 араваси Ғиждувон туманидаги Эшонкўприк ёнида Э. Кужело отряди билан бўлган жангда унинг қўлига ўтганлиги кўрсатилади. Шу билан бирга, Қизил армия ўз «инқилобий» юришларида амирликка қарашли Нурота, Хатирчи ва Кармана бекликларида сақланаётган 1012 пуд олтин ва кумуш тангаларни, гавҳар, ёқут ҳамда бошқа қимматбаҳо металларни мусодара қилгани ёзилади.

Хулоса шуки, Амир ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлган бойликларнинг асосий қисми, қанча бўлишидан қатъи назар, коммунистик ғояни қурол билан сингдирмоқчи бўлганлар томонидан тортиб олиниб, Бухоро Шўро ҳукуматига эмас, тоталитар тузум марказига жўнатилган. Бундан ташқари, Амир Олимхон Бухородаги давлат тўнтаришидан олдин Ўрусия саноат корхоналари ва манифактураларига ўтказган жуда катта миқдордаги маблағлар ҳам Москва ва Санкт-Петербург марказий банкларида қолиб кетган. Чунончи, 1917 йилда Амир катта қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси ва манифактураси акцияларини сотиб олиш учун Петроградга 33 миллион сўм ўтказган. Шунингдек, у Рус — Бухоро банки ва Рус — Бухоро акционерлик жамиятига 2,5 миллион, Бухоро темир йўли жамиятига олтин миқдорида 3,5 миллион сўмлик пул ўтказгани ҳам маълум.

Фрунзе босқинидан сўнг Амир олтинларининг кўп қисми Бухорода қолган. ГПУ ходимлари 1922 йилдан то 1928 йилгача асосан уларни қидириб топиш муаммоси билан шуғулланганлар. «Товар»да бу тўғрида қимматли маълумотлар бор. Қизиғи шундаки, уларда гарчи бирор парча олтин топилганлиги ёки бирор киши жавобгарликка тортилгани қайд этилмаса-да, катта миқдорда олтин заҳираси қолгани, унинг кўп қисми Бухоро ҳукумати раҳбарлари томонидан ўғирлангани тахмин қилинади. Хазинабон Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиевнинг бу борада гувоҳлик беришича, орадан тахминан бир ой ўтгач (РСФСР вакиллари Аркни иккинчи марта талаганларидан кейин), уни иккинчи бор Бухоро Шўро ҳукумати аъзолари чақириб, ҳақиқий хазина яширилган жойларни кўрсатишни талаб қиладилар. Хўжа Файзулла бошчилигида қазиш ишлари олиб борилиб, 9600 пуд кумуш (173 тонна 600 кг) ва тахминан 200 пуд (3 тонна 200 кг) олтин ҳамда бошқа нодир тошлар топилиб, ҳукуматга топширилади. Шунга кўра, улар 15 кун мобайнида Аркдан чиқарилмайдилар. Тўқсоба Муҳаммадиев хизмати эвазига иккита чопон билан мукофотланади ҳамда босмахонага ишга жойлаштирилади.

ГПУ тўплаган ҳужжатларда Бухоро олтин ва жавоҳирларн турли йўллар билан чет элларга олиб кетилгани ҳамда савдодан тушган катта маблағлар Амирнинг кўрсатмасига мувофиқ, хорижий банкларда қолдирилгани хусусида ҳам сўз юритилган. Жумладан, Фарангистон банкига 190 миллион сўм ўтказилган. Кейинроқ — 1923 йилда Амир бу пулни олиш учун ўз вакили Юсуф Бий Муқимбоевни Парижга юборади. У ердагилар пул Бухоро ҳукуматиники, қувилган амирга берилмайди, деган баҳонада пулни қайтармайдилар (ОФ 243-иш, 217-бет). Лекин Сафарбек Урганжининг амакиваччаси Асатулло Гуванар ва Амирнинг ўғиллари фикрига асосланиб айтишича, Фарангистонда ҳеч қандай пул бўлмаган, Амир у ерга ҳеч кимни юборган ҳам эмас.

Ишончли маълумотлар шуни кўрсатадики, Амир Олимхон ўз вақтида Пешавордаги банкка қорақўл ва гилам савдосидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 миллион сўм, шунингдек, Лондон банкига ҳам катта миқдорда пул қўйган. Унинг қариндошларининг айтишларича, бу пуллар йилига 40 фоиздан ошиб, ўтган даврнинг ичида яна кўпайган. Хусусан, Пешавордаги пул миқдори ҳозир 180 миллион долларга етган.

ШЎРО ҲУКУМАТИ ДАВРИДА бошқа кўплаб анъана ва муқаддас удумлар қатори мерос ва меросхўрликни ҳам авлодлар онгидан сиқиб чиқариш борасида «катта» ишлар амалга оширилди. Мерос «ўтмиш сарқити» деб баҳоланди, меросхўрлар эса «халқ душмани» ва «феодал» сифатида қатағон қилиндилар. Оқибатда янги авлод вакиллари ўтмиш меросидан бутунлай бенасиб манқуртларга айланишларига сал қолди. Лекин, қандай бўлмасин, эндиликда биз мустақиллик туфайли Бухоро амирлигининг хазинасига ўзимизни меросхўрлар деб аташга ҳақлимиз. Бугунги давр талаби, ҳозирги шароит бизга шундай ҳуқуқ беради. Бу борадаги ҳақиқат топталган адолатни, умуминсоний қадриятларни тиклашдан иборатдир.

Шу йил май ойида Амир Саид Олимхоннинг куёви Асатулла Гуванар Урганжи ва унинг амакиваччаси Сафарбек Урганжи ўзларининг барча қариндош-уруғлари номидан жумҳуриятимиз раҳбарларига мурожаат қилдилар. Тақдир тақозоси туфайли Амирнинг 70 йилдан буён муҳожирлик азобида юрган қариндош-уруғларининг она юртга қайтиш-хоҳиш истагини ҳисобга олишни ва хорижда сақланаётган катта мерос масаласини муҳокама қилишни таклиф этдилар.

Ошкоралик имкониятидан фойдаланиб Амир авлодларининг таклиф-истакларини халқимизга ошкор қилсак, фойдадан холи бўлмас деган умиддамиз.

Хўш, уларнинг асл-ният мақсадлари нималардан иборат?

Энг аввало тезроқ она-Ватанга ва ўз халқи бағрига қайтиш, миллат ва юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, шу тариқа Саид Олимхоннинг васиятини адо этиб, Ватан ва эл-юрт олдида юзларини ёруғ қилиш. Зеро, Сафарбек Урганжининг ҳозиргача кўпчиликка номаълум бир муҳим воқеадан гувоҳлик беришича, Амир Саид Олимхон ўлими олдидан фарзандлари ва қариндош-уруғларини йиғиб шундай васият қилган экан: **«Пешавор банкида сақланаётган долларларга бирортанг қўл текизмайсан, Ўзбекистон мустақил бўлгач, бу пулларни унинг ҳисобига ўтказасанлар. Лондонда сақланаётган жамғармалар асосан авлодлар учун, лекин унинг бир қисми ҳам Ўзбекистонга берилиши мумкин. Бу сенларга боғлиқ».** «Фарзандлар, — дейди Урганжи, — ҳозиргача ота васиятига содиқ қолиб келмоқдалар. Ҳатто ўзлари пулга зориққан кезлари ҳам ота васияти улар учун виждон амри бўлиб қолди. Албатта бу оғзаки гаплар. Аммо Амирнинг икки чет эл банкидаги маблағлари ҳақидаги васияти ҳақиқат деб ўйлаймиз. Мен Туркияда икки бор бўлдим. Амирнинг учинчи фарзанди — таниқли тарихчи олим ва шоир, 80 ёшли Иброҳимбек Азимий билан учрашдим. Амирнинг иккинчи ўғли Саид Умархон (у «Америка овози» радиостанциясида сиёсатдон, шарҳловчи бўлиб ишлаганди, шоир) билан эса телефон орқали гаплашишга муяссар бўлдим».

Амирнинг меросхўрлари номидан ҳукуматимиз раҳбарлари билан музокара олиб боришга вакил бўлиб келган, Туркияда истиқомат қилувчи А. Г. Урганжи ва унинг турмуш ўртоғи — Амирнинг қизи ҳозир 52 ёшдалар.

А. Г. Урганжи ўз ваколатидан келиб чиқиб ҳукуматимиз раҳбарларига мурожаатида қуйидаги шарт ва мажбуриятларни баён этди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Амир ворисларини Ўзбекистонга таклиф қилиши, ворислар номидан келган А. Г. Урганжи билан барча масалалар бўйича музокаралар ўтказмоғи лозим.

2. Ўзбекистон меросга эга бўлиши учун Амир ворислари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тан олинишлари, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинишлари ва унинг ҳудудида хавфсизлик кафолатига эга бўлишлари керак.

3. Амир қариндошлари ҳеч қандай мулкий ва сиёсий талабларни қўймасликни ўз зиммаларига олган ҳолда республиканинг бошқа барча аҳолиси қатори фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиш имконига эга бўлишлари керак.

Албатта, бу таклиф-истаклар жумҳуриятимиз учун, унинг келажаги учун жуда катта тарихий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Уларни ҳар томонлама пухта ўйлаб кўриб вазминлик билан ҳал этиш фойдадан холи бўлмайди. Ҳукуматимиз бу масалага жиддий эътибор беришига ишонамиз комил. Қолаверса, халқимизнинг чет эл ва халқаро майдондаги мавқеини кўтарувчи, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятини бошлаб юборди. У амалга оширадиган муҳим ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Бизнингча, ана шу дай ишлардан бири коммунистик зуғум ва қатағонлар туфайли чет элларга кетиб жон сақлаб қолган ватандошларимизнинг ўз юртимизга қайтишига шарт-шароит яратишдир. Амир Саид Олимхон васиятининг вожиб бўлиши, унинг авлодларининг Ватанга қайтарилиши ҳам шулар жумласидандир. Бу масаланинг нечоғли ижобий якун топиши ҳукуматимиз билан Амир Саид Олимхон авлодлари вакилларининг ўзаро мунозара бошлашларига боғлиқдир.

●

ТАРИХ — ҲАҚИҚАТ ЧИРОҒИ, ДЕЙДИЛАР. Ўтмишимиз нурафшон бўлиши учун биз аввало ўзлигимизни англашимиз тарихий-маданий, иқтисодий-маънавий меросимиздан тўла баҳраманд бўлишимиз лозим. Мерос эса катта-кичиклиги ёки олтин зарлигидан қатъи назар, инсон учун ҳамиша муқаддасдир. Бизнинг вазифамиз ўша муқаддас ҳис-туйғуларни ва бойликларни ҳимоя қилишдан, кўз қорачўғидек асраб-авайлашдан, халқимизни авлодлар маънавияти ва бойлигидан баҳраманд этишдан, ёшларни қадимий эзгу анъаналар руҳида тарбиялашдан иборат бўлмоғи керак. Бу масъулиятни ҳис этмаслик ўтмиш меросимизга, авлодларимиз руҳига ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Бас, шундай экан, халқимизнинг муқаддас ҳис-туйғулари, олтину зарлари, бойликларининг шунча йиллар мобайнида талон-тарож бўлганлиги етар энди. Бугунги кунда Петрдан бошланган босқинчиликнинг ҳамма усуллари — тажовуз, таъқиб, камситиш ва талончиликка барҳам бериш мавриди келди. Эндиликда биз ҳамон Москва, Санкт-Петербургда, бошқа шаҳарларда сақланаётган осори атиқаларимизни ўз юртимизга қайтариб олиб келишимиз зарур. Дарвоқе, Ўрусияга олиб кетилган хонликлар хазиналари, халқ осори атиқаларини аниқлаш ва қайтариш юзасидан жумҳурият миқёсида нуфузли ҳукумат комиссияси тузилса, маънавий-иқтисодий, илмий-тарихий жиҳатдан ниҳоятда савобли ишга қўл урилган бўларди. Шу жиҳатдан қараганда, Амир Саид Олимхон васиятининг рўёбга чиқиши фақат унинг авлодлари учунгина эмас, балки ҳаммамиз учун ҳам шарафли ишдир. Чет элларга сочилиб кетган, Ўрусия шаҳарларига яшириб қўйилган бебаҳо тиллаларимиз, миллий бойликларимиз ўз юртимизга қайтарилса, ҳар жиҳатдан адолатли иш бўларди.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент,
Сотимжон ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

СУРАТДА: (биринчи қаторда) Насрулло Бий Қушбеги (чапдан биринчи), Амир Саид Олимхон (чапдан учинчи) сарой аёнлари ва Чор Россияси армияси офицерлари билан.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шараф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Босмахонага топшириш вақти — 21,00 Топширилди — 19.40
213 минг 790 нусхада чоп этилди.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г—288 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12